O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **25** август, жума № **34** (2161).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **25** августа, **2006** год, № **34** (2161).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу - цена свободная

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Ислом КАРИМОВ

БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 22 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ўтган ўн беш йилнинг ҳар бир куни ҳаётимизга янги бир ўзгариш олиб кирди, десак муболаға бўлмайди. Биз бой ва қадимий тарихидан ғурурланиб, бугунги кунга шукрона келтириб, келажакка ишонч билан яшаётган халқмиз. Биз бугундан сўз очганда эртани ўйлайдиган, эртадан гапирганда кечани унутмайдиган миллатмиз. Биз истиқлол истиқбол ва масъулият эканини яхши биламиз: Ватанга садоқат, юртни янада обод қилиш, бунёдкорлик масъулияти.

Истиқлолимизнинг ўн беш йиллик тўйини янги ютуқлар билан кутиб олмоқдамиз. Буларнинг барчасига юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик, бунёдкорлик руҳи сабаб эришмоқдамиз.

Бугун Ўзбекистонни том маънодаги қурилишлар майдонига менгзаш мумкин. Қай бир гўшага – шаҳару қишлоққа борманг, янгидан-янги иншоотларга – корхоналар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, равон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонларга кўзингиз тушади.

Мамлакатимиз пойтахтида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 август куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент катта ҳалқа йўлининг якуний босқичида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Усмон Носир кўчаси Сирғали, Қўйлиқ ва Отчопар бозорига борадиган кўчалар билан кесишадиган йирик чорраҳада қурилган 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич ва Эркин қўрғони ҳудудидан ўтадиган умумий узунлиги олти километрлик янги йўл Тошкент катта ҳалқа йўлини боғлади. Замон талаблари асосида қурилган мазкур йўлнинг ҳар икки томонида транспорт воситалари уч қатордан ҳаракатлана олади.

Шу пайтгача мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқимининг бир қисми Фарғона водийси вилоятларига пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтар эди. Эндиликда бундай оғир тиқча ташвиш ва муаммоларга чек қўйилди. Янги йўлнинг бунёд этилиши "Олмаота–Бишкек–Тошкент–Термиз", "Тошкент–Душанбе", "Тошкент–Ўш" халқаро автомобиль йўлларини ҳам бир-бири билан туташтирди.

Мамлакатимиз Президенти катта ҳалқа йўлининг 61-километрида амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди. Йўловчилар, транспорт воситалари ва ҳайдовчилар учун яратилган бундай қулайликдан нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки қўшни давлатлардан келадиган меҳмонлар ва транспорт воситалари ҳам баҳраманд бўлишини таъкидлади.

Ислом Каримов Чилонзор тумани ҳудудидан ўтган кичик ҳалқа йўлининг Халқлар дўстлиги кўчаси билан кесишадиган жойида ишга тушган улкан транспорт боғламаси билан танишди. Уни "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига қарашли ташкилотлар ишчи-хизматчилари бунёд этди.

"Йўл лойиҳа бюроси" шўъба корхонаси ва "ТошкентбошпланЛИТИ" лойиҳалаш институти лойиҳаси асосида барпо этилган мазкур иншоотнинг эни 30, узунлиги 374, баландлиги эса қарийб 7,5 метрни ташкил этади.

Илгари бу чорраҳада саккиз қатор йўналишда транспорт ҳаракати кесишар, натижада тиғизлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўларди. Эндиликда маҳобатли иншоот усти ва ости орқали транспорт воситалари олти қатордан бемалол, тез ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

– Илгарилари иншоот, ҳатто оддий бир бино қурилишида ҳам одамларга, атроф-муҳитга таъсири инобатга олинмас эди, – деди Юртбошимиз. – Эндиликда мамлакатимизда замонавий техника ва технологиялар ёрдамида йўл ва кўприклар, транспорт боғламалари ва йўл ўтказгичлар қуриш тажрибаси тўла эгалланди. Транспорт қатновини бир зум ҳам тўхтатмай, икки ярим ойда мана шундай улкан иншоотни бунёд этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

(Давоми 2-бетда).



Кўксим қалқон сенга, Ватан — онажон!

Тимур КАРИМОВ суратга олган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди.

Мажлисда жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш концепциясини амалда рўёбга чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун ва масалалар муҳокама қилинади.

24 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатаси еттинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ахборотини тингладилар ва маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмиталарнинг раислари еттинчи ялпи мажлисда кўриш учун киритилган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар юзасидан хулосалар тайёрлиги ҳақида маълумот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати еттинчи ялпи мажлиси кун тартибига Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилган ва маъқуллаш учун тавсия этилган Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши муносабати билан қабул қилинган "2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги, "1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги, "2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонунларни, шунингдек, "2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўшимча равишда киритишни таклиф қилдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БОБУРШОҲ САБОҚЛАРИ

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Тасаввур этайлик, тонг палласида, ширин уйқу асносида бошинг узра душман отларининг дупур-дупури эшитилса. Биз кўпинча Заҳириддин Бобур асарларини мутолаа қилганда, унинг бутун умри ўта беҳаловат, ташвишли кечганига гувоҳ бўламиз. Бутунлай парчаланиш ҳолатига келган Амир Темур салтанатини бор виқори билан тиклашни умр мазмуни деб билган Бобур, ўзи таъкидлаганидек, юқоридаги сертаҳлика даврдагина эмас, ҳатто осуда ҳолатларда ҳам рақиблари, унга қарши бўлган шаҳзодаларнинг ғарази, ҳар лаҳзада қўққисдан унга зарба бера олиш кайфиятлари борлиги боис, ҳатто ухлаганида ҳам эҳтиётдан кийим ва ҳарбий аслаҳаларини ечиб ётмаган, доимо қарши зарбага тайёр турган («Мен ҳамиша омонликта ҳам, тўн, ўққувоқ чиғормой-ўқ такия қилур эрдим»). Бугунги кунда ҳам ҳарбийларимизнинг машқ пайтидаги ҳолатлари ва амалиётдаги ҳаракатларида Бобурнинг шу ҳаётий тажрибаси қўл келади. Унинг бу эҳтиётқорлиги, ҳамиша огоҳ бўлиб яшаши, Ватан, давлат ҳимоясига доим тайёр туриши ибрат дарси ҳисобланади.

Шундай мураккаб ҳолатга қарамасдан Бобурнинг эпчиллиги, бугунги кун таъбири билан айтсак, қарши ҳужумга ўтиб, шерикларини муҳораба сари бошлаши, бошқариши акс этган тасвирга мурожаат этайлик. Қачондир Заҳириддин Бобур ҳақида чинакамига кўп серияли бадиий фильм яратилишига мен ишонаман.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

Ўзбекистон халқи саноқли кунлардан кейин ўз Мустақиллигининг 15 йиллигини қарши олади. Истиқлол туфайли миллий онг, миллий ғуруримиз тикланди, аждодларимиз томонидан яратилган бой моддий ва маънавий маданиятимизга бўлган меҳр ортди. Мустақиллигимиз шарофати билан тарихимиздан унутилаёзган Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Имом ал-Мотуридий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб дунёвий ва диний йўналишда фаолият кўрсатган олиму уламоларимизнинг, машҳур давлат арбоби ва саркардаларимизнинг номлари тикланди. Барча вилоятларда уларни хотирлаб, бой меросларини келажак авлодларга етказиш мақсадида анжуманлар ўтказилди, ёдгорликлар ўрнатилди. Алломаларимиз, тарихий қаҳрамонларимизнинг ҳаёт йўллари, ижодига бағишланган йирик асарлар чоп этилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз халқимизнинг миллий онги, ғурурини ошириш, маданият, маънавиятнинг юксак тарбияловчилик, жипслаштирувчилик, яратувчилик кучини сезди ва шу боис маънавиятни юксалтиришни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этди. Ҳозирда миллий онг, миллий ғурурни юксалтириш, маданият, маънавият бизнинг тафаккуримизни ўзгартирувчи, янги жамиятда яшаш имконини яратувчи феноменал ҳодисага айланмоқда. Миллий қиёфа-аслида миллатнинг мавжудлик белгисидир. Дунёда кўп мустамлакачилар ва мустамлака қилинганлар бор. Мустамлака қилинганларнинг кўпчилиги миллий ғурури, маданий тагзамини чуқур бўлмаганлиги учун ҳам ўз миллий қиёфасини йўқотган.

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

ПОРЛОҚ ХОТИРАГА БОШ ЭГИБ

Шаҳидлар, қатағонга учраганлар, озодлик, эрк деган овози, нафаси бўғилганлар... Улар кимнингдир акаси, кимнингдир сингли, кимнингдир отаси, бобоси эди. Ким бўлганида ҳам бизнинг, ҳаммамизнинг жигаримиз эди. Жафокаш халқимизнинг фидойи фарзандлари эди. Зулм ва зўравонликка асосланиб қурилган мустабид тузум даврида ўзлигини, миллатимиз қадриятларини сақлашга, халқни илм-маърифат нурлари ила уйғотишга уринишган ақл-заковат соҳиблари эди, улар. Истиқлол сабаб тарихий адолат қарор топди, тантана қилди. Президентимиз ташаббуси билан шаҳид кетган аждодларимиз номлари, хотираси қайта тикланди. Бир сўз билан айтганда, уларнинг пок номлари тарихий хотирамизда қайта жонланди.

Истиқлолга эришган дастлабки пайтларданоқ давлатимиз раҳбарияти томонидан бу тарихий адолатни тиклашга эътибор қаратилди. Ахир бу эзгу ишни амалга ошириш билан ўз тақдиримизга дахлдор бўлган адолатни қарор топтирган бўлар эдик-да. Бу эса тарихдан улкан сабоқлар чиқаришимизда, бугунги, истиқболдаги ҳаётимизга онгли равишда қарашда устувор аҳамият касб этади. Қолаверса, истиқлолнинг моҳияти ҳам миллат, халқ қадр-қимматини, ғурурини тиклашда эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

1999 йилнинг 12 майида Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармойишига биноан мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилди. Ўша йилнинг 22 июлида эса Вазирлар Маҳкамасининг қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Мазкур тарихий Қарорга кўра «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди. Бўзсув соҳилида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, кейинчалик, музей ташкил этилди. Хуллас, ушбу ҳужжат бу борадаги эзгу ва хайрли ишларимизга қанот бахш этди. 2001 йилнинг 1 майида Юртбошимиз Фармони билан 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида белгиланди. Ўша тарихий Фармонда шундай жумлалар бор: «Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, орномусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади».

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундайин хайрли ишларимизнинг улкан тарбиявий аҳамияти бор. Ёшларимиз, айниқса бугунги авлод бу билан истиқлолнинг қанчалар азиз, улуғ неъмат эканини, унда фидойи боболар, улар орзу-армонларининг ҳам ҳаққи борлигини юракдан англашади. Демакки, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, асраб-авайлашга интилишади. Қолаверса, юрт озодлиги, ҳурлиги йўлида жон фидо этганлар хотираси доимо қалбларда яшашини ҳис қилишади. Пировардида бу уларда, умуман кенг жамоатчилигимизда ижтимоий адолатга ишончни мустаҳкамлаб, истиқлол ғояларига садоқатни, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини кучайтиради.

Дарҳақиқат, Ватан озодлиги, ҳурлиги, бахту саодати йўлида, бугунги дориломон кунларимиз йўлида шаҳид кетган аждодларимиз қалбимизда доимо яшайди. Уларнинг порлоқ хотираси олдида мангу бош эгамиз.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги




ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Кимгадир бу дориломон кунларга осонгина эришилгандек туюлиши мумкин. Бу нурафшон кунларга етиб келгунимизча жафокаш халқимиз бошига не-не мусибатлар, оғир синовлар тушмади, дейсиз. Эрк истаб, озодлик истаб қанчақанча қонлар тўкилди. Шунинг учун Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлганларни, қатағон зулми остида эзилганларни хотирлаш бизга ҳам қарз, ҳам фарздир.

Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар истиқлолнинг илк йиллариданоқ, ҳатто Мустақилликка эришиш арафасида бошланди, десак хато қилмаймиз. Масалан, 1991 йилнинг 6 февралидаёқ қатағонга учраган бобокалонимиз Абдулла Қодирийнинг порлоқ хотирасига унинг номида адабиёт ва санъат соҳасида давлат мукофоти таъсис этилди. Қодирий бобомиз биринчилардан бўлиб «Мустақиллик» орденига муносиб кўрилди. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан бир ой ҳам ўтмай, аниқроғи 1991 йилнинг 25 сентябрида халқимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган, истиқлод қурбонлари бўлган боболаримиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратларга Навоий номидаги давлат мукофоти берилди. Ҳа, мустақил тараққиёт йўлимизнинг илк одимлариданоқ юрт озодлиги ва ҳурлиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни мустақилликка, эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватанпарварлар доимо қалбимизда бўлишини намоён этдик.

(Давоми 8-бетда).


2 ИДЕТ ЛЕТНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА
НА ТРЕБУЕМОМ УРОВНЕ


3 ҚУДРАТИМИЗ – ЖАНГОВАР ШАЙЛИК, МАҲОРАТ ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТДА
ИШОНЧЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ


5 МЕСЯЧНИК БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ
ПЕРЕД ВЫХОДОМ В РЕЙС


12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ЯНГИЧА СОЗ, ЯНГИЧА ОҲАНГ

БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўнгги ўн йил давомида пойтахтимизда транспорт воситалари сони уч баравар кўпайди. Авваламбор, бу ҳам одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, эл-юртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганининг исботидир. Зеро, кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аҳолимизнинг турмуш даражасини ошириш, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини тўла таъминлашдир. Транспорт воситаларининг кўпайганига қарамасдан пойтахтимиз кўчаларида машиналарнинг тўпланиб қолишига деярли дуч келмайсиз. Бу ҳам узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимиз самарасидир, деди давлатимиз раҳбари.

Истиқлол байрами арафасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Саккокий кўчасида бир йўла учта янги ижтимоий объект – 8-оилавий поликлиника, замонавий спорт мажмуи, «Журжоний» маҳалла гузари ишга туширилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида бунёд этилган оилавий поликлиника 32 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда 50 нафар малакали тиббиёт ходими меҳнат қилади.

Дастлабки тиббий ёрдамга мўлжалланган мазкур шифо маскани болалар, катта ёшдагилар, хотин-қизларга алоҳида тиббий хизмат кўрсатадиган хоналар, шунингдек, ихтисосликлар бўйича шифокорлар кабинетларига эга. Улар энг замонавий компьютер техникаси ва махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Стоматология хонасига ўрнатилган замонавий ускуналар тишни оғриқсиз даволаш имконини беради. Янги рентген аппарати эса плёнка ва реактивларсиз тасвирни тўғридан-тўғри компьютерга кўчиради. Ҳар бир оиланинг тиббий паспорти яратилиб, компьютер хотирасига киритилаётгани аҳоли ва шифокорларни ортиқча ташвишдан қутқаради. Тиббий паспортда хонадон аъзоларининг саломатлиги билан боғлиқ барча маълумотлар қайд этиб борилади.

– Бундай ёруғ ва шинам шифо масканларини бунёд этишдан мақсад соғлом авлодни камол топтириш борасидаги эзгу мақсадларимизни тўла рўёбга чиқаришдан иборат, – деди Юртбошимиз. – Аммо уларни қуришдан олдин, тегишли ҳудудда қанча аҳоли яшашини, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиш лозим. Қанча кекса, қанча хотин-қиз ва ёш бола бор, уларнинг қанчаси қандай тиббий кўмакка муҳтож – ҳаммаси пухта ўрганилиши шарт. Оилавий поликлиника фаолиятининг йўлга қўйилиши, жиҳозланиши, муайян ихтисосликлар бўйича шифокорларнинг ишга жалб этилиш жараёни ана шундай аниқ маълумотларга таянган ҳолда ҳал қилиниши лозим.

Президентимиз шифо масканида яратилган шарт-шароит билан танишди, шифокорлар билан суҳбатлашди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижалари, шифокорларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди. Айниқса, болалар касалликлари ва уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

– Ҳудудимизда бир минг 600 га яқин бола яшайди, – деди поликлиника бош врачи Мунира Шаҳобова. – Уларнинг саломатлиги доимий назоратда. Сўнгги йилларда болалар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилгани йўқ. Шифокорларимиз бевосита оилаларда иш юритаётгани боис ўтган икки йил мобайнида юқумли касалликлар деярли учрамади.

Президентимиз мазкур замонавий тизим – оилавий поликлиниканинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, оила шифокори оиладаги ижтимоий муҳитдан яхши хабардор бўлиши лозимлигини, хасталикни даволовчи эмас, аввало касалликнинг олдини олувчи бўлиши кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари янгидан барпо этилган маҳалла гузарини ҳам бориб кўрди. «Маънавият ва маърифат», хотин-қизлар, маҳалла посбони ва участка нозири хоналари, мажлислар залига эга мазкур бино барча зарур анжомлар билан жиҳозланган. Ўзини-ўзи бошқаришнинг мукаммал тизими сифатида шакллантирилган маҳалла фаолияти бугун ижтимоий турмушимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла фаоллари билан суҳбатлашган Ислом Каримов маҳалла аҳлининг турмуши билан қизиқди.

Поликлиника яқинида очилган янги спорт мажмуи соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спортга жалб этиш борасида муҳим аҳамиятга эга. Бу икки иншоот моҳиятан бир мақсад йўлида хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари «Турон» якка кураши билан шуғулланаётган болаларнинг кўргазмали чиқишларига юқори баҳо берди.

Мажмуада икки юздан зиёд бола футбол, волейбол, баскетбол, шахмат, шашка, қўл тўпи, енгил атлетика, бадиий гимнастика, бокс каби ўндан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун етарлича шароит яратилган.

– Биз бугун 15 йил илгари экилган дарахтнинг ҳосилини кўряпмиз, – деди Президентимиз пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишув сўнгида. – Қайси ишга қўл урмайлик, аввало, халқимизнинг қадр-қимматини оширишни асосий мақсад қилиб қўймоқдамиз. Бугун биз эришган ютуқлар, биз амалга оширган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг қудратидан нишонадир.

Ҳа, тинч-осуда ҳаёт кечираётган элга, осойишталик ва барқарорлик мавжуд бўлган юртга байрамлар, бунёдкорлик яраша ди. Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари, байрам кайфияти бунинг ёрқин мисолидир.

Норали ОЧИЛОВ, Воҳид ЛУҚМОНОВ, ЎзА махсус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг мажлислари бўлиб, уларда сенаторлар еттинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар. Улар орасида қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар бор. Шунингдек, қўмиталарнинг 2006 йилнинг ўтган давридаги фаолияти якунлари ҳам муҳокама қилинди, сенаторлар минтақаларда олиб борган ўз ишлари ҳақида ҳамкасбларига ахборот бердилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди. Қўмита аъзолари ушбу қонун ноябрь ойининг иккинчи якшанбасини Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари куни деб белгилашни қайд этдилар. Тиббиёт ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган, тиббиёт соҳасини тубдан ўзгартириш ва ривожлантиришнинг дастурий ҳужжатига айланган "Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги фармони қабул қилинган санани Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари куни деб, ноябрь ойини эса – мамлакат кўп тармоқли тиббиёт соҳаси қарор топтирила бошлаган ой деб белгилаш ҳақидаги таклифи қонунни қабул қилишга асос бўлди.

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг аъзолари ўз мажлисларида "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, ушбу Қонун хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларини тартибга солади ва ишлаб чиқариш объектлари қай даражада хавфли бўлиши мумкинлигидан қатъи назар, ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар учун бир хил бўлган талабларни белгилайди. Қонун саноат хавфсизлигини таъминлашнинг таъсирчан тизими ишлаб туриши учун ҳуқуқий асос бўлади.

Ушбу қўмита мажлисида "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди. Қўмита аъзолари ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг 32 та қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишини кўрсатиб ўтдилар. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик фаолиятининг кафолатларини таъминлашга, давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган механизмини жорий этишга, тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш ва солиқ имтиёзлари беришга, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тартибини бирхиллаштиришга, кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишлар сонини қисқартиришга, хўжалик низоларини кўриб чиқиш чоғида молиявий ва бошқа жазо чораларини қўллаш билан боғлиқ суд тартиб-таомилларини соддалаштиришга, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар ва назорат қилувчи органлар жавобгарлигини оширишга, тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий ва бошқа жазо чораларини қўлланишга, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялашнинг бошқа масалаларига қаратилган.

Қўмиталарнинг мажлисларида муҳокама қилинган қонунлар сенаторлар томонидан еттинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун тавсия этилди.

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг мажлисларида сенаторлар ва қўмиталарнинг 2006 йилнинг ўтган давридаги фаолияти якунлари ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ИДЕТ ЛЕТНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА

КОГДА «ГОВОРЯТ» МИНОМЕТЫ...

Минометная батарея старшего лейтенанта Азамата Джуманазарова уверенно и точно накрывала предъявленные к поражению цели.

Выпускнику артиллерийского факультета Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища удалось уже через три года после выпуска возглавить батарею и вывести ее в передовые во многом благодаря помощи опытных наставников. К таковым можно отнести и начальника артиллерии части майора Сайфиддина Ибрагимова, который в свое время именно за умелое командование артиллерийской батареей в условиях горного боя был удостоен медали «Жасорат». Производя указание целей минометным расчетам в качестве руководителя стрельб, офицер в душе порадовался за подчиненного.

Если учесть сжатые временные нормативы подготовки к ведению огня с закрытых огневых позиций, то становится еще более весомой роль разведчика в группе управления батареи. Рядовому Рахматдину Умарову, этой осенью увольняющемуся в резерв, возвращение в родную Бухару обещает быть почетным. Ведь именно его зоркому глазу, быстро находившему замаскированные под местность цели, обязаны успехом товарищи. Вот и вычислителю младшему сержанту Баходиру Умурзакову проверяющие офицеры выставили высокую оценку за своевременность и точность сделанных расчетов. Военный профессионал, лишь год назад окончивший окружную школу подготовки сержантов, с лихвой оправдывает вложенные усилия преподавателей.

А вот для рядового Жалола Тургунбаева, призванного этой весной из столицы, эти боевые стрельбы стали первым испытанием на воинскую зрелость. Конечно, грозный посвист мин может кого угодно сбить с толку, но предварительная психологическая подготовка возымела действие. Все номера расчетов действовали уверенно и точно. Рядовому Тургунбаеву даже удалось попрактиковаться в роли разведчика, так как сослуживец именно его избрал в качестве преемника.


Следует команда сменить огневую позицию. Мобильность – это тоже одно из важных преимуществ миномета перед мощным дальнобойным орудием. Щелкнул секундомер в руках командира орудия младшего сержанта Илёса Исмоилова, начав отсчет боевой работе минометного расчета. Из разных краев собрались здесь ребята. Наводчик рядовой Максуд Бердиев – из Навои, номера расчета рядовые Рашид Бегимов и Истам Кораев – из Каракалпакстана и Бухары. За время службы стали они уже единой армейской семьей. Вот и на этот раз минометчики действовали как отлаженный механизм, опередив время норматива по занятию новой огневой позиции. С командного пункта вновь звучат команды на поражение очередных огневых целей, а результаты стрельбы опять обрадовали воинов-артиллеристов: есть попадание!

– По плану боевой учебы проведение стрельб намечено на осень, – комментирует итоги занятий полковник З.Садриддинов. – Поэтому и минометные подразделения свои лучшие результаты должны показать именно тогда. Однако отрадно, что они уже сейчас отстрелялись с хорошими результатами.

Сдержанная оценка представителя вышестоящего штаба говорит о том, что подразделению старшего лейтенанта А.Джуманазарова предстоит еще напряженно потрудиться над улучшением своих показателей. Впрочем, уже достигнутого результата оказалось достаточно для укрепления в них чувства уверенности в своих силах.



Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».
Фото **Тимура КАРИМОВА.**



НА ТРЕБУЕМОМ УРОВНЕ

В Юго-Западном особом военном округе успешно завершился очередной учебно-методический сбор начальников ПВО военных округов, командиров частей и подразделений ПВО Сухопутных войск. В течение пяти дней офицеры повышали свои теоретические знания и совершенствовали практические навыки в управлении подчиненными подразделениями.

В самом начале сбора были заслушаны доклады опытных специалистов об основах применения подразделений ПВО Сухопутных войск в современном бою. Офицер А. Серапин рассказал об их предназначении, составе и организационно-штатной структуре. Офицер Р.Муталипов доложил о роли противовоздушной обороны в современном бою. Офицер И. Хидиров остановился на основах организации воздушной разведки.

С первого дня сбора главное внимание было уделено обучению офицеров методике организации занятий с личным составом с применением самых современных учебно-тренировочных средств. Офицер Б.Мискинов, например, в своем выступлении детализировал основные вопросы подготовки и проведения тактических учений подразделений ПВО, отработки необходимых документов перед выходом в учебный центр. Офицер У.Ходиев провел практическое занятие по организации подготовки и проведения выходов подразделений ПВО в районы интенсивных полетов авиации.

Участники сбора побывали на специально оборудованных в полевых условиях учебных местах, чтобы в ходе показательных тактико-специальных занятий познакомиться с передовой методикой обучения. В парке боевых машин офицер Р.Кенжаев рассказал о современных методах постановки вооружения на длительное хранение. Офицеры С. Эргашев и Б. Багиров познакомили присутствующих с методикой организации занятий с личным составом на учебно-тренировочных средствах.

Немало предложений и замечаний поступило от руководящего состава ПВО округов и командиров частей и подразделений при обсуждении проекта Боевого устава ПВО СВ. Все они будут учтены при дальнейшей работе над этим важнейшим документом.

В дни сбора состоялось показательное тактико-специальное занятие, в ходе которого отрабатывались учебно-боевые задачи по работе командных пунктов ПВО военных округов по управлению огнем подчиненных частей и подразделений. А завершился учебный день практическим выполнением тактико-огневых задач зенитными расчетами.

В ходе учебного сбора также были проведены контрольно-тренировочные занятия, в которых приняли участие все присутствующие на них офицеры. Каждый получил возможность продемонстрировать свои знания руководящих документов, уровень личной боевой и физической подготовки.

– Поучительным и интересным было занятие по психологической подготовке стрелка-зенитчика, – поделился своим мнением о прошедшем сборе офицер Эльмурад Абдурахманов, представитель Восточного военного округа.

– На примере офицеров О.Наруллаева и Х.Уринова участникам сбора продемонстрировали методику преодоления психологического барьера при показательном пуске имитатора ракеты.

– На базе подразделений нашего округа, – рассказывает офицер Ильхом Купайсинов, – были показаны элементы лагерного сбора, проведены тактические учения зенитных батарей. Наши военнослужащие действовали умело, нам было что показать коллегам из других округов.

– В ходе сбора увидел много интересного и узнал немало поучительного, – поделился офицер Улугбек Установ из Центрального военного округа. – Постараемся внедрить у себя в округе все передовые наработки из показанных новшеств.


Участники сбора среди новинок наиболее интересными и эффективными назвали проведенные преподавателями кафедры боевого применения зенитно-ракетных войск ПВО практические занятия по изучению тактико-технических характеристик и правил эксплуатации тренажеров. Они были организованы так, что позволили каждому участнику провести на практике учебные пуски на оценочное время.

При подведении итогов сбора было отмечено, что его основные цели достигнуты, полученные в их ходе знания и навыки помогут офицерам ПВО Сухопутных войск завершить учебный год на высоком уровне боевой готовности.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ, корр. «Ватанпарвара».
Фото **капитана Алишера БОБОХАНОВА.**







ЛУЧШИЕ ЭКИПАЖИ – ГОРДОСТЬ ОКРУГА

Казалось бы совсем недавно, в подразделениях и частях экипажи танков, боевых машин пехоты и бронетранспортеров оспаривали звание лучших. А вот уже подошла пора помериться силами на уровне военного округа. В течение августа прошел второй (окружной) этап соревнований на звание лучшего экипажа БМП (боевой машины пехоты), танка, БТР (бронетранспортера).

В учебном центре ЮЗОВО несколько дней царила обстановка здорового соперничества. Ведь сюда прибыли не зеленые новички, а настоящие профессионалы своего дела, опытные специалисты, которые уже не один год действуют вместе. Каждый из них доказал свое лидерство в части и теперь должен защищать ее честь на окружных состязаниях.

В программу состязаний входили стрельба, вождение боевой техники и тестирование экипажей по всем предметам обучения.

Даже тогда, когда состязания закончились, трудно было выделить кого-нибудь. Все участники продемонстрировали высокий профессионализм и отличные практические знания по своей специальности. Решающим в определении победителей стала боевая слаженность экипажей. Там, где опыт и мастерство каждого специалиста умножались на умение действовать в составе маленького сплоченного коллектива, результаты оказались самыми высокими.

Когда были подведены итоги состязаний, у строгого жюри сомнений не было. Лучшим экипажем БМП был тот, где командиром – лейтенант Бахтиер Курбанов, наводчиком-оператором – младший сержант Холбек Шамаев, механиком-водителем – младший сержант Закир Жумаев

Среди танкистов наибольших результатов добился экипаж в составе младших сержантов Х. Улугова (командир), Л. Усманова (наводчик) и Ю. Тураханова (механик-водитель).

Примечательно, что лучший экипаж БТР также оказался укомплектован профессионалами – младшими сержантами Суннатулой Рахмоновым (командир), Бобуром Умаровым (наводчик), Бегзодом Мусурмоновым (водитель).

Итоги состязаний наглядно показали, что выпускники учебных заведений нового типа – окружных школ подготовки сержантов – сегодня не только обладают высокой личной выучкой, но и за несколько лет совместной службы сформировали в каждом подразделении высокоподготовленные, способные действовать в самых сложных условиях экипажи. Ведь и занявшие вторые места экипажи младшего сержанта Р. Жумаева (БМП), младшего сержанта Б. Бердыева (танк) и младшего сержанта А. Хамдамова (БТР) ненамного уступили лидерам по всем показателям стрельбы, вождения, умению действовать в сложной тактической обстановке, качеству выполнения различных нормативов.

В современных условиях, когда экипажам приходится зачастую действовать самостоятельно, в отрыве от главных сил, такая слаженность имеет огромное значение. Она намного умножает силу и возможности боевой техники, делает экипаж БМП, БТР или танка грозной силой для любого вероятного противника.

Майор Хайрулла НУРИТДИНОВ.

ҚУДРАТИМИЗ – ЖАНГОВАР ШАЙЛИК, МАҲОРАТ ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТДА

ИШОНЧЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ

Озод ва обод Ватан, унинг равнақи, тинчлиги, фаровонлиги халқимизнинг юрак-юрагидан жой олган эзгу ғояларидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон кун сайин тараққиёт сари, асрий ўзгаришлар, янгиланишлар сари юз тутмоқда. Аммо ўз ривожланиш ва тараққиёт йўлимиздаги бу устувор ғояларимизни, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини кўролмайдиганлар борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Айнан ана шунинг учун, тараққиётимиз, истиқлолимиз, эзгу ғояларимиз ҳимояси учун ҳам биз қурол-яроғ ва маҳорат бобида, жанговар тайёргарликда, салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган миллий армиямизни шакллантиришга бел боғладик.

Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда изчил кечаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, кўзланган устувор мақсад сари дадил одимлаётганимизни англаймиз.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, маҳорат бобида, жанговар тайёргарлигу салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган посбонларни тарбиялаш учун нималарга эътибор қаратишимиз керак? Умуман, бу борада қандайин ишлар амалга оширилмоқда, деган. Яқинда Мудофаа вазири иштирокида Тошкент ҳарбий округи олий ҳарбий билим юртлари биринчи курс курсантлари билан ўтказилган кўргазмали амалий машғулот, аниқроғи, жорий этилган янгилик билан саволимизга жавоб берсак.


Жорий йилда биринчи курсга қабул қилинган, офицерликдек шарафли касбни танлаш йўлида илк қадамни ташлаган ўғлонларимизга жанговар техника ва қурол-аслаҳанинг намойиши билан боғлиқ амалий машғулот ўтказилишининг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Аввало биринчи курсга қабул қилинган йигит миллий армиямизнинг куч-қудратини, истиқлолни, Ватанни ҳимоялашдаги имкониятларини янада яқиндан ҳис қилади. Бу ўз навбатида унда Қуролли Кучларимизга нисбатан фахр, ғурур туйғусини алангалатади. Демакки, ватанпарварлик туйғулари жўш уради. Ўзидан катта курсларда таҳсил олаётганлар жанговар техника ва қурол-аслаҳа ёрдамида кўз ўнгида машқлар бажариб, маҳоратини намоён этар экан, унда ҳам ҳавас шаклланади. «Мен ҳам ана шу курсант акаларимдек маҳоратли, тажрибали, юксак салоҳиятга эга бўлмоғим, юртим учун асл посбон бўлмоғим лозим», деган фикр ўтади кўнглидан. Уларнинг тажриба, малакаларини ўрганишни дилига тугиб қўяди. Бундайин фикрлар қалбида кечдими, қарабсизки, у ўзига бириктириладиган жанговар техника, қурол-аслаҳани ишонч билан бошқаришга ҳаракат қилади. Бу ўқиб, изланади, тажрибалар тўплайди, жанговар тайёргарликка катта эътибор қаратади, дегани. Содда қилиб айтганда, ана шундайин зарур ва муҳим кўргазмали амалий машғулотлар билан курсант офицерликка пойдевор қўяр экан, бу ўз-ўзидан маҳоратнинг, жанговар тайёргарликнинг савияси янада ортади, дегани. Қисқаси, бу кун унутилмас бўлиб, йигитларимизни мардлар касбига, миллий армиямизда хизмат қилишга янада қизиқтиради.

Саҳифада эътиборингизга ҳавола этилаётган мақола ва лавҳалар билан танишиб, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.











Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Дилмурод ХОЛМИРЗАЕВ:

–Юқори савияда ўтказилган ушбу кўрзазмали машғулотлардан олам-олам таассурот олдик. Бу, албатта Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, юқори қўмондонлик вакилларининг саъй-ҳаракатлари натижаси ҳамда биз ёш посбонларга кўрсатилаётган ғамхўрликдир. Олий ҳарбий билим юртида ўқиш мобайнида қудрати ва имкониятлари намойиш этилган жанговар техника ва қурол-аслаҳалардан фойдаланиш, уларни қўллаш сир-синоатини вақти келиб биз ҳам пухта ўзлаштирамиз. Ишонч билан айта оламизки, биз курсантларга билдирилаётган юксак ишонч ва эътиборни албатта оқлаймиз.

Бугун гувоҳи бўлганимиз – ҳар хил қўшин турларига алоқадор маълумотлар, замонавий қуролларнинг имкониятлари ва тавсифлари миллий армиямиз ҳақидаги илк тасаввурларимизни бойитибгина қолмай, қалбимизда танлаган касбимиздан фахр ва ифтихор ҳисси янада кучайишига сабаб бўлди.



Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Маҳмуд ОТАЖОНОВ:

– Мен муддатли ҳарбий хизмат, кейинчалик шартнома бўйича хизмат бурчимни ўташ мобайнида жанговар техника ва ўқотар қуролларнинг сир-синоатларини пухта ўрганишга ҳаракат қилганман. Аммо бугунги кенг қамровли ўқув машғулотларида жуда кўп янгиликларга гувоҳ бўлдим. Мени кўпроқ билим юрти 3-босқич курсантларининг ўзларига бириктирилган қудратли техникаларни мукаммал эгаллашгани, ўз қўл остидаги шахсий таркибни Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбариятининг кўз ўнгида дадил, ҳақиқий командирларга хос хатти-ҳаракатлар ила ишонч билан бошқаришлари ҳайратга солди.

Уларнинг ўқув-жанговар буйруқларни, тезкор топшириқларни бехато бажаришгани шахсан Мудофаа вазири томонидан эътироф этилиб, эсдалик нишони билан тақдирлангани барча иштирокчилар учун қувончли, унутилмас воқеа бўлди.



Олий ҳарбий божхона институти курсанти Лазиз ЭРГАШЕВ:

– Қуролли Кучларимизда бундай қудратли техника ва замонавий қурол-аслаҳалар борлиги ҳақида етарли маълумотга эга эмас эдим. Ўз кўзим билан кўргач, жуда ҳайратландим. Мен сингари ёш курсантлар учун ташкиллаштирилган бундай нуфузли кўргазмали машғулотларнинг назарий билимлар ва амалиёт билан ҳамоҳанг равишда ташкил этилиши улкан аҳамият касб этади. Юқори курс курсантларига ҳам ҳавасим келди. Улар машғулотларни ўтишда худди устоз офицерлар сингари ўзларини эркин тутишлари чуқур билимга эгаликларини яққол намойиш қилдилар. Бугунги муҳим тадбир биз – ёш курсантларни катта орзу ва мақсадлар билан яшашга, доим касбий маҳоратимизни ошириб боришга, юртга муносиб посбон бўлишга руҳлантирди.

Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши ёш посбонларнинг касбий маҳорати, тажрибаси ошишига мустаҳкам замин ҳозирлаши шубҳасиз.



Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети курсанти Рустам КАРИМОВ:

– Бундай катта ўқув машғулотларида илк бор қатнашмоқдаман. Назарий ва амалий машғулотларнинг ҳар бири биз учун улкан аҳамиятга эга бўлди. Қудратли жанговар техникаларни ишончли бошқариш, хилма-хил қуроллардан нишонларни бехато уриш бобида юқори курс курсантлари ажойиб натижаларни қўлга киритдилар.

Машғулотларда ёш курсантлар, аввало бўлғуси мутахассислигига алоқадор техника ва қуроллар билан қизиқдилар. Мен эса, Қуролли Кучларимизда мавжуд замонавий алоқа воситалари ва радиолокацион қурилмаларга алоҳида эътибор қаратдим. Уларнинг ишлаш механизми, электр озиқланиш манбан борасида қўшимча маълумотларга эга бўлдим. Юртимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишда алоқачиларнинг вазифаси муҳимлигидан танлаган ҳарбий соҳамга нисбатан меҳрим янада ошди.

Миллий армия. Бугунги кунда фахру ифтихор билан айтилаётган, мустақиллик сабаб баралла янграётган ушбу сўзлар ҳар биримиз учун қадрдон бўлиб қолгани рост. Зеро, суверен давлатлар қатори биз ҳам Қуролли Кучларимизга, ўз касбига чексиз масъулият ва ҳурмат билан ёндашувчи юрт посбонларига эгамиз. Ташкил этилганига ҳадемай ўн беш йил тўлувчи Қуролли Кучларимиз учун ўтган давр нафақат шаклланиш, ривожланиш, изчил ислоҳотлар жорий этиш, турли миқёс ва даражадаги ўқув машғулотларида нимага қодир эканлигимизни намойиш этиш, балки шароит тақозоси билан мустақиллигимиз, тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна солган, давлат сиёсати ва халқ хоҳиш-иродасига қарши чиққан ёвуз кучларнинг қабиҳ ниятлари рўёбига, террорчилик ҳаракатларининг амалга ошишига тўсқинлик қилишда синов даври бўлди.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» асарида таъкидлаганларидек: **«...халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорат борасида ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим».** Муболағасиз ва тўла ишонч ила айтиш мумкинки, Юртбошимиз томонидан қўйилаётган талаблар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, ватандошларимизнинг армия ва ҳарбий хизмат, йигитлик бурчи борасидаги фикрлари, дунёқарашининг тубдан ўзгараётгани бунинг яққол далилидир. Муддатли ҳарбий хизматни олиб қарайлик. Эндиликда нафақат жисмонан, шу билан бирга, ақлан етук ва баркамол ўғлонларгина ҳарбий либос соҳибларига айланмоқда. Олий ҳарбий билим юрти курсанти бўлиш эса, юртимиздаги нуфузли олий ўқув даргоҳи талабаси бўлишдек мураккаб, қийиндир. Чунки кўп сонли талабгорлар ичида мавжуд синов ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганлар – «курсант» номига сазовор бўладилар. Дарҳақиқат, бу – шарафли ва масъулиятли номдир. Уни оқлай билиш, унга доим муносиб бўлиш ва доғ туширмаслик инсондан катта куч ва матонат, мустаҳкам ирода ва сўнмас шижоат, сермулоҳазалик ва чуқур билим, ахлоқий ва маънавий шаклланувни талаб этади. Бу сингари талабларга жавоб берувчи курсант эса вақти келиб, умидли ва тажрибали офицер, ҳарб илмининг билимдони, том маънодаги профессионал ҳарбий хизматчи бўлишига шубҳа йўқ. Чунки у ўз кучи ва салоҳияти билан бунга эришади, эриша олади.

Курсантлар ҳақида гап кетар экан, яқинда уларнинг фаолиятида рўй берган муҳим ва унутилмас воқеа хусусида фикр юритишни ўринли, деб ҳисоблаймиз. Олий ҳарбий билим юртига ўқишга қабул қилингани ҳақидаги қувончли хабарни эшитганига бир ойдан ошган курсантлар учун қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани намойиш этиш бўйича кўргазмали машғулотлар ўтказилди.

Тошкент ҳарбий округида бўлган мазкур машғулотларнинг олдинги йилдагилардан асосий фарқи – округдаги барча олий ҳарбий билим юртлари биринчи курс курсантларининг бир пайтнинг ўзида дала-ўқув машғулотлари ўтиш жойига жалб этилганлигидадир. Қолаверса, илк бор бундай қамровли тадбирнинг Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, бевосита иштироки ва қатъий назорати остида ўтиши, аъло даражада ташкиллаштирилиши эътиборга молик жиҳат. Чунки, ҳадемай Ҳарбий қасамёд қабул қилувчи курсантлар Президент, халқига доимий содиқлик ҳақида тантанали равишда онт ичишларидан олдин миллий армиямиз қудрати гувоҳи бўлиши, жанговар куч қўз олдиларида гавдаланиши уларда ихтиёр этган касби, танлаган машаққатли ва шарафли йўли учун ички ғурур, руҳий куч-қувват ҳиссини кучайтириши, намунали ҳарбий хизматчи ва билимдон мутахассис бўлишга ундаши аниқ.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи генерал-майор Қ.Аҳмедовнинг кўргазмали машғулотларда қатнашиш учун курсантларнинг саф тортганлиги ҳақидаги ҳисоботидан сўнг кенг қамровли тадбирни Мудофаа вазири Р.Мирзаев кириш сўзи билан очди ва жумладан шундай деди: «Сиз ўз ҳаётингизда дастлабки ва энг муҳим қадамни қўйдингиз. Шарафли ва муқаддас касб – Ватан ҳимоясига ҳаётингизни бағишлашга қарор қилдингиз.

Ватан ҳимоячиси – доимо энг шарафли касб бўлган. Асрлар давомида она заминимиз шуҳратини шарафлаб келган буюк аждодларимиз хотираларига содиқ бўлинг.

Бугун сизларнинг катта сафдошларингиз халқимиз ишониб топширган жанговар қуроллар қудратини намойиш этишади. Сизлар ҳам кўп вақт ўтмай юқори малакали устозларингиз раҳбарлигида ушбу қуроллар ва ҳарбий техникаларни пухта ўрганиб оласизлар...»

Машғулотлар уч босқичдан иборат бўлиб, улардан кўзланган асосий мақсад – биринчи курс курсантларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида мавжуд қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, ракета-артиллерия қурол-яроғлари, ўқ отиш ва гуруҳ қуроллари намуналари билан таништириш; қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, уларнинг жанговар имкониятларини жанговар қўллаш орқали амалда кўрсатишдир. Шунингдек, машғулотларни олиб борган юқори курс курсантларининг машғулотларни ўтиш ва ташкиллаштириш борасидаги тажрибаларини орттириш, кўникмалар ҳосил қилиш, билимини янада кучайтириш ва нутқ маданиятини шакллантириш; уларда ишониб топширилган жанговар қурол ва техникага нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ўзига ишонч ҳиссини кучайтириш ҳам кўзда тутилган.

Биринчи босқичда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, ўқ отиш ва гуруҳ қуроллари намуналари намойиши бўлиб ўтди. Танк, ҳаво десанти қўшинлари техникаси ва қурол-аслаҳаси, мотоўқчилар бўлинмаси жанговар техникаси, зенит-ракета ва зенит-артиллерия техникаси, алоқа воситалари, ремонт-эвакуация техникаси, артиллерия қурол аслаҳаси, муҳандислик ва кимёвий қўшинлар техникаси ва қурол-яроғи намуналари шулар жумласидандир. Юқори курс курсантлари кўргазмали машғулотлар иштирокчиларини муайян жанговар қурол, техника билан таништирдилар, уларнинг тактик, техник ва жанговар тавсифномаси, имкониятлари, яъни у ҳақдаги батафсил маълумотлардан хабардор қилдилар ҳамда уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

– Ёш курсантларни кўриб, эгнимга эндигина ҳарбий либос кийган даврим ёдимга тушиб кетди, – дейди машғулот ўтувчилардан бири Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Андрей Ким. – Уларнинг нигоҳларида акс этаётган қизиқиш, илмга чанқоқлик, бераётган саволлари мени янада руҳлантириб юборди. Назаримда, бизлар учун ҳам бундай тадбирлар жуда самарали ва муҳимдир. Чунки, чуқур назарий билимга эга бўлиш ўз йўлигаю, лекин билганларини етказа билиш, ўз фикрини равон ва тушунарли тарзда баён этиш тажрибаси ҳам бўлғуси офицерлар учун ниҳоятда зарур. Чунки, шахсий таркиб билан ишлашда муҳим омиллардан биридир, бу.

Кўргазмали машғулотларни ишончли ва қизиқарли тарзда ўтган курсантларнинг ўзини эркин, дадил тутишини кўриш, ҳарб илми борасидаги саводхонлиги гувоҳи бўлиш нақадар мароқли. Ҳа, улар айнан миллий армиямиз келажаги, забардаст шунқорлари, дегинг келади қалб тўла ғурур билан.

Навбатдаги босқичда эса, юқорида таништирилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, ўқ отиш ва гуруҳ қуроллари намуналарининг якка тартибда амалда қўлланилиши намойиш этилди. Демак, биринчи курс курсантлари бир пайтлари эшитган, ойнаи жаҳон орқали томоша қилган ва албатта, вақти келиб қўллаш сир-синоатини ўзлаштиражак замонавий ва қудратли техника, қуролларнинг имкониятларига бевосита илк бора гувоҳ бўлдилар. Кетма-кет яксон этилган нишонлар, бехато мўлжал, турли масофалардаги аниқлик... буларнинг бари мутахассис посбонлар маҳорати, қолаверса, замонавий жанговар техникамизнинг, қурол-аслаҳаларимизнинг куч-қудрати намуноси ва яна бир эътирофидир.

Табиийки, бундай машғулотлар шартли равишда уюштирилган жанговар ҳаракатлар билан якунланади. Амалда шундай бўлди ҳам. Юқори қўмондонлик вакиллари ва кўп сонли ёш курсантлар кўз ўнгида жанг майдони намоён бўлди. Кузатув пунктидан бошқарилган жанговар ҳаракатлар мобайнида қўлланилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг барча имкониятлари яна бир бор синовдан ўтди. Шартли душман ишончли саъй-ҳаракатлар эвазига қисқа вақт ичида бутунлай тор-мор этилди. Зеро, тажрибали ва малакали ҳарбий хизматчилар қўл остида зарбдор ва аниқлик даражаси юқори қурол, улуғвор ва модернизациялаштирилган техника бор жойда ўзгача натижа бўлиши эҳтимолдан холи.

Курсантларнинг кўргазмали машғулотлардан олам-олам таассурот олгани, билими ошгани ва касбига бўлган иштиёқи, қизиқиши янада ортганини тахмин қилиш қийин эмас.

Дарвоқе, юқори савияда ташкиллаштирилган мазкур машғулотларни ўтказишда фаол иштирок этган, қурол-аслаҳа ва техникаларни намойиш қилишда тингловчиларни қизиқтира олиш қобилияти ва билими билан ажралиб турган, дала-ўқув машғулотлари майдонида жанговар топшириқларни аниқ ва сифатли бажарган курсантлар юқори қўмондонлик вакиллари, хусусан, Мудофаа вазири назаридан четда қолгани йўқ. Бу борада намуна кўрсатган бўлғуси офицерлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ва Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг эсдалик нишонлари билан тақдирландилар.

Кўргазмали машғулотлар якунлангач, барчага Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан тайёрланган концерт дастури тақдим этилди.




Саҳифани майор Алижон САФАРОВ, катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, Тимур КАРИМОВ (фото)лар тайёрлашди.

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

15

Кўҳна ёдгорлигимиз, улкан маънавий бойлигимиз бўлган «Авесто»да у «Тармида» деб юритилган. Арабча манбаларда эса «Тармиз», яъни дарё бўйидаги шаҳар деб номланган. Гап нима ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Ҳа, ҳа, бу галги мақоламизда Жайҳун соҳилидаги кўҳна ва навқирон Термиз, истиқлол сабаб ўзгача ҳусн, тароватга эга бўлиб бораётган Сурхондарё вилояти ҳақида, бу заминдаги улкан бунёдкорона ўзгариш, янгиланишлар борасида ҳикоя қиламиз.



ЯШНАЁТИР ЮРТИМ ЖАНУБ ДАРВОЗАСИ

Асрлар силсиласида Термизнинг Ватанимизнинг мудофаа қалъаси бўлиб келганини кўриш мумкин. Юртимизга жануб томонидан бостириб киришга уринган ёғийлар йўлига Термиз қалъаси ҳамиша қалқон бўлган, халқи душманга қарши мардонавор курашган. Ахир, «Авесто» да воҳани бежиз «байроғи – туғи баланд эрлар юрти» дейишмаган-да. Қолаверса, миллатимиз фахрига айланган «Алпомиш» дек қаҳрамонлик достони бежиз бу заминда яратилмаган. Азал-азалдан бу заминда Алпомишдек мардлар, ватанпарварлар яшашган-да. Таъбир жоиз бўлса, бугун, истиқлол сабаб бу туйғу қайта ранг олмоқда.

Воҳанинг олижаноб, мард, жасур одамлари ҳақида Президентимиз шундай деган эди: **«...Термизни Термиз қилган, унинг шуҳратини олам узра зиёда этган, бу воҳанинг ҳар бир қарич тупроғини олтинга айлантирган — мана шу юртнинг мард ва танти, олижаноб одамларидир».**

Истиқлол йилларида вилоятда саноат корхоналари янада гуркираб, яшнади. Улар қаторига «Жарқўрғоннефть» бошқармасини, Шеробод керамика бадиий буюмлар заводини, Сариосиё тош саралаш заводларини қўшиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, вилоятда 40 дан зиёд қўшма корхоналар фаолият юритиб, халқ фаровонлиги ошишига самарали ҳисса қўшмоқда. «Намаф», «Афрўз», «Фармед», «Пўлат», «Сурхонтекс» каби қўшма корхоналар шулар жумласидан.

Мамлакат миқёсида олиб қаралганда кучли шўрланган ерлар ушбу вилоятда энг кам ҳисобланиб, демакки деҳқончилик учун, мўл-кўл ҳосил олиш учун жуда қулай шарт-шароит бор. Воҳанинг олтинга тенг далалари ингичка толали пахтадан тортиб, шакарқамишгача, хурмодан тортиб, апельсингача, эртанги карамдан шолигача, хуллас, кўплаб сабзавот ва полиз экинларини етиштириш имконини беради. Деновлик миришкор, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевнинг деҳқончиликда яратган мактабини кўпчиликка ибрат қилиб таъкидлаш мумкин.

Сурхондарёнинг табиий, ер ости бойликлари хусусида гап кетганда, тупроғи зар воҳадан янада фахрланиш, ғурурланиш ҳисси жўш уради. Биргина Хонжиза ҳудудидаги конларни оладиган бўлсак, унинг қўрғошин, рух, мис, кумуш, олтин каби ноёб металларга бой эканлигини билиб оламиз. Шунингдек, Шерободдаги гранит, калий тузи, оҳак ва цемент хомашёси, Сариосиё ва Бойсун тоғларидаги мармар ва кўмирнинг бой захиралари фикримизни тасдиқлайди.

Айнан ана шундайин ер ости бойликларининг кўпи ҳали ўзлаштирилмай ётибди. Бунинг сабаби транспорт коммуникацияси тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ масала. Бугун сурхондарёликлар, юртимизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланган замин XXI аср йўли дея эътироф этилаётган «Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон» темир йўли билан фахрланишмоқда. Мамлакатимиз жанубий ҳудудларини пойтахт билан, бошқа вилоятлар билан боғлаш ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ер ости бойликларини ўзлаштириш учун қулай шарт-шароит яратиш, ягона йўл тизимини бунёд этишдек устувор мақсадларни кўзлаб бошланган бу улкан қурилиш жадал суръатда давом этмоқда. Яқинда Бойсунда бўлдим. Йўл-йўлакай бунёдкорларимизнинг захматлари ила бунёд бўлаётган иншоотларни, кўприкларни кўрдим. Баландлиги 48, узунлиги 278 метр келадиган, денгиз сатҳидан 1200 метр баландда жойлашган кўприкни кўриб, очиғи ҳайратландим. Бунёдкорларимизнинг ақл-заковатига, салоҳиятига яна бир карра қойил қолдим.

Вилоятда таълим соҳасида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Истиқлол йилларида бунёд этилган коллеж ва лицейларга қараб кўзингиз қувнайди. Маълумот учун шуни айтиш лозимки, 1998–2003 йиллар мобайнида вилоятда 35 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилган. Мазкур замонавий таълим масканларида 80 дан зиёд мутахассислик бўйича таълим-тарбия берилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Икки йил муқаддам вилоятга хизмат сафари билан борганимда Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад фермер ҳақида, унинг амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишлари борасида эшитдим. Ҳатто она юрт посбонларига ҳам улкан эътибор қаратиб, етиштираётган маҳсулотларидан илинар экан. Унинг хайрли ишлари борасида аниқроқ тўхталадиган бўлсам, саховатпеша бу инсон ташаббуси ва кўмаги билан болалар спорт мажмуалари, замонавий врачлик пунктлари ва кичик корхоналар бунёд этилган бўлиб, у кам таъминланган оилаларга доимо ғамхўрлик кўрсатиб келаркан. Афсуски «Дочин» фермер хўжалигининг раҳбари бўлган бу ажойиб инсон – Аҳмад Нарзуллоев билан учраша олмадим. Аммо менда бу инсон орқали, унинг саховатга йўғрилган ишлари, қалби орқали воҳа одамларининг мардлиги, тантилиги, мурувватлилиги борасида янада ёрқин тасаввур уйғонди. Аҳмад акадек фидойи инсонлар бор экан, уларга истиқлол қўш қанот бағишлаб турган экан, тараққиёт сари дадил одим ташлайверамиз.

Воҳа спорти борасида гап кетганда, аввало кўз олдимизга кураш келади. Истиқлол сабаб дунёга юз очган ўзбек курашининг алплари Сурхондарёда-да. Улар сирасига Тоштемир Муҳаммадиев, Эрали Мамарасулов, Махтумқули Маҳмудов, Абдулла Тангриевларни киритиш мумкин.

2002 йилда ЮНЕСКО ҳамкорлигида Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи тантана билан нишонланди. Таъкидлаш лозимки, тўй баҳона шаҳар янада яшариб, яшнади. Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Қирққиз ёдгорлик мажмуалари қайта таъмирланди. Бунёд этилган биржа маркази, амфитеатр, янги стадион ва сузиш ҳавзалари, умуман, истиқлол йилларида яратилган иншоотлар бугун шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Мардлар, баҳодирлар ва полвонлар диёрининг, кўркам боғлари, баланд тоғлари, яшил арчазорлари, бепоён дашту далалари бўлган жаннатмакон воҳанинг, ўтмиши шарафли, бугуни тароватли, эртаси порлоқ вилоятнинг – юртим жануб дарвозасининг истиқлол сабаб қанчалар чирой очганини, халқи яратиш, яшнатиш завқи билан яшаётганини кўриш учун яхшиси ўзингиз бир меҳмон бўлинг.

Майор Алижон САФАРОВ.

В Министерстве обороны Республики Узбекистан

НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ – СТРАТЕГИЯ БУДУЩЕГО

В последние десятилетия проблема топливной независимости, в связи с постоянным повышением цен на нефть и нефтепродукты, определением рентабельности нефтедобывающей и нефтеперерабатывающей отраслей промышленности, становится актуальной во всем мире. Не секрет, что ископаемая нефть относится к не возобновляемым энергетическим ресурсам и ее запасы далеко не безграничны. Все это заставляет человечество задуматься о будущем, активизировать изучения и исследования по поиску альтернативных источников энергии, новых типов энергоносителей.

В своих выступлениях Президент Республики Узбекистан, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Республики Узбекистан И. Каримов неоднократно подчеркивал, что «...кроме богатых природных ресурсов, мы обладаем еще одним неистощимым богатством — интеллигенцией страны, фундаментальной наукой, теоретической школой, интеллектуальным и научным потенциалом. Сегодня мы строим независимое государство. Наши перспективы, наше развитие во многом зависят от исследований ученых, от их подвижничества и самоотверженности, высоких творческих способностей и разумных рекомендаций».



В Министерстве обороны под председательством министра обороны Республики Узбекистан Р.Мирзаева состоялся брифинг по научно-исследовательской, опытно-конструкторской и внедренческой работе в Самаркандском высшем военном командно-инженерном училище технической коллегии Министерства обороны совместно с ведущими учеными страны.

В рамках Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию координации и управления развитием науки и технологий» от 7 августа 2006 года, согласно которому кафедрам, научно-исследовательским центрам и лабораториям высших военно-образовательных учреждений отводится новаторская и генерирующая роль, с докладом по теме: «Организация военных научно-исследовательских и внедренческих работ в области получения альтернативных моторных топлив из отходов угля, технического лигнина, биомассы и кубовых остатков масложировой, спиртовой промышленности» выступил начальник Самаркандского ВВАКИУ полковник Д.Мамаджанов.

Докладчик отметил, что в ходе проводимых реформ Вооруженных Сил и военного образования, на основании законодательно-правовых актов и требований ведомственных руководящих документов в данном военно-образовательном учреждении осуществляется планомерная и поэтапная научно-исследовательская и опытно-конструкторская деятельность по внедрению актуальных, не имеющих аналогов передовых технологий в области получения альтернативных нефтеподобных моторных топлив, специальных жидкостей и смазочных материалов, строительных и гидроизоляционных изделий, органических вяжущих, антикоррозийных и пищевых лаков на основе отходов сельскохозяйственного и промышленного производства с использованием возобновляемых источников энергии.

Совместно с учеными Академии наук Узбекистана на базе кафедр «Обеспечения горючесмазочными материалами», «Устройства и эксплуатации автомобильной техники», «Организации техники безопасности и надзора» Самаркандского ВВАКИУ под руководством подполковника И. Сафарова, опираясь на Законы Республики Узбекистан «Об охране и использовании растительного мира» и «Об отходах», а также руководствуясь Приказом министра обороны «Об усилении работы по экономии и рациональному использованию ГСМ в ВС РУ», проводятся детальные апробации всех новаторских проектов.


По теме: «Получение альтернативных топлив с применением солнечной энергии» выступил кандидат технических наук Р. Раббимов.

О наработках по применению солнечной энергии для переработки кубовых отходов масложировой и спиртовой промышленности, биомассы поделились профессора, доктор физико-математических наук К. Олимов, доктор технических наук С. Саидов.

В ходе брифинга состоялся практический показ опытно-экспериментальных лабораторных и производственных установок для переработки кубовых отходов масложировой и спиртовой промышленности, угольной мелочи и пыли, биомассы.

По итогам брифинга были приняты соответствующие решения.

Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**





Сержантлар тайёрлаш мактабларида

СИНОВЛАРДА СИНАЛАР ЎҒЛОНЛАР

Тошкент ҳарбий округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактаби Қуролли Кучларимиз сафларига юксак малакали профессионал кичик командирлар тайёрлаб берадиган нуфузли билим масканларидан ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу мактабда қатор мутахассисликлар бўйича минглаб ўғлонлар ҳарб илмидан чуқур сабоқ олишиб, ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Сержантлар тайёрлаш мактаби (СТМ)нинг навбатдаги битирувчилари 3 ой давомида олган билимларини сарҳисоб қилиб, ўқув машғулотлари бўйича имтиҳон топширишмоқда. Бу ерда курсантларга таълим бериш махсус дастур асосида амалга оширилиб, ўқишга сержантлар тайёрлаш мактабларида аввал ўқиб чиққан ҳамда ҳарбий қисм ва бўлинмаларида камида уч йил хизмат қилган, юқори услубий ва етакчилик қобилиятларига эга бўлган шартнома бўйича ҳизмат кичик сержантлари танлов натижасида қабул қилинади.

Биз имтиҳонлар жараёни билан танишиш мақсадида, ўқув биноси ҳамда амалий машғулотлар майдончасига йўл олдик. Ўқув хонасига киганимизда ҳарбий педагогика ва психология цикли бошлиғи офицер Фазлиддин Нарзуллаев, ўқитувчи капитан Исроил Собировлар курсантлардан шу фан бўйича имтиҳон қабул қилишаётган экан.

– Биз курсантларга ҳарбий педагогика ва психологиянинг вазифалари, унинг асосларини ўргатамиз,– дейди цикл бошлиғи. – Кичик командирлар учун бу фаннинг ўрни ниҳоятда катта. Командир ўз қўл остидаги посбонни ва шахсий таркибни яхши билиши, жанговар шайлик жараёнида маънавий-руҳий тайёргарликни амалга ошира олиши учун педагогика ва психологиядан хабардор бўлиши керак. Курсантларни фанни чуқур ўзлаштиришлари учун «Ҳарбий педагогика ва психологиянинг тушунчалари ва асосий тамойиллари», «Миллий истиқлол ғояси: тамойил ва тушунчалар» каби бир қатор ўқув қўлланмаларини яратганмиз.

Курсантларнинг имтиҳон олди тайёргарликларида ушбу ўқув қўлланмаларидан фойдаланаётганларининг гувоҳи бўлдик. Кичик сержантлар Акбар Воҳидов, Шерали Акромовлар фанни пухта ўзлаштирганларини намоён қилиб, имтиҳондан аъло баҳолар билан ўтишди.

Курсантлар Умумҳарбий низомлар, махсус тайёргарлик, оммавий қирғин қуроллари ва улардан ҳимояланиш, отиш тайёргарлиги, тиббий, жисмоний тайёргарлик, техник, тактик тайёргарлик каби машғулотлардан ҳам имтиҳон топширишмоқда.

Имтиҳонлар давомида курсантлардан Зоҳид Роҳатов, Иззатилло Худойбердиев, Толибжон Ғозиев, Бобомурод Турсунов, Ҳасан Бозоров, Холмат Турибоевлар ўзларининг юксак билим ва маҳоратларини намоён қилдилар.


– Бу ерда устоз офицерлардан ҳарб илмининг сир-асрорларини янада чуқурроқ ўзлаштирдик,– дейди курсант Исомиддин Эшқулов. – Таълимнинг такомиллаштирилган дастури бўйича бир қатор янги фанлардан билим олдик. Офицерлар – Баҳтиёр Чориев, Алишер Тошботиров, Улуғбек Асқаров, Умид Раҳматуллаевлардан ҳарб санъатини пухта эгалладик. Уларнинг ишончини оқлаб, ўзимизнинг профессионаллик салоҳиятимизни мустақил юртимиз тинчлиги ва ҳимояси йўлида сафарбар қиламиз.

Ҳа, бугунги посбонларимиз ҳарбий касбни шарафли билиб, замон талабига монанд, олға қадам ташлаётган қалби қайноқ ўғлонларимиздир.

Аҳрор ОЧИЛОВ.

ПРОФЕССИОНАЛЫ ДЕРЖАТ ЭКЗАМЕН

В эти дни в сержантских школах военных округов наступила самая ответственная пора — стартовали выпускные экзамены. Вот и в Школе подготовки сержантов Восточного военного округа претенденты на звание военных профессионалов проходят решающие испытания для того, чтобы заслужить это право быть таковыми.





Курсант Шерзод Эргашев держит в руках экзаменационный билет, сдерживая радостную улыбку. Вопросы достались вполне несложные — Военная присяга, место поощрения и наказания в деле повышения эффективности воспитания, методы изучения личного состава. Вообще, для посланца десантного подразделения предмет «Методика воспитательной работы» (МВР) является одним из любимых. Ведь в «крылатой пехоте» знания психологии военнослужащих, умение правильно воздействовать на подчиненных имеют очень большое значение — боевая работа в тылу условного противника практически всегда сопряжена с ситуациями, близкими к экстремальным.

Принимающий экзамен начальник цикла МВР капитан Баходир Тешабоев рад отличным ответам выпускников не меньше их самих. На протяжении долгих девяти месяцев опытный наставник терпеливо взращивал в душах курсантов семена «разумного, доброго, вечного» и теперь испытывает законное удовлетворение .от сознания того, что эти семена дали добрые всходы. Среди тех, кто одними из первых удостоился отличных оценок, — курсанты Абдумалик Аминжонов и Жахонгир Норбоев. Они пришли в армию по велению сердца. Жахонгир служил срочную в подразделении охраны, за образцовое и бдительное несение службы командование ходатайствовало об оставлении его на службу по контракту. После учебы в ЧШПС округа Жахонгир вернется в родную часть в новом качестве — командиром секции охраны.

А вот курсант Азизмурод Хуррамов отличился на экзамене по физической подготовке. Он — чемпион округа по курашу, участник II Всеармейских игр в Чирчике, где завоевал бронзовую награду в весе до 68 кг. Для курсанта Отабека Шералиева экзамен по физической подготовке также стал скорее формальностью. Отабек является чемпионом округа по военному троеборью, а у курсанта Назрулло Рафикова отличные результаты по кроссу на 3 км.

Одним словом, с первых дней выпускных экзаменов будущие сержанты держатся очень уверенно. Однако им еще надо показать меткую стрельбу из оружия, умелое вождение боевых машин. По мнению председателя экзаменационной комиссии офицера Рустама Нодирова, первые положительные результаты вселяют надежду на общий успешный исход. Ведь прочный задел для этого сделан.

Майор Алишер НУРОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Навстречу 15-й годовщине независимости

БДИТЕЛЬНОСТЬ – НЕОТЪЕМЛЕМАЯ ЧАСТЬ НАШЕГО ОБРАЗА И НАШЕГО МЕНТАЛИТЕТА

С обретением независимости Узбекистан за короткий исторический срок, преодолев трудности переходного периода, не просто перевел экономику страны на рыночные отношения, а создал все необходимые условия для динамичного, сбалансированного развития всех ее отраслей высокими темпами. Кардинальные изменения произошли и в сфере общественно-политической жизни. Одним из важнейших итогов 15-летнего развития страны по пути независимости стало формирование своего, узбекистанского образа жизни, углубление и укрепление нашего национального менталитета.

Каждому обществу, каждой стране присущ свой образ жизни. Сегодня Узбекистан – качественно новая страна. Это страна подлинной независимости и свободы. Она в основе своей базируется на новых и новейших технологиях. Здесь властвует закон, царят единство и согласие между всеми нациями и народностями, населяющими республику. В основе политики нашей Родины мир, стабильность и благополучие народа.

Образ жизни – это форма социального и морального жизнеустройства общества, характеризующая повседневную жизнь людей. Она охватывает труд, быт людей, способы удовлетворения материальных и духовных потребностей, формы участия в политической и общественной жизни, особенности миропонимания и, конечно, формы использования свободного времени. Образ жизни в значительной мере определяет этику поведения человека, нравственную линию поступков личности. И, естественно, он имеет свои черты, свои особенности, складывавшиеся под влиянием тех существенных обстоятельств, которые изменили в последние годы внутренний и внешний облик страны. Каковы эти особенности?

Первая особенность. Это верность народа Узбекистана идеям и идеалам независимости, демократии и свободы. Четко сформулированные в книге Президента «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса», этом поистине манифесте независимости, и закрепленные в Конституции Республики Узбекистан, эти идеи исподволь, но основательно и прочно входили в сознание наших людей и становились их убеждениями. Той огромной материальной и духовной силой, которая способствует преобразованию общества.

Независимость завоевана трудом народа, который шел к ней через годы, через трудности и лишения и сегодня готов отстаивать ее завоевания до конца. Независимость – это самое дорогое, что у нас есть и что нас всех объединяет в борьбе за светлое будущее, за общество демократии и справедливости.

Вторая особенность – это искренняя любовь узбекистанцев к своей независимой Родине, к своей стране, родной земле, ее природе, населяющим ее людям, стремление глубже познать ее историю, культуру, традиции народа, гордость достижениями республики за годы независимости. Именно это и питает наш патриотизм, укрепляет в сознании каждого гражданина гордость за свою страну. Да и как не гордиться землей, давшей миру целую плеяду великих ученых, мыслителей, поэтов, просветителей, обогативших человечество выдающимися научными открытиями, как это сделали, например, Улугбек и аль-Хорезми, передовыми гуманистическими идеями, тонкостью мысли, образностью языка, какие мы встречаем у Алишера Навои, идеями дружбы, согласия и взаимопонимания в обществе, семье, коллективе, которые мы находим у многих наших великих предков. Не случайно Президент И.А.Каримов в своей книге «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса» подчеркивает, что **«верность Отечеству, патриотизм своими мощными корнями уходят в глубокое уважение к чести своей семьи, ее предков, в личную совесть человека, верность долгу и собственному слову».**

Третья особенность состоит в том, что патриотизм, любовь к независимой Родине у нас слиты воедино с необходимостью ее защиты от любой агрессии, любых угроз, в какие бы модные формы они ни рядились. При этом об угрозах и агрессии Узбекистан говорит не абстрактно. С реальными угрозами и агрессивными поползновениями международных террористов и религиозных экстремистов наша страна встретилась еще в 1999 и 2000 годах, были их злобные вылазки и позднее, а в мае 2005 года была не только ликвидирована огромная опасность со стороны террористов, но и выдержана небывалая информационная, заранее спланированная атака западных СМИ, которые вопреки человеческой логике как бы исподволь поддержали террористов, поставивших своей целью ликвидацию в нашей стране существующего строя.

Из всех этих испытаний Узбекистан вышел с достоинством и честью, с более укрепившимся сознанием того неоспоримого факта, что надо **не ослаблять, а постоянно наращивать свои усилия в укреплении обороноспособности страны.** Результатом этого явилась **повышенная социальная ответственность каждого гражданина за безопасность независимой Родины, за будущее страны.** Нравственный наказ Президента страны – быть бдительными и внимательными – нашел горячий отклик в сердцах людей, особенно молодежи, по инициативе которой стали создаваться такие общественные институты, как «Чегара посбонлари», «Махалля посбонлари» и другие формы оказания помощи стране в обеспечении безопасности наших границ и общественного порядка в городах и населенных пунктах. **Проблеме безопасности страны был придан общенациональный характер.** А повышение бдительности и боевой настороженности стало не только прерогативой Вооруженных Сил, а и всего нашего народа. **Бдительность, как нравственная категория и важнейшее морально-боевое качество, стала неотъемлемой составной частью нашего образа жизни, нашего менталитета.**

Четвертая особенность нашего образа жизни состоит в том, что для узбекистанцев, как тонко заметил Президент И.А.Каримов, характерна мудрая готовность к взаимопониманию. Взаимопонимание сближает людей, консолидирует все нации и народности, населяющие нашу страну, делает общество сплоченным и сильным, а человека – полноправным гражданином, уверенным в своем будущем. С другой стороны, эта уверенность вдохновляет людей на самоотверженный труд, на самоотверженное служение своей независимой Родине. Все это в конечном счете и обеспечивает гражданское, межнациональное и межконфессиональное согласие в обществе, которое сегодня выступает **важнейшим оборонным фактором.**

Беречь наши единство и сплоченность – святой долг каждого гражданина страны. Единство и сплоченность нашего общества выступают как черта характера нашего воина. Она стимулирует ратный труд защитника Отечества и является надежной предпосылкой дружбы и войскового товарищества, сплоченности воинских коллективов.

Особенность нашего образа жизни состоит и в том, что в нашей стране высокий общеобразовательный, научно-технический и культурный уровень. В основе этого лежат результаты последовательного претворения в жизнь Национальной программы по подготовке кадров, реформы образования, развития спорта, усиление внимания к вопросам духовности и просветительства. В силу этого воин Вооруженных Сил Республики Узбекистан – это совершенно новый тип военного человека: образованного, инициативного, пытливого, умного и целеустремленного, способного разобраться не только в новейших технологиях, сложностях современного оружия и боевой техники, но и сопричастного к процессам, происходящим в стране, человека, любящего свою независимую Родину, ее народ, культуру своего народа, литературу и искусство.

Образу жизни узбекистанцев присущи открытость и приветливость, гостеприимство и национальная гордость, которая сливается воедино с ответственностью за судьбу страны и благополучие народа. Сегодня, накануне юбилея независимости, анализируя события в окружающем нас мире и размышляя о кровоточащих ранах нашей планеты, мы ни на минуту не сомневаемся в том, что путь, избранный нами, путь независимости и демократии, мира и согласия – верный путь к благосостоянию и процветанию. А для людей военных – это основа для верного служения Отчизне, база для сплоченности, для спайки крепкой дружбы и войскового товарищества во имя выполнения стоящих задач, которые сегодня имеют общенациональное значение.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Бдительность – наше оружие

В СОСТОЯНИИ ПОСТОЯННОЙ ГОТОВНОСТИ

Как уже сообщалось в предыдущем номере, группа военнослужащих по контракту проявила высокую бдительность при несении боевого дежурства. Сегодня мы вновь расскажем о них.

Специфика охраны и обороны особо важных объектов в труднодоступных горных районах такова, что здесь в процессе подготовки заступающего в караул наряда уделяется пристальное внимание очень многим факторам. Так, командиры взвода и группы, от которых назначены военнослужащие, в комнате общественно-политической подготовки в присутствии фельдшера подразделения младшего сержанта Нуритдина Эргашева беседуют с кандидатами, проверяя не только знание ими положений Общевоинских уставов Вооруженных Сил, но и состояние их психологической готовности к несению службы.

Младшему сержанту Гафуру Каххорову такие проверки уже не раз доводилось проходить еще во время срочной службы в Пограничных войсках. Ведь для того, чтобы заступить на охрану Государственной границы Республики Узбекистан, тоже надо было постоянно доказывать высокий уровень своей готовности. Впрочем, на этом сходство ситуации и заканчивается. Здесь сложность заключается в том, что в данном случае нарушитель не пытается прямо вторгнуться в пределы охраняемой зоны, а во время остановки транспорта для проверки документов пытается вести фотографирование или видеосъемку объекта. Внешне очень безобидная картина. Группа туристов выходит из автомобиля и начинает фотографироваться на фоне красот горного пейзажа. На вежливые предупреждения военнослужащих о запрете на съемку не реагируют, ссылаясь позже на незнание языка. Зато потом, после задержания, подобные не в меру «любопытные» гости и говорят чисто по-русски и необоснованные претензии высказывают.


Младшим сержантам Гафуру Каххорову, Жасуру Мамажонову и Умиду Мингбоеву во время проведения инструктажей приходилось получать указания о действиях в таких ситуациях, но самим еще не приходилось кого-либо задерживать. Тем ценнее был для них опыт проявления бдительности и предупреждения противоправных действий граждан на охраняемом ими посту. Строго и безупречно выполнив свои уставные обязанности, эти военнослужащие предотвратили фотосъемку охраняемого объекта.

Недаром говорится, что в жизни всегда есть место подвигу. Для этих военных профессионалов, посвятивших свои судьбы делу защиты Родины, этот «момент истины» наступил в наше мирное, но отнюдь и далеко не спокойное время. И они выполнили свое предназначение, обеспечив гарантии спокойной жизни наших граждан.

Торжественное событие, когда первый заместитель министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор В.Махмудов вручил военнослужащим ценные подарки, запомнится им на всю жизнь. Вот и младший сержант Г. Каххоров с гордостью показывает товарищам подаренный видеомагнитофон – отличный стимул для хорошей службы. Хотя и не ради наград служат эти парни: для них главная награда – мир и покой на нашей священной земле. Однако повседневная служебно-боевая деятельность не состоит из одних подвигов. Предшествует этому постоянная и тщательная подготовка к несению боевого дежурства. Если на первом этапе идет строгий отбор личного состава, то на втором делается упор на теоретических занятиях в классах, на макете местности. Вот капитан Бахтиер Алимов занимается с очередной сменой, сопровождая рассказ показом границ поста на макете. Затем на третьем, заключительном этапе отрабатываются практические действия личного состава по вводным командам «Нападение на караул», «Нападение на караульное помещение», проверке оружия при смене постов и так далее. И лишь потом воины получают право заступать на боевое дежурство.

В жизни младшего сержанта Жасура Мамажонова незадолго до этого произошло еще одно радостное и важное событие – он женился. Теперь на плечи молодого человека наряду с ответственностью за охрану и оборону важного объекта легла и забота о своей семье. Впрочем, для Жасура чувство ответственности стало привычным еще раньше, когда он проходил срочную службу в Караульных войсках. И тогда его служба тоже требовала повышенной бдительности и внимательности. Его товарищу по оружию младшему сержанту Гафуру Каххорову еще предстоит найти себе невесту. Однако уже сейчас можно смело утверждать, что будущей супруге повезет со спутником жизни – такой надежный парень в любых жизненных передрягах не дрогнет, защитит родных и близких. Как в недавнем случае на боевом дежурстве он надежно защитил мирный труд граждан независимого Узбекистана, готовящихся встретить самый дорогой для нас праздник – 15-ю годовщину независимости Республики Узбекистан.





Майор Камолитдин НУРЛАНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

МЕСЯЧНИК БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

ПЕРЕД ВЫХОДОМ В РЕЙС

Особенности задач, выполняемых автомобилистами подразделения, где служит офицер Султон Хасанов, таковы, что водителям иногда приходится проезжать по дорогам крупных населенных пунктов. Казалось бы, там намного легче управлять техникой, чем тогда, когда приходится штурмовать крутые подъемы горных дорог, преодолевать рытвины и ухабы разбитых полигонных трасс.

Но и вождение в городе имеет свои особенности. Дорожное движение здесь характеризуется высокой интенсивностью, перенасыщенностью транспортными средствами. Нередки случаи, когда гражданские автомобилисты пренебрегают правилами, лихачат, не имеют твердых навыков вождения, теряются в сложной ситуации, ведут автомобили в состоянии алкогольного опьянения. Вот почему военному водителю надо уметь хорошо ориентироваться в ситуации, мгновенно принимать решения.

Все это требует от человека за рулем высокой личной ответственности за порученное дело, исполнительности, твердого знания устройства машины, умения быстро обнаруживать и устранять возможные неисправности в пути. И, конечно, нужно, чтобы водители качественно обслуживали ее и поддерживали в постоянной боевой готовности.

– Одними из таких водителей, признанных в коллективе как пример для подражания, – говорит служащий Шароф Муслимбеков, – являются младший сержант Зафар Мамуров, служащие Александр Титьянов, Ильхом Зокиров, Валерий Коровяковский, Заир Юсупов, Виталий Хлебников и другие, которые по итогам ежемесячных конкурсов за безаварийную эксплуатацию техники, содержание ее в образцовом состоянии завоевывают передовые позиции. А это поощряется призами, что, несомненно, служит хорошим стимулом, создает здоровую конкуренцию.

Класс инструктажа водителей подразделения насыщен наглядной и агитационной информацией, плакатами по правилам дорожного движения. В целях профилактики дорожно-транспортных происшествий здесь регулярно проводятся инструктажи водителей, выходящих в рейс, включая владельцев личного автотранспорта. Врач Валентина Бондарчук проводит их тщательный медосмотр.

Строгий контроль готовности перед выходом в рейс проходят и автомобили на КТП парка. Значительную помощь в этом оказывают сотрудники ХАН Ташкентского гарнизона, периодически осуществляющие проверку технического состояния машин.

Старший инспектор ХАН гарнизона майор Равшан Таджибаев регулярно проводит здесь среди водительского состава лекции по ДТП, основанные на реальных примерах, вызывающие большой интерес. Приводимые примеры, с показом и комментариями фотоснимков с мест ДТП, невольно заставляют задуматься каждого о цене вопроса: к нему может привести несоблюдение скоростного режима, вождение автомашины в нетрезвом состоянии, игнорирование дорожных знаков и сигналов светофора, неисправность транспортного средства.

Следует отметить тот факт, что по итогам первого полугодия в данном воинском коллективе нет ни единого ДТП.

Что ж, как видим, там, где к служебным обязанностям подходят с ответственностью и компетентностью, дорожат вверенным участком службы, ищут творческие подходы к делу – результаты говорят сами за себя.

Старший лейтенант Мирза ФАРУХОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**



Внимание: конкурс!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.

Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 31 августа. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА.

ВОПРОСЫ ЧЕТВЕРТОГО ТУРА

1. Механическое транспортное средство с неисправным рулевым управлением должно буксироваться:
а) методом его частичной погрузки;
б) на жесткой сцепке;
в) методом его частичной погрузки или на жесткой сцепке;
г) на жесткой сцепке, если фактическая масса буксирующего транспортного средства вдвое превышает фактическую массу буксируемого.

2. Как влияет утомление на внимание и реакцию водителя?
а) не влияет на внимание и реакцию водителя;
б) внимание и реакция водителя снижаются;
в) внимание и реакция водителя повышаются.

3. Фарой-прожектором разрешается пользоваться:
а) только вне населенных пунктов при отсутствии встречных транспортных средств;
б) только в условиях недостаточной видимости;
в) в любых местах, если в этом есть необходимость;
г) в темное время суток на всех участках дорог.

4. Смещается ли прицеп автопоезда при движении на повороте?
а) смещается в сторону от центра поворота;
б) не смещается;
в) смещается к центру поворота.

5. В каком случае Правила запрещают дальнейшее движение транспортных средств?
а) имеются значительные внешние повреждения деталей кузова (кабины) и окраски;
б) неисправно сцепное устройство (в составе автопоезда);
в) разрушен коренной лист или центральный болт рессоры.

6. Техническое состояние машин определяется:
а) ее исправностью и надежностью (ресурсом до очередного среднего или капитального ремонта, качеством технического обслуживания и другими факторами);
б) ресурсом до очередного ремонта в километрах (моточасах) и определяется как разность между межремонтным ресурсом и совершенным пробегом (наработкой моточасов);
в) коэффициентом технической готовности (КТГ), определяемым отношением количества исправных машин к их списочному количеству.

7. Колесная формула автомобиля ЗИЛ-131:
а) 6х6;
б) 4х4;
в) 6х4;
г) все ответы правильные.

8. Предназначение электрооборудования автомобиля:
а) для пуска двигателя, освещения, сигнализации и питания контрольно-измерительных приборов (воспламенения рабочей смеси у карбюраторных двигателей);
б) для воспламенения рабочей смеси в цилиндрах дизельного двигателя;
в) объединяет механизмы и агрегаты трансмиссии, ходовой части и системы управления.

9. Аптечки медицинские на автомобилях боевой и строевой групп эксплуатации содержатся:
а) внутри автомобиля;
б) в специальном помещении парка боевых машин;
в) при медицинских пунктах воинских частей и выдаются водителям только на период использования машин.

10. Сцепление автомобиля предназначено:
а) для передачи крутящего момента от двигателя на агрегаты трансмиссии и плавного переключения передач;
б) для кратковременного отсоединения двигателя от коробки передач;
в) для гашения крутильных колебаний;
г) все ответы правильные.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ТРЕТЬЕГО ТУРА

1. С 18 лет.
2. Не дает.
3. Во всех перечисленных случаях.
4. На мостах, эстакадах и на путепроводах.
5. Разрешается.
6. Разрешается только автомобилей, мотоциклов и мопедов, принадлежащих индивидуальным владельцам.
7. В закрепленном состоянии в местах, установленных предприятием-изготовителем.
8. Катастрофы, аварии, поломки и несчастные случаи.
9. Недостаточное количество охлаждающей жидкости в системе, пробуксовки или обрыв ремня привода вентилятора, засорение сердцевины радиатора, неисправности термостата, закрытие жалюзи, большое отложение накипи в рубашке блока цилиндров и в радиаторе.
10. Запрещается находиться в машине лица, сдающего зачет.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2006 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2006 йилда иқтисодиётни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича ислоҳ қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳисобот даврида тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатди, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсишида муҳим омил бўлди. Жорий йилда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, иқтисодиётимизнинг юксак сурьатлар билан ўсаётгани ўз таналаган йўлимиздан дадил қадам ташлаётганимиздан. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги бундайин ўзгаришлар она Ватан ҳимоячиларини ҳам табиийки, бефарқ қолдирмайди. Ахир, ислоҳотларнинг жадал сурьатларда амалга ошишида энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни, демакки Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаётган ҳарбийларимизнинг ҳам ҳиссаси беқиёс. Қолаверса, қудратли юртнинг аскари бақувват бўлиши, аскари бақувват юрт қудратли бўлишини посбонларимиз яхши билишади. 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари қай даражада бўлгани борасидаги ҳисоботни ҳарбийларимиз эътиборига ҳавола этар эканмиз, ишончимиз комилки улар эришилган ютуқларимиздан руҳланишиб, изчил ислоҳотлар мазмун-моҳиятини теран англашиб, жанговар шайликларини янада оширишади. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил бораётган юртимизнинг порлоқ истиқболи йўлида янгича куч-ғайрат билан, фидойиларча хизмат қилишади.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-чораги	2006 йилнинг 1-ярим йиллиги
Ялпи ички маҳсулот	103,6	106,6
Саноат маҳсулотлари ҳажми	106,8	109,7
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	114,2	120,6
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	104,5	107,2
Қурилиш ишлари	103,6	106,1
Чакана савдо айланмаси	107,5	111,6
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	111,8	113,3

Саноат ишлаб чиқаришида ўсиш суръатларининг тармоқлар бўйича динамикаси

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-чораги	2006 йилнинг 1-ярим йиллиги
Саноат маҳсулоти	106,8	109,7
шу жумладан:		
электр энергетика	109,4	107,6
ёқилғи	99,4	100,1
қора металлургия	105,8	106,8
рангли металлургия	99,5	100,8
кимё ва нефть-кимё	112,1	116,9
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	110,6	119,8
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш,целлюлоза-қоғоз	116,0	118,0
қурилиш материаллари саноати	117,0	118,8
енгил саноат	106,8	111,4
озиқ-овқат саноати	120,9	129,2
бошқа соҳалар	119,6	121,3

I. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар. Иккинчи чоракда реал секторнинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари кескин жадаллашди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 фоизга ошишини таъминлади (биринчи чоракда бу кўрсаткич 3,6 фоизни ташкил этган эди). Инвестицияларнинг 6,9 (4,5), саноат маҳсулотлари 9,7 (6,8), қишлоқ хўжалиги 7,2 (4,5), савдо 11,6 (7,5), хизматлар 13,3 (11,8) ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг ўсиши ҳисобига иқтисодий ўсиш таъминланди.

Пул-кредит сиёсати жорий йил учун белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ пул миқдорининг прогноз кўрсаткичларига қатъий риоя қилиш, банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратиш ҳажмини кенгайтириш билан бир қаторда миллий валюта барқарорлигини ошириш ҳисобидан макроиқтисодий барқарорликни таъминлади.

Натижада инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади ва 3,5 фоизни ташкил этди. Реал тармоққа кредит қўйилмалар қолдиқларининг умумий ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига қараганда 10,5, банкларнинг умумий капитали 17 ва аҳолининг банклардаги депозитлари 55,7 фоизга ошди.

Бюджет-солиқ сиёсати бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мувозанатини таъминлаш билан бир пайтда хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтиришга йўналтирилди. Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари бўйича тушумлар прогнозини бажариш тегишли равишда 102,8 ва 100,5 фоизни ташкил этди. Бу, ўз навбатида, бюджет даромад қисмининг прогнозга кўра 2,4 фоиз ортиғи билан бажарилишини таъминлади. Бюджет тушумларини ошириб бажариш бюджет харажатларининг барча моддаларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаш имконини берди. Давлат бюджети профицит билан бажарилди.

2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида **ташқи савдо айланмаси** 5059,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2005 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан 4,6 фоизга ошди. Экспортнинг умумий ҳажми 5,2 фоизга ўсди ва 2971,2 миллион долларни ташкил қилди. Импорт ҳажми 2088,1 миллион долларни (2005 йилдаги даражага нисбатан 103,6 фоиз) ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг 883,1 миллион доллар миқдоридаги ижобий сальдосига эришилди.

II. ТАРКИБИЙ-ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ВА РЕАЛ СЕКТОР ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Инвестициялар. 2006 йилнинг январь-июнь ойларида барча молиялаш манбалари ҳисобидан республика бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдори 1624,6 миллиард сўмни ёки жорий йил кўрсаткичига нисбатан 44,1 фоизни ташкил этди. Инвестициялар ўтган йилнинг шу даврига қараганда 6,9 фоизга кўпайди (2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида 5,4 фоиз). Капитал қўйилмаларнинг 63,4 фоизи ишлаб чиқариш соҳасидаги қурилишларга йўналтирилди.

Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг солиштирма салмоғи 72,8 фоизга етди. 2005 йилнинг биринчи ярим йилида бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этган эди. Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг асосий ўсиши корхоналар маблағлари ҳисобидан молиялашнинг 26,8 фоизга ошиши туфайли таъминланди. Бу молиялашнинг ушбу манбаи салмоғининг 2005 йилдаги 40,4 фоизга нисбатан 48,3 фоизга кўпайишига олиб келди.

Ҳисобот даврида МТБ (маҳсулотни тақсимлаш битими) шартлари асосида Россиянинг "Газпром" компанияси билан Шахпахта конини қўшимча ўзлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилди, МТБ шартларига кўра, "Лукойл" компанияси билан Ҳовузак-Шоди конида саноат асосида бурғилаш ишлари бошланди, тўқимачилик саноатида қатор лойиҳалар – "БФ Текстайлпродакшн" хорижий корхонаси, "Байтекс Тижарет" қўшма корхонаси лойиҳасининг иккинчи босқичи ниҳоясига етмоқда, "Тошгузор–Бойсун–Қумқўрғон" темир йўли, "Ўзбекистон" электр узатиш линияси қурилиши ва бошқа лойиҳалар юқори суръатларда амалга оширилмоқда.

Турли даражадаги **автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш** бўйича 40,1 миллиард сўмлик ишлар бажарилди (биринчи ярим йиллик прогнозига нисбатан 100,5 фоиз). Тасдиқланган иш жадвалига мувофиқ 123 километрлик автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди, 561,5 погон метр кўприк ва йўл ўтказгичлар таъмирланди.

Саноат. Саноатнинг машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қора металлургия, кимё, енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларида тайёр ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш туфайли унинг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр энергетика, пахта тозалаш, трикотаж, тикувчилик, озиқ-овқат, ун маҳсулотлари, шиша ва чинни-фаянс буюмлар, тиббий, матбаа ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам кузатилди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ошириш натижасида суюлтирилган газ (105), электр қуввати (103,5), кўмир (109), пўлат (101,3), цемент (108,5), автомобиль (123 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чоралар туфайли 2006 йилнинг январь-июнь ойларида уларни ишлаб чиқариш 20,6 фоизга ошди. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда музлатгич ва совутгич (5,4 марта), кир ювиш машинаси (129,6), телевизорлар (179,2), спиртсиз ичимликлар (2,1 марта), мева шарбатлари (129,0), шакар (156,5), макарон маҳсулотлари (125,6 фоиз), ўсимлик ёғи (114,3), гилам ва гилам маҳсулотлари (113,8), чинни-фаянс идишлар (177,5 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

2006 йилнинг январь-июнида **Маҳаллийлаштириш дастури доирасида** 675,3 миллиард сўмлик ёки прогноз кўрсаткичга нисбатан 101,2 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2005 йилнинг шу даврига қараганда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 марта кўпайди. Импорт ўрнини босиш самарадорлиги 562,7 миллион долларни ташкил қилди. Дастурнинг 288 та лойиҳаси мониторинги давомида 82 та лойиҳа бўйича прогноз кўрсаткичларнинг барқарор бажарилиши таъминланди.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва келажаги йўқ корхоналарни тугатиш бўйича чоралар. Реструктуризациялаш ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари 674 та корхона, жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилган 168 та корхонани қамраб олди. Уларнинг 24 тасига нисбатан банкротлик жараёни бошланди, 14 та корхона бошқа корхоналарга қўшилиши сабабли юридик шахс реестридан чиқарилди. Бундан ташқари, тўқимачилик саноатининг 217 та самарасиз ишлаётган корхонаси тугатилди. Кўрилган чоралар натижасида 450 та корхонада (умумий корхоналар сонининг 70 фоизи) ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичлари яхшиланди, 328 та корхона (ёки умумий сонининг 51 фоизи) ишлаб чиқариш ҳажмини 20 фоиздан кўпроқ оширди, 98 та (187 тадан) корхона иқтисодий ночор аҳволдан чиқди, 62 та (92 тадан) корхона зарар кўриб ишлашни бартараф этди, қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг банд бўлмаган қувватлари ҳисобидан 89 та янги корхона ташкил этилди, 10331 та иш ўрни яратилди ва қайта тикланди.

Савдо ва хизматлар. Саноат ишлаб чиқариши ва биринчи навбатда, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши ўсишининг жадаллашиши чакана савдони 11,6 фоизга кўпайтириш имконини берди. Республиканинг барча ҳудудлари бўйича савдонинг ўсиш тенденцияси сақлаб турилибди.

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналар тармоғи кенгайтирилди, мини-банклар ва бозор инфратузилмасининг бошқа объектлари сони кўпайди. «Ўзулгуржисавдоинвест» улгуржи савдо корхоналари уюшмаси томонидан республика ихтисослашган улгуржи савдо базалари ташкил этилди. Ҳудудларда товарларни сотиш бўйича 23 та вилоят, туман ва туманлараро улгуржи базалар ташкил этилди. Ҳисобот даврида хизматлар ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг ҳудудий ва соҳалар бўйича дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди, дастурий чораларнинг аниқ йўналтирилиши, соҳалар, ҳудудлар ва республика миқёсида ишлаб чиқилган дастурлар параметрларининг мувофиқлиги таъминланди. Мониторинг ўтказиш мақсадида 2006 йил учун ҳар чоракда мақсадли йўналишлар ишлаб чиқилди.

Аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 2006 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,3 фоизга ошди ва 889,1 миллиард сўмни ташкил этди.

III. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИНГ ХУСУСИЙ ТАРМОҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўтган даврда Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 240 та корхона хусусий мулк сифатида сотилди (белгиланган топшириққа нисбатан 107,1 фоиз). Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобидан умумий тушум 32,7 миллиард сўмни ташкил этди, шу жумладан, хорижий инвесторлардан тушум 23,3 миллион АҚШ долларини (йиллик прогнозга нисбатан 61,1 фоиз) ташкил этди.

Дастурда **«нол»га тенг харид қийматида** сотилиши кўзда тутилган 115 та корхонадан 108 таси бўйича танлов савдолари ўтказилди, шундан 107 та объект 12,8 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбуриятлари билан сотилди.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори жами айланмаси 2006 йил биринчи ярми якунларига кўра 92,3 миллиард сўмни ташкил этди ва 2005 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2,8 марта ўсди. Иккиламчи бозорнинг акциялар сотилишининг умумий ҳажмидаги солиштирма салмоғи 54,2 фоизни ташкил этди (ўтган йилнинг тегишли даври якунларига кўра 40,9 фоиз).

Моддий ресурсларни сотишнинг бозор механизмларини жорий қилиш ЎзРТХБда юқори ликвидли маҳсулотларни сотиш ҳажмини 483 миллиард сўмгача ошириш имконини берди. Қўшимча равишда қиймати 135,9 миллиард сўмга тенг юқори ликвидли маҳсулот сотилди (2005 йилнинг биринчи ярмида – 45,7 миллиард сўмлик, ўсиш 3 баравар). 2005 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан биржа экспорти айланмаси кескин ошди – 8,4 миллиард сўмдан 71,6 миллиард сўмгача (8,5 баравар).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Текширишлар сонини кескин қисқартириш, жазо қўллашнинг суд механизмини жорий этиш, бизнесни рўйхатга олиш, статистика ва молиявий ҳисоботлар учун маблағ ва вақт сарфини камайтириш, битимларни нотариал амалга ошириш, саноат намуналари, товар белгилари ва селекция навларини рўйхатга олиш туфайли рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сони кескин кўпайди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,3 фоиз).

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми жорий йилнинг биринчи ярмида молиялашнинг ҳамма манбалари ҳисобига 240 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоиз кўп бўлди. 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида кичик бизнес субъектларига дастлабки сармояни шакллантириш учун ажратилган кредитлар миқдори 20 фоиз ошди ва 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра 12,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Натижада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари улуши 85,6 фоиздан 90,1 фоизгача ўсди, кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса ошиб борди ва 34,1 фоизни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,2 фоиз пункт кўпдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 196 минг иш жойи яратилди.

IV. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиши ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 107,2 фоизни ташкил этди. Ўтган йилгидан ғалла (125,5 фоиз), картошка (107,4 фоиз), сабзавот (114,2 фоиз), мева (135,2 фоиз), полиз маҳсулотлари (141,7 фоиз), узум (141,3 фоиз), сут (105,6 фоиз), гўшт (106,6 фоиз), тухум (106,6 фоиз) кўп етиштирилди.

Фермерликни ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар доирасида 445 та тугатилган ширкат хўжалиги негизида 56 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг умумий сони 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра 181,7 мингни ташкил этди. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 26,1 гектар ер майдони тўғри келмоқда.

Ўтган даврда 219 та ихтисослашган **мева-сабзавотчилик ва узумчилик** қишлоқ хўжалиги ширкати тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди. Тугатилган ширкатлар базасида 39 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларга 319,2 минг гектар ер берилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш ва тўлиқ қайта ишлашга ихтисослашган агрофирмалар фаолиятини ташкил этиш учун шароит яратиш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида тугатилган ширкатлар ҳудудида 197 та агрофирма тузилди. Уларнинг муассислари фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлардир.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича 2006–2010 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш натижасида қорамол сони 2006 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 4 фоиз ўсди ва 6775,3 минг бошни ташкил этди.

Аукцион савдоларини жорий этиш йўли билан аҳолининг йирик қорамолни сотиб олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида 166 та аукцион савдоси шохобчаси ташкил этилди, уларда 12157 бош наслдор чорва моли сотилди.

2006 йил 1 июль ҳолатига кўра йирик қорамолни сотиб олиш учун деҳқон хўжаликларига умумий қиймати 11,2 миллиард сўмга тенг микрокредитлар ажратилди.

V. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аҳоли бандлиги. Аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш давомида 312,8 минг янги иш жойи ташкил этилди. Меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб борилиши аҳоли бандлигининг 2,8 фоиз ўсишига кўмаклашди.

Касаначиликнинг турли шаклларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, шу жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперацияси касаначилик соҳасида 78,3 минг (118,6 фоиз) иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Аҳоли даромадлари. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида аҳоли жон бошига реал пул даромадлари қарийб 17 фоиз ошди.

Педагогик ва тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш натижасида ўтган йилдагига нисбатан ўқитувчиларнинг тариф ставкаси ўртача 1,3 марта, тиббиёт ходимларинiки 1,4 марта кўпайди. Бу мақсадлар учун давлат бюджетидан 33,7 миллиард сўм ажратилди. Бундан ташқари, ўтган даврда 275,4 минг эҳтиёжманд болали **оила давлатнинг ижтимоий ёрдамидан баҳраманд бўлди.** 48,7 минг кам таъминланган оила ва 71,8 минг хотин-қизга 2 ёшгача бўлган бола парваришi учун нафақалар тайинланди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурини амалга ошириш йўлида барқарор молиявий аҳволга эга йирик корхоналар, муассаса ва ташкилотлар ҳамма меҳрибонлик уйлари, қариялар ва ногиронлар учун интернатлар, мактаб-интернатларни ўз ҳомийлигига олди. Умуман республика бўйича 21,9 минг кам таъминланган оилага бепул сигир берилди.

Ижтимоий соҳа объектлари қурилиши. Биринчи ярим йилликда Мактаб таълими жамғармаси бўйича 120,3 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. 37,2 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар янги қурилди ва тўлиқ таъмирдан чиқарилди, умумий сони 155,5 минг ўқувчи ўрнига эга мактаблар жорий таъмирланди.

Биринчи ярим йилликда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 16,7 миллиард сўм ўзлаштирилди, бунда 33 та объект ишга туширилди, шу жумладан, 17 та реконструкция қилинаётган объект ва 16 та мактаб спорт залларига қўшимча бинолар қурилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари қўшимча равишда 11 турдаги спорт анжомлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда эришилган ижобий натижалар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш сиёсатининг тўғрилиги ва самарадорлигини тасдиқламоқда. Бу ислоҳотлар макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари юқорилигини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

АДОЛАТЛИЛИК ТАМОЙИЛИ

Демократик жамиятнинг асосий йўналиши саналмиш суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ислоҳотлар натижасида бугун мамлакатимизда мустақил суд тизими шаклланди. Адолатли суд сиёсатини юритиш учун зарур бўлган кенг ҳуқуқий асос яратилди. Республикамизда фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб судларга тобора кўпроқ мурожаат қилаётганлари суд статистикаси маълумотларидан кузатилмоқда. Бундай ҳолат ижобийдир, албатта. Чунки, бу фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалаётганидан, уларнинг судга бўлган ишончи тобора ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Суд соҳасида муҳим ўрин тутувчи судья суд жараёнида юзага келадиган ҳар қандай масалани қонунга асосланган ҳолда бегараз ва холисона ҳал эта билиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Ҳар бир судья умумий ҳолатда суд жараёнининг барча иштирокчилари фикрларини тўлақонли ҳисобга олган ҳолда иш тутиши лозим. Суд қарорлари қабул қилинишида у нафақат инкор этиб бўлмайдиган ҳуқуқий далилларга, шунингдек, касбий билим ва тажрибага, этика ва маданият тамойилларига ҳам лозим даражада асосланиб иш юритиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарҳақиқат, ҳарбий судлар судьялари малака ҳайъати ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган асослар йўналишида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жумладан, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини демократиялаштириш, шунингдек, судьялик лавозимига тавсия этилаётган шахслар тўғрисида тегишли таклифларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига юклатилди.

Биз ҳарбий судья бўлишни хоҳлаган ҳуқуқшуносларимиз учун қуйидаги таклифни ўртага ташламоқчимиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳарбий судьялик захирасига кириш истаги бор ҳуқуқшунослар республика ҳарбий судлари судьяларининг малака ҳайъатига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддасига биноан, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда, малака имтиҳонини топширган, шу билан бирга, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Мазкур Қонун ва «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати ҳарбий судьяликка тайинланишга хоҳиш билдирган номзодларнинг касбий, ахлоқий ва ишчанлик фазилатларини ўрганиб чиқишни ташкил этади. Бунда малака ҳайъати малака имтиҳонини топширган номзодларни ҳарбий судьялик захирасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ҳарбий судья лавозимида хизмат қилиш тайёргарлигига баҳо бериб, унга нисбатан тааллуқли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига юборади.

Малака ҳайъати захирада турган номзодларга ўзларининг касб маҳоратларини, малакаларини ошириш учун етарли имкониятлар яратиб бериб, улар билан аввалдан белгиланган режаларга мувофиқ суҳбатлар, суд-ҳуқуқ ислоҳотларига доир мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказади, суд соҳасида ишламаётган захирада турган номзодларни суд амалиёти билан таништиради. Демак, ҳарбий судья кадрларни танлаш ва тавсия этишда ошкоралик ва адолатлилик тамойилларини қарор топтириб, республикамизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада такомиллаштириш ҳамда ҳозирги вақтда хоҳиш билдирган ҳуқуқшуносларимиз билан ҳарбий судьялик корпусини тобора кенгайтиришга имкониятлар мавжуд.

Адлия капитани Ҳасан ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси.

ҲУҚУҚШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий судида Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йил август ойида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонларнинг ижросини таъминлашга оид масалаларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. «Яшаш ҳуқуқи ва шахс дахлсизлиги кафолати» мавзуидаги бўлиб ўтган ушбу анжуманнинг асосий мақсади муҳокама этилган масалалар юзасидан тажриба алмашиш, мавжуд муаммолар ечимини биргаликда қидириш, қолаверса, билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар асосида қонунчилигимизга киритилиши назарда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича тегишли йўналишларни белгилаб олишдан иборат бўлди.

Анжуман ишида Олий мажлис сенатининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори Мавжуда Ражабова , инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори, юридик фанлар доктори Акмал Саидов, Ўзбекистон Фанлар академияси профессори, юридик фанлар доктори Юрий Пўлатов, Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири, юридик фанлар номзоди Зумрад Иноғомжонова каби етук ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзолари ва қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, Олий суд раҳбарияти ва судьялари, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, туман (шаҳар) судлари раислари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди масъул ходимлари ҳам қатнашдилар.

Марғуба ОМОНОВА.

28 АВГУСТ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хиванинг меъморий обидалари», «Ёз — ўтмоқда соз»:
9.15 1. «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». Видеофильм.
2. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Дил таронаси».
11.25 «Одами эрсанг».
11.45 «Минг бир ривоят».
11.50 «Чимилдиқ».
12.50 «Чимилдиқ».
13.45 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Бир ўлка-ки».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Бу менинг Ватаним!»
18.00 «Рангин дунё».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Сардор». 1-қисм.
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Қамчиқ: кеча ва бугун». 1-қисм.
22.00 «Алпомиш».
Бадиий фильм. 1-қисм.
23.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тоғнинг гули ўзгача».
23.50 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Journal» (инглиз тилида).
8.15 Кино-SMS.
8.20 «Хазина». 1-2-қисмлар.
8.45 Солиқ хизмати хабарлари.
8.55 Анонслар.
9.00 «Елғон асираси». Сериал.
9.45 Ватан ҳақида ўйлар.
9.50 Усмирлар симфонияси.
10.00 Давр.
10.15 Менинг диёрим!
10.20 МУХЛИС-ШОУ.
11.00 «Ўттиз уч бахтсизлик». Бадиий фильм.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 Мўйқалам сеҳри. 1-қисм.
14.55 Замондош.
15.10 «Экспедиция». Сериал.
16.00 Давр.
16.15 «Остона». Телесериал. 1-қисм.
17.10 Менинг диёрим!
17.15 «Шарқ тароналари». Ҳужжатли фильм.
18.45 UzEX хабарлари (рус ва инглиз тилларида).
18.55 Аждодлар садоси.
19.00 Давр.
19.35 UzEX хабарлари.
19.45 Ракурс.
20.00 Спортлото.
20.10 SMS-наволар.
20.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига:
«Эрта бугундан бошланади». 5-қисм.
21.10 Радиодан кўрсатамиз...
21.30 CINEMANIYA.
21.50 SMS-наволар.
22.00 Давр.
22.35 «YOSHLAR»ДА ЁЗ ОҚШОМЛАРИ.
00.05 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм «Покахонтас».
18.15 «Мусиқа SMS.
18.30 «Пойтахт» (рус.).
18.50 «Телекурьер маркет».
19.10 «Ҳақиқат».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Интервью».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
21.45 «Телекурьер-маркет».
22.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.45 Анонс.
22.50 «Водийлик келин». Бадиий фильм.
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Умид юлдузлари». Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланади.
8.50 Мультфильм.
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
10.25 «Франциянинг унутилмас манзаралари».
11.15 «Талисман». Сериал.
«Sport» телерадиоканали.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спортимиз маликалари».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Олам бўйлаб».
19.45 «Тет-а-тет».
20.00 «Вести».
20.25 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Футбол шарҳи».
22.10 «Проф-РИНГ».
23.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Машъал».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

29 АВГУСТ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тоғнинг гули ўзгача».
«Ёз — ўтмоқда соз»:
9.10 «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». Видеофильм.
10.35 «Рангин дунё».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Табиат тилсими». «O'zbektelefilm».
12.30 «Қорақалпоқнома».
12.50 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
13.55 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.05 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Қамчиқ: кеча ва бугун».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Эски альбом.
17.20 «Бир асар тарихи».
17.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Бу менинг Ватаним!»
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Агар Сиз».
18.30 «Сардор». Телевизион фильм. 2-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Қамчиқ: кеча ва бугун». 2-қисм.
22.00 «Алпомиш».
Бадиий фильм. 2-қисм.
23.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон жавоҳирлари».
23.40 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Эврика.
8.25 Замондош.
8.40 Ракурс.
9.00 «Елғон асираси». Сериал.
9.45 Ватан ҳақида ўйлар.
9.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Истиқболимиз тимсоллари».
10.00 Давр.
10.15 Менинг диёрим!
10.20 «Эрта бугундан бошланади».
11.00 Якшанба нонуштаси.
11.30 «Муз даври». Мультфильм.
12.55 Менинг диёрим!
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 Мўйқалам сеҳри. 2-қисм.
14.45 Кино-SMS.
14.50 Радиодан кўрсатамиз...
15.10 «Экспедиция». Сериал.
16.00 Давр.
16.15 «Остона». Телесериал. 2-қисм.
17.05 Менинг диёрим!
17.10 «Мен 15 ёшдаман!»
17.20 Кино SMS.
17.25 «Қайнона». Кинокомедия.
18.40 Талабалар шаҳарчаси.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Қиплоқдаги тенгдошим.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 ТВ-дорихона.
20.20 SMS-наволар.
20.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Эрта бугундан бошланади». 6-қисм.
21.15 SMS-наволар.
21.30 «Моя мечта». Дунё таомлари.
22.00 Давр.
22.35 Мафтунингман, ҳаёт!
22.45 «Кор қўйнида лола».
Бадиий фильм.
23.50 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм «Покахонтас».
18.15 «Мусиқа SMS.
18.30 «Пойтахт» (рус.).
18.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Репортаж».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
21.45 Анонс.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Бахтли бўлинг».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.45 «Анонс».
22.50 «Сен менинг қўшиғимсан».
Бадиий фильм.
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Андерсен эртаклари.
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Спортклуб».
9.30 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
10.30 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
11.30 Детективлар.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Бешинчи ўлчов».
19.15 «Спортимиз одимлари».
Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланади.
19.35 Белбоғли кураш. Ўзбекистон чемпионати.
20.00 «Вести».
20.25 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Спортимиз одимлари». Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланади.
22.10 «Формула-1».
23.10 «Ўзбек спортининг 15 фасли».
23.30 Еврофутбол. Англия чемпионати. «Тоттенхэм» — «Эвертон».
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
«Ёз — ўтмоқда соз»:
8.50 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». Видеофильм.
10.10 «Диёр оҳанглари».
Республика телевизион фестивали.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Агар Сиз...»
12.20 «Кичкина табиб».
Бадиий фильм.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
15.20 «50x50». Ток-шоу.
16.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Қамчиқ: кеча ва бугун». 2-қисм.
16.30 «Минг бир ривоят».
16.35 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.30 «Аёл ва жамият».
17.50 ТВ-анонс.
17.55 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
18.15 «Одамлардан бири».
18.35 «Сардор».
Телевизион фильм. 3-қисм.
19.05 ТВ анонс.
19.10 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»
19.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Бу менинг Ватаним!»
22.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.15 «Зулматни тарк этиб».
Бадиий фильм.
23.35 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Болажон.
8.20 Усмирлар симфонияси.
8.35 «Мен 15 ёшдаман!»
8.45 ТВ-дорихона.
9.00 «Елғон асираси». Сериал.
9.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Истиқболимиз тимсоллари».
10.00 Давр.
10.15 Ватан ҳақида ўйлар.
10.20 «Эрта бугундан бошланади».
11.10 Қиплоқдаги тенгдошим.
11.30 «Муз даври-2». Мультфильм.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 Мўйқалам сеҳри. 3-қисм.
14.45 Усмирлар симфонияси.
15.00 «Мен 15 ёшдаман!»
15.10 «Экспедиция». Сериал.
16.00 Давр.
16.15 «Остона».
17.05 Менинг диёрим!
17.10 «Ватанпарвар» дастури.
18.10 Аждодлар садоси.
18.15 «Наврўз».
18.45 Каталог.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Ўзбекистон суръати» (инглиз тилида).
20.00 Спортлото.
20.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Эрта бугундан бошланади».
21.10 SMS-наволар.
21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Азизим».
22.00 Давр.
22.35 Мафтунингман, ҳаёт!
22.45 «Чинор остидаги дуэль».
Бадиий фильм.
23.50 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

18.00 Мультфильм «Покахонтас».
18.15 «Мусиқа SMS.
18.30 «Пойтахт» (рус.).
18.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Интервью».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Фаровонлик бекати».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.45 Анонс.
22.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Тошкент бозорлари».
23.20 «Алишер Навоий».
Бадиий фильм.
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Андерсен эртаклари.
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
10.20 Жаҳон спорти. Теннис.
11.15 Детективдар.
11.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Нефтчи» — «Навбаҳор».
«Sport» телерадиоканали.
18.00 «Умид юлдузлари».
Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланади.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Ўз-ўзига режиссёр».
19.40 «Ўзбек спорти одимлари» («O'zbektelefilm») Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланади.
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Ўзбек спортининг 15 фасли».
22.10 «Дув-дув гап». Шоу дастури.
23.40 «Спортимиз одимлари». Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланади.
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

31 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ.
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»
8.55 Н. Рашидова. «Усмон Носир». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
1-қисм.
10.00 ТВ-анонс.
10.05 «Усмон Носир». Спектакль.
2-қисм.
10.40 «Назм ва наво».
11.15 «Яхшилар ёди».
11.35 «Ишқ эртаги». Телесериал.
12.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига.
«Истиқболга элтувчи йўллар».
12.30 «Тоҳир ва Зуҳра».
Бадиий фильм.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
15.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига.
«Бу менинг Ватаним!»
15.45 «Ўзбегим ёшлари — Бельгияда». 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Ўзбегим ёшлари — Бельгияда». 2-қисм.
18.15 «Истиқлолинг муборак!»
18.25 «Сардор». Телевизион фильм. 4-қисм.
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига «Ватан фидойилари».
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.30 «Ахборот».
22.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
24.00 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 ЎзТВ хазинасидан: «Олтин девор». Спектакль.
9.55 Анонслар.
10.00 Давр.
10.15 Аждодлар садоси.
10.20 «Эрта бугундан бошланади». 7-қисм.
11.00 Ватан ҳақида ўйлар.
11.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Истиқболимиз тимсоллари».
11.15 «Мен 15 ёшдаман!»
11.25 Кино-SMS.
11.30 «Мадагаскар». Мультфильм.
12.55 Менинг диёрим!
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 Анонслар.
14.20 «Ўтган кунлар».
Бадиий фильм.
15.50 Мафтунингман, ҳаёт!
16.00 Давр.
16.15 «Остона». Телесериал. 4-якуновчи қисм.
17.10 Менинг диёрим!
17.15 Мустақиллик боғлари.
17.40 Ватан ҳақида ўйлар.
17.45 «Мен 15 ёшдаман!»
17.55 «Янги авлод болалари — эртанги кун эгалари».
18.50 Менинг диёрим!
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.00 Давр.
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.30 Аждодлар садоси.
21.35 Мафтунингман, ҳаёт!
21.55 Менинг диёрим!
22.00 Давр.
22.35 Мафтунингман, ҳаёт!
22.45 «O'zbekkino» тақдим этади: «ВАТАН». Бадиий фильм.
00.45 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм «Покахонтас».
18.15 «Мусиқа SMS.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Тошкент фавворалари».
19.15 «Истиқлол тароналари».
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Репортаж».
22.00 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.45 «Мафтунингман».
Бадиий фильм.
00.05 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Спортимиз одимлари».
8.35 Андерсен эртаклари.
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Ўзбек спортининг 15 фасли».
9.40 «Ҳаёт гўзал». Сериал.
10.40 «Ўзбек спорти одимлари» («O'zbektelefilm»).
11.00 Байрам табриги.
11.15 Детективлар.
11.50 «Мадагаскар». Мультфильм.
13.10 «Умид ниҳоллари-2006».
14.45 «Аҳил оила». Бадиий фильм.
16.30 «Ўзбек спортининг 15 фасли».
16.50 «Байрам табриги».
17.00 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
17.50 Мультфильм.
18.15 «ГеймСетМатч».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Ўзбек спорти одимлари» («O'zbektelefilm»).
19.15 «Қўёш шаҳри».
19.30 Ўзбекистон Республикасининг 15 йиллигига бағишланган байрам дастури.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Шоу дастури.
22.30 «Беллашув». Дам олиш дастури.
23.30 Еврофутбол.
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Байрам табриги.
«Болалар сайёраси:
8.45 «Юртимиз гунчалари».
«Томоша» гуруҳи.
9.15 «Истиқлолинг муборак, она юрт!»
9.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари (Ёзиб олинган).
11.20 ТВ-анонс.
11.25 «Ўзбек таомлари».
«O'zbektelefilm»-маҳсулоти.
11.45 Байрам таронаси.
11.50 «Ҳажвия бисотидан».
12.10 «Одамлардан бири».
12.30 ТВ-анонс.
12.35 «Маҳаллада дув-дув гап».
Бадиий фильм.
13.55 Байрам таронаси.
14.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
15.00 «Муқаддас қадамжолар».
«Шоҳизинда».
15.40 Ўсмирлар симфоник оркестри концерти.
16.20 «Ватан туйғуси». Пойтахт майдон ва сайилгоҳларидан репортаж.
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.35 Байрам табриги.
17.40 «Сардор». Бадиий фильм. 5-қисм.
18.25 «Шарқ тароналари-2005». Халқаро мусиқа фестивали.
19.20 «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Қишлоқ ҳаёти».
20.25 «Ватанимни қуйлайман». Гулсанам Мамазоитова.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Гўзал пойтахтим».
21.50 «Заковат». Финал.
23.10 «Бегона баҳор». Бадиий фильм премьераси. 1-қисм.

ЁШЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги!
5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Анонслар.
8.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига:
«Истиқболимиз тимсоллари».
8.15 «Мен 15 ёшдаман!».
8.25 Мафтунингман, ҳаёт!
8.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Ислом оламининг гавҳари».
9.00 «Янги авлод болалари — эртанги кун эгалари».
9.55 Менинг диёрим!
10.00 Давр.
10.20 Анонслар.
10.25 «Мешполвон». Бадиий фильм.
11.30 «Ниҳол» мукофотини топшириш маросими.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «Сеҳрланган Элла». Бадиий фильм.
15.55 Менинг диёрим!
16.00 Давр.
16.20 «Мен 15 ёшдаман!»
16.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари (Ёзиб олинган).
18.30 «Ўзбегимнинг ёшлари!»
19.00 Давр.
19.35 Мафтунингман, ҳаёт!
19.55 Рўзғор мактаби.
20.15 «Моя мечта». Дунё таомлари.
20.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига:
«Энг азиз байрам!»
Бадиий-мусиқий дастур.
22.45 «Вир ва Зара».
Бадиий фильм (Ҳиндистон).
1.20 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
9.00 «Ҳақиқат».
9.50 «Эрудит».
10.05 «Бахтли бўлинг».
10.25 «O'zbektelefilm»-маҳсулоти.
10.50 «Аёл қалби».
11.15 Репортаж.
11.40 «Водийлик келин».
13.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.30, 21.30 «Пойтахт» (рус.).
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.30 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари қуйлайди.
21.15 «Эрудит».
22.20 «Истиқлол тароналари».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Суюнчи». Бадиий фильм.

СПОРТ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган телемарафон.
7.30 дан — 01.00 гача.

2 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Байрам таронаси.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Олтин тож». Телеўйин.
9.25 ТВ-анонс.
9.30 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
10.00 1. «Чинсэн». 2. «Маврид».
10.40 ТВ-анонс.
10.45 «Шарқ тароналари-2005». Халқаро мусиқа фестивали.
11.40 «Заковат». Финал.
13.00 «Бегона баҳор».
Бадиий фильм. 1-қисм.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
15.20 «Келинлар қўзғолони».
Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Ўйла! Изла! Топ!»
Телемусобақа.
17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.00 Байрам таронаси.
18.10 «Ўзбегим ўғлонлари».
19.20 «Суперлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева куйлайди. 1-қисм.
22.25 «Ҳаёт давом этади».
22.45 «Бегона баҳор».
Бадиий фильм премьераси. 2-қисм.
23.50 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Мен 15 ёшдаман!»
8.10 Бола тилидан.
8.40 CINEMANIYA.
9.00 «ЗЕРДА». Сериал.
17-18-қисмлар.
11.20 «Мен 15 ёшдаман!»
11.30 «Немони излаб». Мультфильм.
12.55 Анонслар.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «Нарния салтанати». Бадиий фильм.
16.35 «Энг азиз байрам!» Бадиий-мусиқий дастур.
18.35 «Камолот» хабарлари.
18.45 Каталог.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.00 Давр.
19.35 Аждодлар садоси.
19.40 «Дилрабо». Азиз Ражабий куйлайди.
20.10 «Ортиқча» хусусий клиникаси». Ҳажвий кўрсатув. 1-қисм.
20.40 Оҳанрабо.
21.30 Юлдуз билан.
22.00 Давр.
22.35 Мафтунингман, ҳаёт!
22.45 «Ажабтовур кошона». Кинокомедия.
00.30 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
9.00 «Ҳақиқат».
9.50 «Эрудит».
10.05 «Моҳир».
10.40 «Нима учун?»
11.20 «Ватан мадҳи».
11.35 «O'zbektelefilm» маҳсулоти.
12.00 «Сен менинг қўшиғимсан».
18.30, 21.30 «Пойтахт» (рус.).
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат».
20.00 Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Интервью».
20.30 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
20.40 «Камин олдида суҳбат».
21.00 «Жозиба».
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Муқаддас қадамжолар».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Тўйлар муборак».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
8.50 «Хабарлар» (рус.).
9.10 «Соғлом оила».
9.40 «Ҳайвонот олами».
10.15 «Кузги марафон».
Бадиий фильм.
12.00 Ўзбекистон Республикасининг 15 йиллигига бағишланган байрам дастури.
14.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
14.40 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати. 2-тур.
18.00 Байрам репортажи.
18.10 «Ўзбек спортининг 15 фасли».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 Концерт дастури.
19.40 «Спортимиз одимлари».
20.00 «Вести».
20.20 Байрам репортажи (Хоразм).
20.30 Мусиқий марафон.
21.10 «Спортимиз одимлари».
Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланади.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Байрам репортажи (Наманган).
22.00 «Фан-фан тюльпан».
Бадиий фильм.
23.30 Еврофутбол. Англия премьер лигаси.
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

3 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

УЗБЕКИСТОН


5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Байрам таронаси».
«Болалар сайёраси»:
8.55 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Ажойиб саёҳат». Фильм-концерт.
10.20 ТВ-анонс.
10.25 «Навобахш». Ток-шоу.
11.10 «Ҳажвия бисотидан».
11.35 «Шийпондаги учрашувлар». Дала меҳнаткашлари ҳузурида.
12.15 «Оддий ҳақиқатлар».
13.05 ТВ-анонс.
13.10 «Бегона баҳор».
Бадиий фильм. 2-қисм.
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.30 ТВ-анонс.
16.35 «Ғайратли йигитлар». Ҳажвий кўрсатув.
«Болалар сайёраси»:
17.00 «Юртимиз гунчалари». «Томоша» гуруҳи.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 «Интеллектуал ринг».
18.20 «Байрам таронаси».
18.30 «Жиддий ўйин».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «50x50». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева куйлайди. 2-қисм.
22.30 «Бевафо». Бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон).
1.00 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Рўзғор мактаби.
8.20 Азизим.
9.00 «Ватанпарвар» дастури.
10.00 «Journal» (инглиз тилида).
10.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари. (Ёзиб олинган).
12.20 Якшанба нонуштаси.
12.50 «Товуқлар қўзғолони». Мультфильм.
14.20 «ВАТАН». Бадиий фильм.
16.05 Ватан ҳақида ўйлар.
16.10 «Ортиқча» хусусий клиникаси». 1-қисм.
16.40 Оҳанрабо.
17.30 Кино SMS.
17.35 Шарқ маликаси.
18.30 «Ассалом, мактаб!»
18.45 Мафтунингман, ҳаёт!
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Анонслар.
19.40 Мустақиллик боғлари.
20.10 Янги мавсум туҳфалари.
20.25 «Ўзбегимнинг ёшлари!»
20.55 Оқшом қўнғироқлари.
21.00 «Ошуфта дил». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Матёқубов куйлайди.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 «Троя». Бадиий фильм.
00.35 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
9.00 «Ҳақиқат».
9.50 «Эрудит».
10.05 «Камин олдида суҳбат».
10.25 «Юртим жамоли».
10.40 «Интервью».
10.50 «Маърифат фидойилари».
11.45 «Мафтунингман».
18.00 «Табассум».
18.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
19.00 «Телекурьер маркет».
19.20 «Саньат гулшани».
19.40



ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу эзгу ишларнинг улкан тарбиявий аҳамияти бор. Аввало бугунги авлод бу билан истиқлолнинг қанчалар азиз, улуғ неъмат эканини, унда фидойи боболарнинг, улар орзу-армонларининг ҳам ҳаққи борлигини юракдан англашади. Демакки, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, асраб-авайлашга интилишади. Қолаверса, юрт озодлиги, ҳурлиги йўлида жон фидо этганлар хотираси доимо қалбларда яшашини ҳис қилишади. Буларнинг бари ижтимоий адолатга ишончни мустаҳкамлаб, истиқлол ғояларига садоқатни, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини кучайтиради.

2001 йилнинг 1 майида Президентимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белигилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга кўра, ҳар йили 31 август куни, яъни Мустақиллик байрами арафасида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида маросим бўлиб ўтади. Бу ёруғ кунларга етиб келолмаган, озодлигимиз учун жонини фидо этганлар ҳақ-қига дуо қилинади.

Маълумки, 2000 йилнинг 12 майида Тошкентнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси очилди. Унда бу эзгу ва хайрли ишларнинг ташаббускори Юртбошимиз иштирок этиб, нутқ сўзлади. «Биз бугун шу табаррук зиёратгоҳда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз.

Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Эдбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман», деган эди жумладан Президентимиз.

Мустабид тузум миллатнинг гули бўлган зиёлиларимизни нега қатағон қилганини яхши биласиз. Ахир, улар шўро тузумининг зулм ва зўравонлик асосида қурилганини англашган, ана шундайин оғир бир даврда ҳам ўзлигини сақлаб қолишга, миллат қадриятларини ҳимоя қилишга бел боғлашган. Юксак ижтимоий-сиёсий онги билан халқни уйғотишга, маърифат, маънавият нурлари билан миллат қалбини ёритишга уринишган.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. Нега биз истиқлолга эришган дастлабки пайтларданоқ бу тарихий адолатни тиклашга эътибор қаратдик, деган. Шуни таъкидлаш лозимки, бу эзгу ишни амалга ошириш билан ўз тақдиримизга дахлдор бўлган адолатни қарор топтирган бўламиз. Халқимиз, миллатимиз яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларни, оқ доғларни тўла очиб берамиз. Бу эса тарихдан улкан сабоқлар чиқаришимизда, бугунги, истиқболдаги ҳаётимизга онгли равишда қарашда устувор аҳамият касб этади. Қолаверса, истиқлолнинг моҳияти ҳам миллат, халқ қадр-қимматини, ғуруруни тиклашда-да.

Озодлигимиз сабаб ўзимиздаги энг яхши фазилатларни, сифатларни асраб-авайлаб, тарбиялаб янги асрга олиб ўтдик. Қатағонга учраган аждодларимизни хотирлашдек хайрли, савобли иш ана шундайин фазилатларимиз янгича ранг олаётганини кўрсатади.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг раиси Наим Каримов шундай ҳикоя қилади:

– Бундан бир қанча йил илгари биз, бир гуруҳ ёзувчи ва олимлар, жабрдийда ёзувчиларимиздан бирининг сўнгги изларини ахтариб, Сибирга борган эдик. Қамоқхона ва лагерлардан иборат Мариинск шаҳрига элтувчи бефайз йўлдан борар эканмиз, кузбасслик ҳамроҳлар биз кетаётган йўлни назарда тутиб, унинг «Кишанли йўл» деб аталишини ва кечалари – сукунат ҳукм сурган паллада – бу йўлдан ўтган маҳбуслар оёғидаги кишанлар жаранги эшитилишини айтишган эди.

Яқин-яқинларгача «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилган жойлардан ўтганимизда ҳам ўлим сари бораётган бегуноҳ аждодларимизнинг нола-ю фарёдлари эшитилиб тургандек бўларди. Ёдгорлик мажмуининг барпо этилиши билан уларнинг сарсон-саргардон руҳлари бу табаррук масканда ором топгандек бўлди.

Ҳа, Бўзсув соҳилида бунёд этилган мазкур ёдгорлик мажмуи ёнидан ўтар экансиз, мустабид тузум зулмига, қабоҳат дея аталувчи зулм алангасига ноҳақ қаланган минглаб ватандошларимиз хаёлдан ўтади. Шунда ўз-ўзимга уларнинг бўғзида қотиб қолган сўнгги ноласи учун, Ватан, юрт дея қорачиқларида музлаб қолган армонлари учун бурчлимиз, дейман.

Қатағонга учраган муаллим, журналист ва драматург Саид Аҳрорийнинг қизи Холида опа Аҳророва мазкур ёдгорлик ҳақида, умуман, шаҳид кетган аждодларимиз хотирасини ёд этиш ҳақида тўлқинланиб, шундай деганди:

«Юнусободда бир вақтлар зиёлилар, ватанпарварлар, оддий одамлар қатағон этилган жойда кўркам ва маҳобатли обида бўй чўзди. Не-не сир-синоатларни қаърига жо қилиб, бўзлаб оқаётган Бўзсув соҳилларида сокин зиёратгоҳ яратилди. Бу, мустақил юрт фарзандларининг мустамлакачилик ситамларини сидириб ташлаш учун тенгсиз курашда қурбон бўлган, жанозасиз ва кафансиз кетган оталари ва боболарининг чирқираган руҳига таскин бериш учун меҳр ва мангилай тери билан бунёд этган обидасидир».

Яқин ўтмишдаги бундайин беомон қулфатлар, зулмлар бизни ҳаётга тийран назар солишга, бундай қора кунлар бошимизга тушмаслиги учун сергак, курашчан яшашга, истиқлолни қадрлаб, эъзозлаб, янада мустаҳкамлаб яшашга мудом ундаб туради. Президентимиз таъкидлаганидек, жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркн, тинч ҳаёти йўлида қурашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати хотирамиздан ҳеч қачон ўчмагай.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

БОБУРШОҲ САБОҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўшанда «Бобурнома» муаллифининг муҳораба майдонидаги юксак жасорати, драматизмга тўла ҳаракатлари, унинг ғалабага қараб мардона интилиши ва рақиби ҳужумда бўлган пайтида ғолиб келиш саҳнаси албатта кино яратувчилар эътиборига кирар ва улар томонидан мароқ билан суратга туширилар ҳам. Бу саҳнадаги ҳар иккала томон олишувларининг руҳий ҳолати, ғалабага интилиш кайфиятининг тасвири Бобурнинг адиб-ёзувчи сифатидаги маҳоратидан далолат беради.

Матндаги «қўпқоч-ўқ қилич соғдоғни боғлаб филҳол отландим», «бир ўқ отими келиб эдиким», «илгариги кишисини олғон била тебрадук» ва бошқа гап, иборалар ўқувчига муҳораба майдонидаги жараённинг масофаси, душманга етиб олиш ҳарбий санъатидан маълумот беради: «Қанбар Алибек қатраб, қичқириб айттиким, ёғий етти, қўпунг. Ушмунча деб, лаҳза таваққуф қилмай, ўта чиқти, ёнмади. **Мен ҳамиша омонлиқта ҳам тўн, ўққувоқ чигормой-ўқ такия қилур эрдим.** Қўпқоч-ўқ қилич соғдоғни боғлаб филҳол отландим. Туғчи туғ боғлагунча фурсат бўлмади, туғни илигига олиб-ўқ отланди. ёғий келадурган сори-ўқ мутаважжиҳ бўлдук. Ул отланғонда ўн-ўн беш киши ҳамроҳ эди. Бир ўқ отими келиб эдукким, ёғийнинг чопқунчисиға еттук. Бу ҳолатта менинг била ўнча киши бўлғай эди. Илдам юруб етиб ўқ қўюб, илгариги кишисини олғон била тебрадук. Яна бир ўқ отими қавлаб бориб эдукким, ғулиға еттук».

Келинг, манзарани бирга тасаввур этамиз. Бобур таъкидлаганидек, «Султон Аҳмад Танбал юзча чоғлиқ киши билан тўхтаб турубтур». Бунга қарши Бобурнинг «ушбу замонда менинг билан уч киши қолиб эди: Дўст Носир, яна Мирзо Қули кўкалдош, яна Каримдод» дейиши, иккала томон кучининг номутаносиблигини яққол кўрсатиб бермоқда, агарчи Бобурнинг айрим аскарлари ундан анча узоқда жойлашган, султонларига ёрдамга келишлари амри маҳол эди. Томонларнинг ҳарбий кучи қанчалик мувофиқ келмаса-да, Бобур рақиби Аҳмад Танбал билан биринчи марта, бевосита юзма-юз жангга киради ва гўё ўзига сарҳисоб бергандек бу муҳораба тафсилотини шунчалик батафсил баён этадики, кишини ҳайратга солади.

«Бобурнома» ўқувчиси ёш шаҳзоданинг яккама-якка бошқа султон билан уруш олиб боришини мутолаа қилар экан, жангнинг нақадар шиддат билан кечганлиги, икки саркарданинг ғалабага ўта чанқоқлиги ва қолаверса, жанг жараёнининг ҳар бир детали юксак эътибор билан тасвир этилганини кўрамиз. Асардаги бу саҳна тасвири сатрлардан-сатрларга кўчар экан, беихтиёр ўзимизни шу муҳораба қатнашчисидек ҳис этамиз. Натижада, Бобурга нисбатан хайрихоҳлигимиз ошади, унинг эпчиллиги, қурол-яроғнинг ҳар бирини вақтида ишлата олиши ва туғилган мушкул вазиятдан чиқишига ҳайрат назари билан боқамиз: «Ўтримдағи икки кишидан бириким Танбал экандур, ул ҳам илгаррак юруди, орада бир шоҳроҳ эди, мен бу саридин, ул сариндин йўлға кириб, йўлда рўбарў бўлдук, андоққим, менинг ўнг қўлум ёғий сари, Танбалнинг ўнг қўли бизнинг сари бўлди. Танбалнинг бир кечимдин ўзга борча яроғи бор эди. Менинг соғдоқ қиличдин ўзга ҳеч яроғим йўқ эди. Илигимдаги ўқ била қолқонини ғарбичисиға кўклай оттим».

Заҳириддин Бобур Аҳмад Танбал билан бўлган жангининг ҳал қилувчи палласини тасирлашда юксак маҳорат зоҳир этади. Тасвир ўзининг бетакрор натуралистик жиҳати, ҳаётийлиги ҳар қандай муболаға, истиора, ташбеҳ кабби бадиий санъат воситаларидан холилиги ва ўша давр насрига хос жимжимадорлик бунда бегоналиги билан ажралиб туради. Бу парчанинг яна бир диққатга лойиқ томони шундаки, унда Бобурнинг жанг майдонидаги мушкул, кўп сонли душманлари ичидан соғ-омон чиқиб кетиши, бир ўзи 3-4 киши қуршовидан моҳирлик билан ажралиб, жонини омон сақлаши билан ҳам муҳим. Яна бу тасвир жангчи Бобурнинг энг ёрқин муҳорабаси сирасига кириб, унинг довюраклиги, муҳораба майдонини бутун кенглигида: ҳам эни ва ҳам узунлигида аниқ тасаввур этиш имконини топганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Заҳириддин Бобур таъкидлаганидек, унинг Аҳмад Танбал билан бўлган ушбу муҳорабаси «бетажрибаликтин ғафлате»нинг меваси бўлган. Ана шундай ҳарбий юришлар бирин-кетин жамланиб, Бобурни моҳир саркарда, лашкарбоши даражасига етказган. Биз нима учун охири Бобурнинг рақиби Танбалдан енгилганлигига қарамасдан бу муҳорабани унинг жасорати сирасига киритмоқчимиз? Ҳамма гап шундаки, жанг майдонида қудратли душман қўлидан, унинг таъқибидан жасурлик, мардлик ва юксак ҳарбий маҳорат кўрсатиб, омон қолиш ҳам ютуқ сирасига киради.

Оллоҳ жанг майдонида Бобурга мададкор бўлган, унинг йўлини ёритган, мушкулини осонлаштирган. Бу сафар ҳам Бобур Аҳмад Танбал таъқибидан чиқиб кетиш учун йўл қидирар экан, Ҳоқон ариғи (канали)га дуч келади. Анчагина чуқур, ундан отулов, одамларнинг ўтиши имконсиз бўлса-да, тақдир уни бу ариқнинг энг саёз жойи томон бурадди ва у рақиби таъқибидан қутилади: «Ҳоқон ариғи улуғ шоҳжўйдир ва чуқур оқар, ҳар еридин кечиб бўлмас. Тенгри рост келтурди, бу ариғнинг бир гузариға тўптўғри-ўқ келдук. Ариғдин кечгач, Дўст Носирнинг оти заифроқ эди, йиқилди. Туруб они отлантуруб, Харобук била Фарғонанинг оралиғидаги пушта билан Ўш сори торттук. Пуштаға чиққон маҳалда Мазид тағойи келиб қотилди, анинг ҳам ўнг оёғиға тизидин қўйироқ ўқ тегубдур. Агарчи ўта чиқмайдур эди, вале Ўшқа бисёр ташвиш била келди».

Ушбу муҳорабада Бобур энг яхши йигит ва бекларидан ажралади. Уларнинг айримларининг номларини Бобурнинг ўзи ҳам келтирган. Унинг маълум маънодаги камтажрибалигидан фойдаланиб, узоқ мўғул қавмидан бўлган хон боболари ҳам хиёнат йўлини тутадилар. Улар турли баҳоналарни пеш қилиб, Бобурга («икки кундан сўнг Ўшдин келдим. Улуғ хонни Қўштегирмонда кўрдум. Хонни кўрган замон-ўқ манга кирган ерларни кичик хонга бердилар») хиёнат қиладилар, уни алдайдилар. Тақдир ёш шаҳзода Бобурни янги турмуш имтиҳонларига ҳозирларди. Юксак истеъдодли, моҳир саркардалиги, мардлик ва жасоратга бой ҳаёти юқоридагидек муҳорабаларда пишиб, етилиб, уни шоҳ Бобур даражасига етказди, номини жаҳонга машҳур этди.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор.

ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбек халқи эса ўз миллий сифатларини, миллий ғурурини сақлаб қолди. Бу албатта, халқимизнинг маънавий жиҳатдан бойлиги сабабидандир.

Гап миллий ғурур ҳақида кетар экан, ёшларимизга, айниқса, ҳарб илмини пухта эгаллаётган ўғлонларимизга бу борада таълим-тарбияни кучайтириш ва мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ўз фарзандларимиз қалбига юрт туйғуси, Ватаннинг қадри, шаъни, ор-номус деган тушунчаларни чуқур сингдириб бориш, бу йўлда ўзлигимиз, ўз тарихимиз маънавият сарчашмаларидан фойдаланишимиз ўзимиз учун кони фойда. Инсоннинг энг буюк бойлиги унинг Ватанидир. Шундай экан, ҳар бир йигит-қиз қалбида бу менинг уйим, менинг тақдирим, деган улуғ ғояни қарор топтириш, унинг қудрати билан барча ёмонликларнинг, ёт иллатларнинг пайини қирқиш, тўфонларнинг олдини олиш ва уларга қарши туриш мумкин. Зотан, инсоннинг барча эзгу ишлари қаторида энг буюги бу, ўз тинчлиги, юрт тинчлиги учун курашмоғидир. Эсланг, Тўмариснинг кўз қорачиғи Спарганис ёғий аскарларига асир тушганида ёш ва навқирон эди. Ёвуз Кир унга аскарларини қатл этиб, ўзини «қўйиб юборишини» айтганида, ўз қароргоҳига бош эгиб қайтиб боришдан кўра мардонавор ўлимни афзал кўради ва кўксига ханжар уради. Спарганиснинг енгилмаслигини кўрган золим душман унга хато ҳукм чиқариб қўйганидан таассуфда қолади ҳатто, Кир уни «ашаддий ёвимнинг зурриёди бўлса-да, ачиниб кетдим. Магар у ўлмаганида ундан зўр саркарда ёки шаҳаншоҳ чиқарди», дея тан беради. Ана шундан кейин ўғли учун, бегуноҳлар қони учун интиқом олган массагетлар маликаси Тўмарис Кирнинг танасидан жудо қилинган бошини қон тўлдирилган мешга тиқади. Бу воқеа гарчи милоддан аввалги 530 йилда бўлиб ўтган бўлса-да, Спарганис ва Тўмарис жасорати тилларда достон бўлиб қолди. Чунки унда миллий ғурур, ор-номус ҳаммадан нарсадан устун туради. Ватан ҳимояси, туғилган заминни асраш туйғулари мужассам унда.

Биз аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг жасорати, матонати, ғурури ёшларга ҳамиша маёқдир. Матбуотдан ўқигандим, хорижликлар жаҳонда тўрт буюк саркарда номини: Искандар Мақдуний, Атилла, Чингизхон ва Амир Темурни эътироф этишар экан. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг бу мақомга эришиши, аввало, унинг бугунги Ўзбекистонимизни, ўша вақтдаги Турон юртини бирлаштириб турганлигида ва албатта, бу жипслик замирида миллий ғурурнинг, ватанпарварликнинг буюк кўриниши зоҳир бўлган. Ўша вақтларда бунёд этилган меъморий обидаларни жаҳон аҳли ҳозир ҳам кўриб турибди. Амир Темурнинг илму фанга ҳомийлик қилгани, илмнинг келажакда ривожланиши учун шароит яратгани ва бир қанча инсоний фазилатларини санаб ўтиш мумкин. Амир Темур ҳукмронлиги даврида илм-фан, санъат ва маданият юксак ривожланганлиги маълум. Олимларга ҳомийлик қилганлиги учун мамлакатда диний ва дунёвий илмлар жуда тараққий топган. Амир Темурнинг саъй-ҳаракати билан пойтахт Самарқандда улкан кутубхона бунёд қилинган эди. Пойтахт Самарқандда ўша даврда ўз даврининг етук алломалари ижод қилганлар. Амир Темур ғурури баланд бўлмаган халқ катта бунёдкорликларга ва улкан зафарларга қодир бўла олмаслигини яхши билган. Шу сабабли мўғуллар истилоси туфайли ғурури топталган Ўрта Осиё халқларининг ғурурини кўтаришга бел боғлаган эди. Бунинг учун Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз, Туркистон шаҳарларида тенги йўқ, осмонўпар саройлар, масжидлар, мадрасалар ва мақбаралар қурдирди, халқининг ғурури, фахрини ошириб, тараққиётнинг юксак чўққиларига олиб чиқди. Амир Темур даврида Ўрта Осиёда миниатюра, наққошлик, заргарлик, гилам тўқиш, мусиқа каби санъат турлари ўзининг юксак чўққиларига кўтарилди. Бу ноёб асарларда аждодларимизнинг юксак иқтидори, ақл-идроки, гўзал туйғулари муҳрланиб қолган.

Амир Темур шахсини мустақиллик рамзига қиёслашимизнинг сабаби ана шунда. Мустақиллик буюк саркарданинг тарихда тутган ўрнига муносиб баҳо бериш имконини берди. Амир Темур даврида Ўрта Осиё халқлари бирлашиб, ҳамжиҳат, аҳил-тотув бўлганлари учун улар қудратли бўлганлар, илм-фан, маданият ривожланган. Хориждаги, Амир Темур билан фахрланишадими, демак, биз бу буюк бахтнинг эгаси эканлигимиздан кўксимизни ғурурга тўлдирмоғимиз керак. Соҳибқирон бобомиздан мерос миллий ғурур, ор-номус каби тамойилларни қўлдан бой бермасдан, Ватаннинг азиз тўшалрини асрамоғимиз, унинг ҳар қарич тупроғини обод қилмоғимиз порлоқ келажагимизни бардавом эттиради.

Куни кеча турли вилоятларимизда яшаб, ижод қилаётган бир гуруҳ ҳаваскор хонандаларимизнинг, фольклор-этнографик ансамбларининг хориждаги чиқишларини, кўриктанловнинг энг сара дасталари қаторидан жой олганлигини телевизор орқали мириқиб томоша қилдик. Хорижликлар гарчи матнига тушунишмаса-да, куйлаган қўшиқлару, ижро этилган халқона рақсларимиздан бир дунё таассурот олишганликларини кўриб кўксимиз ифтихорга тўлди. Ёш санъаткорларимиз, ҳали катта саҳналарда бот-бот кўринмаган истеъдод учқунлари юксак маҳорат кўрсатишди. Ўзбек халқини яқиндан билмаганларнинг қалбига ўз санъати, иқтидори орқали йўл топишган ёшлар ўзбеклигидан, Ўзбекистон фуқароси эканликларидан фахрланганликлари юзкўзларидан, сўзларидан билиниб турибди.

Ўз миллий ғурурига эга инсон борки, оиласи, ота-онаси, қавму-қариндоши, юрти, Ватани бошига мушкул иш тушса, вужудида оғриқ турмаслиги мумкин эмас. Агар шундайлар топилса, улар шак-шубҳасиз, Ватансиздирлар. Истиқлолдан кейин нимагаки эришган бўлсак, уларнинг барчасини ўз қўлимиз билан бунёд этдик. Халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигини исботлади. Ҳар битта бунёдкорлик ишларида халқимизнинг заҳмати, жасорати сезилиб турибди. Аслида кўз илғамас бўлиб туюлса-да, шу вақт мобайнида мамлакатимизда жуда катта ижобий ўзгаришлар бўлиб ўтди. Тасаввур қилинг, эшитган, орзу қилган мўъжизаларингиз кўз ўнгингизда рўй бериб, энг янги технологиялар, коммуникациялар билан тўқнаш келиб турсангиз, бевосита техника асрининг мутахассисига айланиб иш юритсангиз, кўксингиз ифтихорга тўлмайдими? Фарзандларимиз биз етолмаган орзуларга етишиб, биз қучолмаган омадларни, улкан муваффақиятларни қучмоқдалар. Ўзбекнинг номини дунёга танитаётган забардаст ёшларнинг сони тобора ортмоқда. Бу бахтга бизни мустақиллик етиштирди, албатта. Юртимиз, халқимиз омон, жипс бўлса, бундан-да юксак марраларга эришишимиз тайин. Ўтган ўн беш йил мобайнида қўлга киритилган жамики эзгу ишларда эзгу ниятли, миллий ғурури тикланган, ўзига ишонган, қадди, қадри тик халқимизнинг муштарак мақсадлари, қатъияти бор. Инсон тафаккуридаги ватанпарварлик тушунчаси ўз она-заминига бўлган меҳр-муҳаббат туфайли шаклланади, юксалиб бораверади. Миллий ғурури баланд бўлган халқ Ватани шаънини янада юксакларга кўтаради, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Инсон учун Ватандан азиз маъво йўқ, Ватандан яхши ёр бўлмас.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан

ТУҒИЛГАН ЮРТ СЕҲРИ

Ҳар бир инсоннинг ўз жаннатул-маъвоси бор. Бу – унинг киндик қони тўкилган диёр. Ҳар бир инсоннинг хотира сандиғи бўлади. Болалик эса ана шу сандиқда сақланаётган энг ноёб гавҳардир. Бирор инсон йўққи, болалиги бол тотган хушнуд кунларни қўмсаб, энтикиб яшамаса...

Туғилган юрт тафти қайноқ, ҳатто гўдак кўз очиб кўргани уйининг шифтига ўрганиб қолса, бошқа уйда сокин ухлолмайди. Инсон киндик қони тўкилган гўшага ўлим тўшагида ётганида ҳам кучли маҳталлик сезаркан. Бу қондошлиқми, жондошликми, билмадим...

Кичкинагина Искандар хонтахта атрофида ўтириб, опаси билан сўз ўйини ўйнайди:

– Ч деганда нима келади?

– Чарос, – дейди опаси.

– Йўқ, Ч деганда Чанги келади, – ҳайқиради митти кўнгил.

Чанги – у туғилиб ўсган қишлоқ. Болакай ўзи туғилиб ўсган қишлоғини ҳамма «ч» ҳарфидан бошланадиган сўзлар шоҳи деб билади.

Туғилган юрт сеҳри шу қадар қудратли туйғуки, уни бошидан кечирмаганлар топилмаса керак. У ўз бағридан вулқондек отилган заррасини ҳам йиғиб олиши тайин.

– Хизмат тақозоси билан чет элларда сафарларда кўп бўлганман, – дейди истеъфодаги майор Эркин Эшмуродов. – Лекин ҳар гал Ўзбекистон ўзига оҳанрабодек тортаверади. Мен учун дунёнинг етти мўъжизасидан-да машҳурроқ бўлган Ўзбекистон ва унинг жаннатмакон гўшалари тенгсиз, танҳодир. Унинг ҳар қарич ерини кўзга суртгулик. Сафардан қайтибоқ, юртим ҳавосидан тўйиб-тўйиб симирардим, кўксим ёришиб, йўқотган нарсамни топгандек қувониб кетардим.

Ўзбекистон чин маънода жаннатмакондир. Мамлакатимизда сўнгги йилларда йирик иншоотлар, йўллар ва кўприклар, миллат таълими ва маънавияти учун хизмат қилувчи бир-биридан гўзал муассасаларнинг бунёд этилганлиги кўксимизни ифтихорга тўлдиради. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси ажойиб бунёдкорлик намунасидир. Бугун бу қутлуғ даргоҳ бағрикенг ва танти, меҳмондўст ва болажон халқимизнинг тимсоли сифатида зиёратчиларнинг кўнгил мулкига айланиб бормоқда.

Туғилган юртига ошиқмайдиган, уни соғинмайдиганлар бўлмаса керак. Отам айтган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Ҳамқишлоғимиз Қутлиберган отанинг тақдир тақозоси билан Фулжада акаси яшаб қолган экан. Тилдан қолган қария ўлим тўшагида ётганида нималарнидир айтиб ғудранар, аммо яқинлари уни тушунолмай аросатда эканлар. Беморни даволаётган табиб уни туғилган юртига олиб боришсагина осон жон беришини айтибди. Ўғиллари отасини Ўзбекистонга олиб келишибди. Не тонгки, қария киндик қони тўкилган тупроққа бош қўйиши ҳамоно чуқур хўрсиниб оламдан кўз юмибди.

Не-не зотлар, Ватандин айри тушган қалблар юрт соғинчида кетганлар. Уларнинг кўз ёшлари мавжида оққан орзу-армонлари бошқалар учун ибратдир. Ватан олдидаги фарзандлик бурчининг адоғи бўлмагани каби туғилган юрт сеҳрининг ҳам адоғи йўқдир.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА, «Ватанпарвар» мухбири.

ТЕХНИЧЕСКИЕ ЗНАНИЯ – МОЛОДЕЖИ!

Содействие дальнейшему укреплению оборонной мощи Вооруженных Сил нашей страны является актуальной задачей сегодняшнего дня. Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, говоря о сути реформирования армии, подчеркивал, что анализ существующих и потенциальных угроз в оборонной сфере обусловливает необходимость формирования мобильных, самодостаточных и хорошо оснащенных Вооруженных Сил, способных эффективно и надежно защищать мир и спокойствие нашей страны. Немаловажная роль в этом принадлежит Организации содействия обороне (ОСО) «Ватанпарвар» Республики Узбекистан. Особенно такая ответственная задача, как подготовка военно-технических специалистов для нашей армии, а также кадров массовых технических профессий для народного хозяйства, имеющих прикладное значение.

Не за горами осенний призыв-2006. Как подготовилась к нему республиканская оборонная организация? Об этом – беседа нашего корреспондента с заместителем начальника Управления военно-технической подготовки Центрального совета ОСО «Ватанпарвар» республики Шакиром ИСАЕВЫМ.

– Шакир Тахирович! Специалистов каких профилей вы готовите для Вооруженных Сил?

– Подготовка специалистов для нашей армии ведется у нас в республике в 27 объединенных технических школах и автошколах и в двух авиационных клубах. В них призывная молодежь обучается более чем 25 специальностям. Половина из них – это водители бортовых и специальных машин, парашютисты, специалисты связи. Появились новые специальности, необходимые Вооруженным Силам, – дизелисты-электрики, кавалеристы, вожатые служебных собак, повара и другие.

– Расскажите, пожалуйста, о роли учебно-материальной базы в подготовке специалистов для армии.

– За годы независимости многое сделано по подбору и обучению руководящих и инструкторско-преподавательских кадров учебных организаций. Повысилась роль методических и педагогических советов. Все больше и больше в учебный процесс внедряются технические средства обучения, создаются специализированные классы, оборудованные новыми образцами техники, включая устройства программированного обучения. Словом, созданная материальная база позволяет проводить занятия на уровне современных требований. В новом учебном году мы вводим 60-часовой курс «Основы информатики».

– Как быстро привыкают курсанты к новым условиям? Ведь порядок в ваших учебных организациях – армейский!

– Да, жизнь и учеба курсантов регламентируются согласно положениям Общевоинских уставов Вооруженных Сил. Каждое утро спешат на занятия будущие воины, и учебная организация словно превращается в воинское подразделение. Распорядок дня в школах действительно армейский. Перед началом занятий – развод. Перед курсантами ставятся очередные задачи. Звучат команды, группы расходятся по учебным классам или же уходят в рейс, занимаясь практическим вождением. В школах созданы все условия для обучения курсантов, их содержательного досуга, включая занятия физкультурой и спортом. Квалифицированные преподаватели, мастера своего дела осуществляют на высоком уровне учебно-воспитательную работу. Ребята быстро привыкают к строгому распорядку дня. А когда начинается их служба, их уже не пугают трудности армейской жизни.

– Какие структурные подразделения вашей организации могли бы отметить как лучшие?

– Успешно выполняют задания по подготовке специалистов для Вооруженных Сил все наши учебные организации. Но с лучшей стороны по итогам прошлого учебного года мне бы хотелось отметить Наманганский областной совет ОСО «Ватанпарвар», Ташкентский городской и Ташкентский областной советы. Каждый год мы проводим конкурс на лучшего руководителя учебной организации. В прошлом году победителями стали начальник Андижанской ОТШ Т.Джалалов, начальник Самаркандской ОТШ Х.Халиков и начальник Бухарской автошколы Ш.Шарапов. Областные советы, руководство школ в год 15-летия независимости проводят ряд необходимых организационных мер в целях дальнейшего улучшения качества подготовки военно-технических специалистов для Вооруженных Сил. Повсеместно расширяется учебно-материальная база.

– В системе ОСО «Ватанпарвар» заканчивается учебный год. С 1 ноября начинается новый 2006–2007 учебный год. Как вы готовитесь к нему?

– Недавно на базе Чирчикской автошколы проводили учебно-методические сборы с заместителями председателей по военно-технической подготовке облсоветов и начальниками учебных организаций. В их работе приняли участие руководители и специалисты Центрального совета и Министерства обороны. Сборы открыл полковник А.Абдукаххаров. Он поставил перед собравшимися конкретные задачи по совершенствованию подготовки военно-технических специалистов, улучшению организации учебного процесса, усилению воспитательной работы и правовой пропаганды. Были проведены методические занятия по подготовке и совершенствованию учебно-материальной базы, обсуждены многие другие вопросы, касающиеся подготовки к новому учебному году. Приятно отметить, что выступившие на сборах представители воинских частей тепло отзывались о наших выпускниках, которые быстро осваиваются в армейском строю, честно и добросовестно выполняют свой конституционный долг. Мы и в дальнейшем будем делать все от нас зависящее для повышения качества подготовки военно-технических специалистов для Вооруженных Сил нашей страны.

Беседовал Сергей БУДАЕВ.

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

ВИЛОЯТДА ОЛДИНГИ САФДА

Яна бир неча кунлардан сўнг мамлакатимиз аҳли ўз мустақиллигининг 15 йиллигини кенг нишонлайди. Ушбу байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида кўпчилик қатори мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши ходимлари ҳам баҳоли қудрат меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда вилоятда 4 та автомобиль мактаби, 19 та шаҳар-туман кенгашлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, ушбу байрам улар учун ҳам қадрлидир. Сабаби, вилоят кенгаши мустақиллик йиллари алоҳида ташкилот сифатида иш олиб бора бошлади. Яъни 2001 йилда вилоят кенгаши Тошкент шаҳри кенгашидан ажралиб, вилоятда мамлакат Қуролли Кучлари ва халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида енг шимариб ишга киришди.

Қисқа 5 йил ичида ташкилотда шундай юксак натижаларга эришилдики, бунинг замирида, албатта ташкилот аъзоларининг беқиёс хизматлари ётибди. Катта меҳнатлар натижасида вилоят кенгаши барча кўрсаткичлар бўйича 2005 йил якунларига кўра республикада 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда ҳам вилоят кенгаши тасарруфидаги ташкилотлар томонидан Низомда белгиланган вазифалар, тегишли қарор ва кўрсатмаларга таянган ҳолда ўқув спорт-техника клубларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тўгарак ва секциялар фаолиятини такомиллаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ушбу ютуқларни қўлга киритишда вилоятнинг Бўстонлиқ, Қибрай ва Қуйичирчиқ туманлари кенгашларида амалга оширилаётган ишларни айтиб ўтиш мумкин.

Айниқса, Бўстонлиқ тумани кенгаши фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Мазкур ташкилотнинг бир неча йиллардан бери олиб бораётган ибратли ишлари мақтовга лойиқдир. Ташкилот ходимларининг самарали меҳнатлари туфайли улар икки йилдан бери «Энг илғор туман кенгаши» номинацияси бўйича ўтказилаётган танловнинг вилоят босқичи ғолиби бўлмоқдалар. Ташкилотда бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, ёшлар орасида спортнинг техник ва амалий турларини тарғиб қилиш, унинг сир-асрорларини ёшларга ўргатиш масалаларида сезиларли ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани қайд этиш мумкинки, ташкилот фаолиятини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган Марказий Кенгашнинг 2005 йил 25 февралдаги Раёсат қарори ижросини таъминлашда ҳам кенгаш ходимлари вилоятда биринчилардан бўлдилар.

Бевосита қарор хусусида тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Оқсарой қароргоҳидаги маърузалари асосида ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга оид Марказий Кенгаш раисининг кўрсатмалари ташкилотлар фаолиятида туб ўзгаришларни амалга оширди, десак муболаға бўлмайди. Унинг асосида кенгашлар ва уларнинг тасарруфидаги клублар фаолиятида катта ижобий силжишлар рўй берди. Раҳбар ходимларга нисбатан янгича фикрлаш, ишга янгича ёндашиш зарурияти туғилдики, бу давр талаби эди.

Шу маънода ҳозир туман кенгашларида нафақат халқ хўжалигига мутахассислар тайёрлаш, балки шўъба корхоналар ташкил этиш орқали ташкилот молиявий аҳволини яхшилаш ва спортни ривожлантириш масалаларига эътибор берилмоқда. Бошқалар қатори Бўстонлиқ тумани кенгашида ҳам спорт ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, айни пайтда бу ерда 4 та спорт секциялари (ёзги биатлон, ўқ отиш, автомодель ва дуатлон) ишлаб турибди. Уларда 60 нафардан зиёд ёшлар мунтазам шуғулланмоқдалар.

ЧАҚИРИЛУВЧИ ЁШЛАР ЗАФАРИ

Маълумки, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг асосий вазифаларидан бири бу мамлакат Қуролли Кучлари учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашдир.

Ташкилот низомига қатъий амал қилган ҳолда вилоят кенгашидаги ташкилотларда ушбу масалага жиддий ёндашмоқдалар. Яъни вилоятда 4 та автомобиль мактабида белгиланган режа-топшириқларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ёшларни Ватанга садоқатли, меҳнатсевар, кучли спортчи ва ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишишларида вилоятдаги ташкилотларда кенг қамровли маънавий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказиб борилмоқда.

Жорий йилнинг июль ойида вилоятда ўсмирлар ва чақирув ёшидаги ёшлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Бу ўз навбатида республика мусобақаларига тайёргарлик ҳам эди.

6–9 август кунлари Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номли спорт мажмуасида ўтказилган республика мусобақасида вилоят вакиллари 16 та жамоа орасида 1-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Улар Марказий Кенгашнинг 1-даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Ушбу ютуқнинг яна бир қувонарли жойи борки, 2003 йилда Марказий Кенгаш томонидан кўчма кубок ташкил этилган эди. Вилоят спортчиларининг ушбу кубокни 4 йил ичида 3 маротаба қўлга киритганликлари таҳсинга лойиқдир. Бу йилги ғалабани қўлга киритишда курсантлардан Бекмурод Анорбоев (Ангрен), Қурбон Хўжаев (Янгийўл) ва Абдумўмин Кубаев (Келес)ларнинг хизматлари катта бўлди. Улар шахсий ҳисобда юқори натижаларга эга бўлиб, вилоят терма жамоаси ғалабасига ўз улушларини қўшдилар.

Мамлакатимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ишларни кўрар эканмиз, ҳамма юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида кенг қамровли яратувчанлик ишларини олиб бораётганликларининг гувоҳи бўламиз. Бизнинг ташкилот ходимлари ҳам ўзларининг меҳнат зафарлари билан мамлакатимизда тинчлик бўлиши, ёшларимизнинг келгусида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фарзандлар бўлиб етишишлари учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Аҳмаджон ҲОЖИНАЗАРОВ,
МК «Ватанпарвар» ташкилоти
Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

НОН БИЛАН... ДАВОЛАНИШ



Кимдир сизга нон билан бир қатор касалликларни даволаш мумкин деса... албатта ишонинг. Фақат нон истеъмол қилишдан олдин унинг турли хил микроэлементлар билан бойитилган ундан тайёрланганлигига ишонч ҳосил қилсангиз бас. Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан (Ўзбекистон Президенти томонидан 2005 йил 11 август куни қабул қилинган 153-сонли қарор) мана икки йилдирки шифокорлар «яширин очлик» деб атайдиган камқонликнинг олдини олиш борасида унни бойитиш бўйича Миллий Дастур амалга ошириб келинмоқда. Мазкур лойиҳа мамлакатимизда аёллар ва болаларда камқонлик – анемия даражасини 20%га камайтиришга қаратилган. Дастурга биноан 2004 йили республикамизнинг Жиззах, Хоразм, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида – 14 та йирик ун ишлаб чиқарувчи корхоналар махсус дозаторлар билан жиҳозланиб, уннинг темир ва микронутриентлар билан бойитилиши, яъни фортификация йўлга қўйилди.

– Ўзбекистонда фақатгина 1-навли ун бойитилади, – дейди унни бойитиш бўйича Миллий дастур координатори Олим Мирҳошимов. – Халқимиз нонни эъзозлайдиган, қадрлайдиган халқ. Дастурхонимизда мана шу азиз неъмат бўлмаса бизнинг бир кунимиз ҳам ўтмайди. 1-нав ун эса айни пайтда энг харидоргир ва истеъмолбоп нав ҳисобланмоқда. 2006 йилнинг июнь ойига келиб, бошқа вилоятларда ҳам ун бойитила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТ болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон банки ва «Ўздонмаҳсулот» ДАК ҳамкорлигида амалга оширилаётган Миллий Дастур республикамизда энг кенг тарқалган касаллик – анемияга қарши курашишда энг мақбул йўл бўлиб қолмоқда. Айни пайтда аҳоли ўртасида кенг қамровли ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилиб, бойитилган уннинг соғлиққа нақадар фойдалилиги ва темир моддаси, ёки бошқа микроэлементлар мавжуд бўлган дори-дармонлардан анча арзонлиги қайд этилмоқда. Бойитилган 1 килограмм унинг нархи бор-йўғи 1сўм 20 тийинга ошади. Уни мунтазам истеъмол қилиш эса темир, йод, фолий кислотаси танқисликлари, А витамини етишмовчилигининг олдини олади.

Бугунга келиб дунёдаги 191 мамлакатдан 48 тасида ун бойитилади. Ўзбекистон улардан биридир. Лойиҳани самарали амалга ошириш учун Глобал альянс томонидан ажратилган 2,8 миллион АҚШ доллари ҳамюртларимизнинг соғлиғини тубдан яхшилаш мақсадида сарфланмоқда.

– Бойитилган унни мунтазам истеъмол қилган оналар соғломлашиб, улардан соғлом фарзанд туғилади. Бу – келажакда юртимиз тинчлиги, Ватанимиз осмонининг мусаффолигини ҳимоя қилувчи жасур ўғлонлар, Ўзбекистон халқининг фаровон турмушига ўз ҳиссасини қўшувчи лобар қизлар демакдир, – деди биз билан суҳбатда Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти қошидаги Республика камқонлик маркази директори Дилором Сулаймонова. – Камқонлик кўзга кўринмайдиган, аммо хавфли касалликлардан биридир. Мен бежиз гапимни соғлом авлод ҳақида бошламадим. Чунки бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ҳомиладор аёллар ичида темир танқислиги анемияси билан касалланганларнинг сони 80%, туғиш ёшидаги аёлларда у 60%, мактаб ёшигача бўлган болаларда эса 57% ни ташкил этади. Қонда темир моддасининг етишмовчилиги оқибатида болаларнинг ақлий ривожланиши 5-7 баллга камаяди, улар тез-тез касалликка чалинувчан бўлиб, хотираси кучсизланади, иштаҳаси йўқолади, бош оғриб, соч тўкилиши, тирноқларнинг мўртлашуви кузатилади. Катталарда юқорида санаб ўтилган белгилардан ташқари ишчанлик қобилияти пасайиши, камқон аёлларда туғиш пайтида ўлим ҳолатларининг кўпайиши, 30-40 % анемия билан касалланган аёлларда оғирлиги меъёридан кам бўлган чақалоқларнинг дунёга келиши, фолий кислотасининг етишмовчилиги натижасида эса юрак-томир касалликларининг кўпайиши кузатилади. Буларнинг олдини олиш учун инсон тўғри овқатланиши ва овқатланиш маданиятига риоя этиши лозим. Масалан, темир моддаси дуккакли ўсимликлар, мева ва сабзавотлар, гўшт маҳсулотлари таркибида кўпдир. Лекин халқимизнинг анъанасига айланган овқат пайтида чой ичиш танамизга овқат орқали кираётган темир моддасининг 70-100% ювиб чиқарилади. Чой ва қаҳва таркибида бўлган танин моддаси темирнинг қонга сурилишини тўхтатади. Чойни овқатдан сўнг 1-1,5 соат ўтгач ичиш мумкин. Овқат пайтида эса қайнаган сув, мева шарбатлари, компот ичган маъқул. 2 ёшгача бўлган болаларга чой бериш умуман мумкин эмас. Темир моддасининг етишмовчилиги юқорида айтиб ўтилганидек, бола миясининг ривожига таъсир кўрсатади ва келажакда у тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Энг яхшиси доимо дастурхонимизда бойитилган ундан тайёрланган нон ва нон маҳсулотларининг бўлишидир. Унинг таркибидаги зарур микроэлементлар оналар ва болажонларимизнинг соғлиғини яхшилашга ёрдам беради. Унинг қанчалик нави паст бўлса, унда шунча кўп зарур моддалар мавжуддир. Мабодо юртдошларимизнинг айримлари олий навли Қозоғистон унини истеъмол қилишса, уни сотиб олиш чоғида ҳам уннинг бойитилган ёки бойитилмаганлигини сотувчидан сўрашлари лозим. Ўзбекистон синғари Қозоғистонда ҳам ун фортификация қилиниб, бундай қопларда «Соғлом маҳсулотлар» логотипи мавжуд бўлади.

Бойитилган ун оила саломатлиги гаровидир. Нафақат ўзимизнинг, балки фарзандларимиз ва яқинларимизнинг соғлиғи ҳақида қайғурар эканмиз, дорихонага югуришдан олдин дастурхонингизда доимо бойитилган ундан тайёрланган нонниинг борлигига эътибор берсангиз, кифоя. Шунда фарзандларимиз ҳам соғлом ва доимо хушчақчақ бўлишади.

Наргис ҚОСИМОВА.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



У резиденции – взрывное устройство

Таиландская полиция обнаружила накануне взрывное устройство в автомобиле неподалеку от резиденции премьер-министра страны. Задержан один подозреваемый, сообщает ИТАР–ТАСС. Управлявший машиной мужчина пытался убежать, но был схвачен. В автомобиле, по словам представителей полиции, находились две динамитные шашки общим весом 900 граммов.



Версии катастрофы ТУ-154

Среди возможных версий крушения пассажирского самолета ТУ-154 под Донецком рассматривают: на высоте около 11 км что-то произошло, а неуправляемый штопор уже стал следствием ЧП в воздухе. Им могла стать разгерметизация самолета вследствие слабого взрыва, удара молнии, сильной турбулентности или любой иной причины. Версия теракта на борту самолета пока всерьез не рассматривается, однако она и не отбрасывается совсем, пишет газета «Коммерсант». Существует предположение, что злоумышленники могли не взорвать, а поджечь самолет, используя какую-то горючую жидкость.



Требование к СБ ООН

Арабские страны предложили провести специальное заседание Совета Безопасности ООН на уровне министров иностранных дел с тем, чтобы рассмотреть пути вывода из тупика ближневосточного мирного процесса. Такое заседание, указывается в их обращении, можно было бы провести между 19 и 25 сентября, когда главы МИД соберутся в Нью-Йорке на открытие Генеральной ассамблеи ООН, передает Интерфакс.



Ранен один из лидеров

Израильский спецназ серьезно ранил влиятельного лидера палестинских боевиков Хусама Джарадата, сообщают палестинские источники. По словам свидетелей, израильские спецназовцы открыли огонь по Джарадату из движущейся машины и скрылись. Пресс-служба Армии обороны Израиля не комментирует данные сообщения. По их данным, лидер «Бригад Аль-Кудс», боевого крыла «Исламского джихада», госпитализирован с тяжелыми ранениями.



Новое загрязнение Сунгари

Новый инцидент с химическим загрязнением реки Сунгари, впадающей в Амур, зафиксирован на северо-востоке Китая. Как сообщает газета «South China Morning Post», недалеко от города Цзилинь один из химзаводов нелегально сбросил в воды реки Манню – притока Сунгари – большое количество неочищенных производственных отходов, содержащих производные бензола, включая ядовитое вещество анилин. По утверждениям китайской стороны, «ситуация взята под контроль».



«Недостаточный» ответ на предложение

Администрация США подвергла критике ответ Ирана на предложение «шестерки», назвав его «недостаточным» по сравнению с теми требованиями, которые были изложены в соответствующей резолюции СБ ООН. С таким заявлением выступил официальный представитель госдепартамента США, по словам которого администрация Буша сейчас проводит консультации с другими странами–членами СБ ООН в отношении возможных действий после получения ответа Ирана.



Корабль «Орион»

Американское космическое ведомство «NASA» официально объявило, что новый корабль, который доставит астронавтов на Луну и Марс, назван «Orion» («Орион»). В конце 60-х – начале 70-х годов на спутник Земли американцы высаживались с помощью «Аполлона». «Orion» создается для того, чтобы транспортировать новое поколение исследователей на Луну, а потом и на Марс. «Orion» придет на смену шаттлам в качестве основного корабля для освоения человеком космического пространства.



Красители вредны для детей

Искусственные красители в детских лакомствах – ярких конфетках и напитках – делают детей излишне активными и неуправляемыми. К такому выводу на основании проведенного исследования пришли британские ученые. Эту задачу удалось решить ученым из Саутгемптонского университета. Все это время 277 детей в возрасте от 3 до 4 лет находились под контролем медиков и родителей. Пищевые консерванты и красители разрешены во многих странах. Необходимо дальнейшее изучение этого вопроса, хотя подобные исследования очень сложны.

(www.NEWSru.com).

ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

НЕЗАВИСИМОСТЬ – В МОЕЙ СУДЬБЕ

15 СРОДНИЛСЯ С АРМИЕЙ

Обретение моей Родиной независимости самым благоприятным образом отразилось на моей судьбе. Никогда не забуду день принятия мною Военной присяги, ведь это был день клятвы на верность славным традициям моих великих предков – Амира Темура, Джалолиддина Мангуберди, Захириддина Мухаммада Бабура, Мирзо Улугбека, Навои и многих других.

Впрочем, наверное, по-другому и быть не могло. Мне доставляла огромное удовольствие срочная служба в армии, ведь я с детства был воспитан на уважении к ратному труду людей в погонах. Дело в том, что мой папа – военный пенсионер, отдавший 27 лет своей жизни службе в Вооруженных Силах. Сейчас в Северо-Западном военном округе служат младшими сержантами мой брат Тимур и сестра Тамара. Их пример ревностного служения Отчизне всегда привлекал меня.

Возможно, именно поэтому после окончания срочной службы я тоже подал рапорт по команде. И вот уже полгода я нахожусь в рядах военных профессионалов. Очень надеюсь быстрее заслужить право на обучение в школе подготовки сержантов, чтобы получить новые знания, приобрести навыки по избранной специальности, расширить свой кругозор.

Чем меня, молодого человека, привлекает служба в армии? Прежде всего, дисциплиной и порядком. Дисциплина – важное нравственное качество личности, которая характеризуется ответственным отношением к делу, выдержкой и самообладанием. А еще войсковым товариществом, когда сослуживец всегда готов подставить плечо в трудную минуту.

Рядовой по контракту Руслан ТАДЖИМУРАТОВ.

НАЙТИ СВОЕ МЕСТО В МИРЕ

Независимость, по моему суждению, не только предоставила нашей Родине право выбора своего пути экономического и политического обустройства, но и дала великий шанс найти свое место в мировой «табели о рангах», занять достойную себя позицию в системе мировых координат.

Лично мне независимость дала ощущение свободы, гордости за нашу свободную нацию, веру в свои силы, в светлое и счастливое будущее. Дала возможность получить образование в престижном вузе, перспективу стать преуспевающим специалистом. В настоящее время я учусь. Перешла на второй курс факультета международных экономических отношений Ташкентского государственного института востоковедения.

Независимость дала раскрыться и потенциалу наших замечательных наставников. Например, доктор наук Алишер Сиддиков является для нас примером всесторонне развитой личности, признанным авторитетом как в макроэкономике, так и в экономике Узбекистана. А доктор математических наук Лев Югай в свои студенческие годы был мастером спорта, чемпионом Узбекистана.

Есть на нашем факультете парни, прощедшие срочную службу в армии, которые гордятся тем, что независимость дала им право называться защитниками суверенного Узбекистана. В ответ на эту заботу студенты искренне стремятся качественно овладевать знаниями, чтобы в будущем достойно представлять независимый Узбекистан на самом высоком международном уровне, способствовать тому, чтобы наша страна активно интегрировалась в мировое сообщество наций.

Евгения БАЛТАЕВА, студентка.

«ВАТАН» СЎЗИН ДИЛИНГДА УЛУҒЛА



Ҳар йили ўқишдан таътилга чиқсам, туғилиб ўсган қадрли гўшам гўзал Фарғонага йўл олишдан аввал юртимиз бош майдони бўлмиш Мустақиллик аркасини зиёрат қилишни хуш кўраман. Бу ер кейинги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан ниҳоятда гўзал бир масканга айлантирилди. Қўли гул усталар томонидан бунёд этилган бетакрор манзара ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди. Мен қачонки бу майдонга келсам кўнглимни чексиз бир қувонч чулғаб олиб, юртимиз янада чирой очиб бораётганини қалбимнинг туб-тубидан ҳис этаман.

Курсдошим Умиджон Тулибоев билан Мустақиллик аркасини зиёрат қилганимиз, бир зум бўлса-дақалбимизни шодумонлик тарк этмади. Гўзал фавваораларни томоша қилиб, Сенат биноси тарафга йўл олганимиз, тўсатдан болалар уйининг бир гуруҳ мактаб битирувчиларига рўбарў келдик. Турли миллат ва элатга мансуб бу йигит-қизларни бизнинг ҳарбий либос қизиқтириб қўйганди. Назаримда, мардлар касби ҳисобланмиш ҳарбийликка улар бефарқ эмасди. Ота-она меҳрини олиб улгурмаган бўлса-да, Ватан меҳри-ла улғайган бу ёшларнинг қалбида юртга хизмат қилиш иштиёқи баланд эканлиги уларнинг порлаб турган кўзларида намоён эди.

Уларнинг «Қандай қилсак, сизлар каби курсант бўламиз?», «Қайси фанларни мукаммал билишимиз лозим?» деган саволларига жавоб берарканман, ўзимнинг курсант бўлиш ниятида олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топширган кезларим беихтиёр эсимга тушди.

Яқинларимнинг «ҳарбийлик машаққатли соҳа», дея менинг ҳарбий билим юртига ҳужжат топширишимга қаршилик қилишига қарамай, болаликдаги учувчи бўлишдек орзуимни ушалтириш мақсадида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига (ЖОҲАБЮ) борганимни ҳеч эсимдан чиқармайман. Бировнинг кўмагисиз курсантлик либосини кийганимда дўстларим менга ҳавас қилишди. Чунки, кўпчилик ҳарбий билим юртига «таниш»ларсиз кириб бўлмайди дея ўйлашарди. Мен соҳага меҳр қўйиб, ўз билимим билан курсант деган номга сазовор бўлиш баробарида беҳуда гапларга чек қўйгандим-да.

Ушбу илм масканида фидойи устозлардан замонавий ҳарбий техникалар сирини ўргандим. Айниқса, курсантларга амалий ва назарий билим бериш билан бирга, мураккаб вазиятларда уларга акалардек ғамхўр офицерлар – Абдуғани Ҳамидов, Илёс Элматов, Фарҳод Мамажонов, Олимжон Қултоев ҳамда Зоҳид Исмоиловларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Ҳа, ана шундай бағрикенг офицерлар менга ҳақиқий ўзбек ҳарбийси қандай бўлиши кераклигини ўргатишди, мустақил ҳаёт борасида сабоқ беришди, қалбимда мардлик учқунини алангалатдилар.

Мен Мустақиллик майдонида ҳарбийликка қизиққан укаларимга буни ҳеч қандай бўёқларсиз, борича ифода қилдим. Суҳбатимиздан сўнг уларнинг ҳарбийликка бўлган қизиқиши янада ортганлиги чақноқ кўзларида акс этиб турарди. Шуни айтишим мумкинки, юртини чин дилдан севиб, «Ватан» сўзини қалбида улуғлаган, ҳар қандай шароитда ҳам киндик қони тўкилган заминдан фахр ҳиссини туя оладиган, мард ва жасур фарзандларгина юртига муносиб посбон бўла олади, уни ҳимоя қилади.

Нуриддин НАЗАРБОЕВ, ЖОҲАБЮ 3-босқич курсанти.

ҚАТЪИЯТЛИЛИК САМАРАСИ



Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида истиқомат қилувчи Эркиновлар оиласини кўпчилик яхши билади.

Эркин ака ва Замира опалар беш фарзандини ҳалол едириб-ичириб, вояга етказмоқдалар. Буни қарангки, тўрт ўғилдан учтаси ҳаётини ҳарбийлик билан боғлаган. Илҳом ва Жаҳонгирлар Қуролли Кучларимиз офицерлари бўлишса, кенжа ўғил Фаррух – курсант. Биз айнан олий ҳарбий билим юртида таҳсил олаётган йигит хусусида фикр юритмоқчимиз.

Фаррухнинг касб танлаш борасида иккиланмаганлигини тушуниш қийин эмас. Ахир акалари – юрт посбонлари, миллий армиямиз офицерлари. Уларга ҳавас қилмай, улардан ўрнак олмай бўладими?! Бироқ ҳаётда доим ҳам биз хоҳлаган, режалаштирган ишлар амалга ошавермаслигини яхши биламиз. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти бўлиш умумтаълим мактабини тамомлаган йили насиб этмади, укаға. Бундай ҳолатга тушган инсон кўпинча умидсизликка, тушкунликка тушиши мумкин. Аслида эса, мустаҳкам ирода, ўзига, кучига ва салоҳиятига бўлган ишонч айнан қийин вазиятларда намоён бўлади. Руҳий тушкунлик кайфиятидан фориғ бўла олиш катта куч ва матонатни талаб этади. Фаррух ҳам танлаган йўли ва қароридан чекинишни истамади. Аксинча янада ғайрат ва интилиш билан синовларга, имтиҳонларга тайёргарлик кўрди. Астойдил қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериши муқаррар. Шундай бўлди ҳам. Орадан бир йил ўтгач, кўзланган марра забт этилди.

Маълумки, киши эришилган ютуқларига қаноат ҳосил қилиб, ўз устида ишламас экан, ўсишдан, ривожланишдан тўхтайди. Буни яхши тушунган ўғлон эндиликда намунали ва аълочи курсант бўлишни, ҳарб илмини пухта ўзлаштиришни, сафдош дўстларига ўрнак бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Қувонарлиси, бунинг ҳам удасидан чиқмоқда.

Курсант Эркинов тўғрисида олий ҳарбий билим юрти устоз офицерлари жуда илиқ фикр билдиришди. Жамоат ишларида фаол, тиришқоқ, изланувчан, ташкилотчи, фидойи, қатъиятли деган таърифлар кўп айтилди.

Ўзининг намунали ўқиши ва фаолияти учун билим маскани қўмондонлиги томонидан бир неча бор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган Фаррух «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан саналади. Жорий йилда айнан у олий ҳарбий билим юрти курсантлари орасидан юқоридаги ташкилот стипендиантларидан бири бўлди.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

КАЖДОМУ ПО СПОСОБНОСТЯМ

Еще совсем недавно абитуриенты по всей республике изнывали от бесконечной зубрежки и ежесуточной порции «Вестников». Но прошло 1 августа, и у всех уже совсем другие заботы – на уровень гамлетовского «Быть или не быть?» вышло «Поступил или не поступил?». Те, кто подсчитал число правильных ответов, беспокоились не меньше тех, у кого из головы все вылетело в момент сдачи листа ответов: конкуренция как-никак сильная. На помощь извне надежды не было: ужесточенные условия допуска абитуриентов на тесты «лишили» молодежь шпаргалок, калькуляторов и сотовых телефонов. Но разве это помеха для того, кто знает цену своим знаниям? Конечно, нет! Однако же не волноваться тяжело: разум твердит, что нервные клетки не восстанавливаются, а сердце... ему, как всегда, не хочется покоя. Государственный центр тестирования в очередной раз затянул с результатами, но 16 августа «судный день» таки настал.

Ташкентский юридический институт, 9 часов утра. Огромная толпа абитуриентов и их родителей тянется через весь сквер Амира Темура до внутреннего дворика. Все в ожидании. Наконец выносят несколько стендов с листами. Проверив лист по десять раз и не найдя там своей фамилии, некоторые падают в обморок или начинают пинать полуторавековые камни здания института. Совсем иная реакция у поступивших.

Интересное зрелище можно было увидеть и около **Педагогического университета имени Низами.** Здесь самый большой конкурс по республике – 15 человек на одно место, но это не останавливает абитуриентов. Близлежащий парк имени Бабура полон народа – одни бегут на аттракционы, сияя от счастья, а другие – чтобы в быстром полете или высоко над землей выплакаться вдоволь.

Медицинская академия – весьма популярное учебное заведение, поступить в которое очень и очень нелегко, но возможно. Вот и сбылась мечта о белом халате у Ольги из столицы. «Я с детства хотела стать хирургом. Повзрослев, поняла, что пластическая хирургия – самое то, – признается девушка. – Мои родные поддержали мое желание. Через семь лет я стану настоящим хирургом!»

Большой ажиотаж вызвало открытие в Узбекистане филиала **Московского государственного университета имени М.В.Ломоносова.** На факультеты прикладной математики и психологии подали документы чуть меньше 1000 абитуриентов, хотя мест было всего 80. И в результате поступили только 52 человека, большая часть которых будет обучаться бесплатно – на основе государственных грантов. Дело в том, что политика приема в филиал требует прохождения определенной планки. И если абитуриент не добрал необходимое количество баллов, это означает, что уровень его знаний ниже требуемого и не соответствует уровню данного учебного заведения.

...Итак, результаты объявлены, апелляции поданы, а ведь учебный год совсем не за горами – осталась неделя. Тогда поступившие будут усердно «грызть гранит науки», а не поступившие начнут новый раунд подготовки. Как бы то ни было, и тем и другим можно пожелать одного – удачи!

Рамиль ИСЛАМОВ.

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН – АҲИЛ ОИЛА»

Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида «Отам, онам ва мен – аҳил оила» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисмлар ва сержантлар тайёрлаш мактабининг офицерлари иштирок этишди. Кўрик-танловда Аҳмедов, Қурбонов, Масленников ва Эргашевлар оила аъзолари турли шартлар бўйича қизғин беллашдилар.

Кўрик-танловнинг биринчи шартиданоқ эпчиллар сараланди. «Калейдоскоп», яъни ҳар ким ўз командасига тегишли рангларни топиш бўйича белгиланган вақтда Масленниковлар ва Эргашевлар ўз уддабуронликларини намойиш этдилар. «Кичик габаритли хонадон» шарти жудаям қизиқарли ўтди. Унда ота-она ва фарзанд бир газета ҳажмича жойга сиғиши керак. Сўнгра эса газетанинг ярмича ҳажмга жойлашиш, хуллас, бу шартнинг бажарилиш жараёни йиғилганларда завқ уйғотди. Ким таомни тез ейди, ким гулдастани чиройли ясайди ва ким қайси куй-қўшиқни яхши кўради каби шартларда ҳам ўзига хослик сезилди.

Кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритган капитан Нажмиддин Қурбонов ва рафиқаси Холидахон Қурбоновалар муносиб тақдирландилар. Мазкур кўрик-танловни офицерлар уйи ходимлари бундан-да юксакроқ савияда ташкиллаштиришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан кейинги тадбирларнинг жонли ва қизиқарли ўтишига умид қиламиз.

Алишер МАТЁҚУБОВ.

НИҲОЛ – 2006

ЮКСАКЛИККА ЧОРЛАР ЁШЛАРНИ



Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби маънавиятимизга ҳам алоҳида эътибор берила бошлади. Айниқса, миллий санъатимизни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ, бир қатор ёш ижодкорлар кашф қилинди ва қилинаётир. Президентимизнинг ташаббуси билан ёш умидли санъаткорларга «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилганига ҳам мана етти йил бўлди. Ўтган давр давомида бундай юксак мукофотни қўлга киритган ёшлар ўзбек санъати ривожига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Қолаверса, санъатимизни жаҳонга олиб чиқишяпти.

– Айтишимиз мумкинки, «Ниҳол» мукофоти ёшларимизга қанот бўлмоқда, – дейди биз билан суҳбатда композитор Дилором Омонуллаева. – Ҳозиргача бу мукофотни етмишдан ортиқ ёш ижодкорлар қўлга киритган бўлиб, улардан ўн нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

18 август куни муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида «Ниҳол–2006» мукофотининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Миллий санъатимиз ривожига ҳисса қўшиб, ўз услуби ва ўз ўрнига эга бўлган 15 нафар умидли санъаткорлар ушбу юксак мукофот соҳибига айланишди. Уч босқичда ўтказилган кўрик-танловда иштирокчилар санъатнинг анъанавий ижрочилик, бахшичилик, миллий рақс ҳамда эстрада йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

– Ижодимнинг бундай юксак мукофотга муносиб топилиши мени ниҳоятда ҳаяжонлантириб юборди, – дейди анъанавий ижрочилик бўйича «Ниҳол–2006» мукофотини қўлга киритган сирдарёлик ёш санъаткор Сардор Гулҳайдаров. – Мендан аввал ушбу мукофотни қўлга киритган хонандаларга ҳавас қилардим. Энди ўзим ҳам бундай юксак эътиборга лойиқ топилганимдан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Менга нисбатан билдирилган бу ишончни албатта оқлайман.

– Менинг ижодим, Президентимиз томонидан таъсис этилган бундай мукофот билан тақдирланганидан ҳаяжондаман, – дея хурсандчилигини яшира олмайди, хонанда Ҳулкар Абдуллаева. – Бунинг учун ижодимни қадрлаган барча инсонларга катта раҳмат. Бундайин эътибор энди мени янги-янги қўшиқлар яратишга ундайди.

– Ёш ижодкорлар санъатини янада кенгроқ ривожлантиришга имкон яратиб берган Президентимизга катта раҳмат, – дейди эстрада йўналиши бўйича «Ниҳол–2006» мукофотини қўлга киритган яна бир истеъдодли хонанда Сардор Раҳимхон. – Биз ёшлар бундай ишончдан илҳом олиб, янги-янги ижод намуналаримизни халқимизга туҳфа қилишда давом этамиз.

– Чекка вилоятларда ижод қилаётган ёшларга ҳам бундай мукофотнинг берила бошлагани айни муддао бўлди, – дейди фарғоналик ёш хонанда «Ниҳол–2006» мукофоти соҳиби Анвар Ашуров. – Чунки, чекка қишлоқларда ҳам истеъдодли ёшлар кўплаб топилади. Бундай эътибор ёш ижодкор қалбидаги учқунни алангалатиб юборади.

«Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган ёшларни анъанага содиқ қолган ҳолда санъатимиз салафлари тақдирлашди. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос маъноси бор. Чунки бу анъана ҳар бир ёшни ўша инсондек санъатга меҳр қўйиб, фидойиларча хизмат қилишга ундайди.

– «Ниҳол»ни қўлга киритган ёшлар «Санъатим шундай мукофот билан тақдирланди, менга шунинг ўзи етарли», деб ўйлашмасин, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева. – Уларнинг гарданига аввалгига нисбатан икки-уч баробар масъулият юкланди. Энди ёшлар ушбу ишончни ўз истеъдоди, маҳорати ва фидокорона меҳнатлар билан оқлашлари лозим.

Холида БЕКНАЗАРОВА.



МОЯ НЕДЕЛЯ



Зафар АСМАНХОДЖАЕВ, студент Института искусств: «Мое внимание привлекла удивительная выставка испанских художников. Работая в Музее имени Савицкого в Нукусе, они ближе соприкоснулись с нашей традиционной культурой и выразили свои впечатления в привычной для них форме – на холстах. И получилось нечто поразительное, ведь они – представители авангарда. На картинах смешалось все: время, люди, здания, но сделано это так умело, что хочется смотреть, не отрываясь. Это действительно настоящее искусство, которое интересно увидеть».

Элеонора ЗАВЬЯЛОВА, домохозяйка: «Не могу не поделиться своим восторгом по поводу выставки «Свадьба года». Сколько там было всего! Какие необыкновенно красивые, роскошные платья, украшения – все самое лучшее, неповторимое. Особенно радостно все-таки было видеть счастливые молодые пары, которые приходили не просто полюбоваться, но уже выбрать что-то для главного мероприятия своей жизни. Невольно заряжаешься энергией, хорошим настроением, когда видишь влюбленные глаза, светящиеся таким искренним счастьем!»

Шавкат ЮЛДАШЕВ, кинорежиссер: «Главным сюрпризом для меня стало получение специального приза жюри Ереванского международного молодежного кинофестиваля. Я думать не думал о таком, когда отправлял свой фильм «Чинара» на смотр – просто хотел проверить, испытать собственные силы. А потом мне неожиданно сообщают о награде, и я был чуть ли не в шоке. Конечно, это очень и очень приятно, я горжусь тем, что был удостоен подобной чести и буду стремиться работать еще лучше».

Антон СЕСЛАВИНСКИЙ, абитуриент Медицинской академии: «На днях стали известны результаты тестовых испытаний в вузы, и я – поступил! Это, наверное, лучшая новость за последний год – безумная зубрежка, постоянные занятия с репетиторами, а еще надо было успевать хорошо учиться. А после выпускных экзаменов вообще творилось что-то невероятное – казалось, что я ничего не помню и обязательно провалюсь. Но прошли тестовые испытания. И теперь конец «мучениям» – я стал студентом, пусть и на контрактной основе».

Михаил РОГАТКИН, предприниматель: «Я рад, что уже заканчивается строительство моста на пересечении Малой кольцевой и улицы Дружбы народов. Это нужное дело, облегчающее жизнь многим водителям. Хорошо, что у нас постоянно строятся дороги, обновляются уже существующие магистрали».

Ведущий рубрики Роман РОМАНОВСКИЙ.

МАЪНАВИЯТ



ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Рядовой по контракту Екатерина Юмашева в свое время училась в Ташкентском педагогическом университете имени Низами на факультете «Педагогика и психология», успешно окончив это учебное заведение. Она является соискателем научной степени кандидата психологических наук.

Многие предрекали Екатерине большое будущее в научной и педагогической работе. Однако девушка предпочла службу в рядах Вооруженных Сил. Теперь она все знания и умения успешно применяет в нелегком ратном труде.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

МУҚАДДАС БУРЧ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан Навоий гарнизони ҳарбий қисмида аскарлар ва Навоий вилоят ҳокимлиги «Маънавият ва маърифат маркази» тарғиботчилар гуруҳи раҳбари Б. Саидов, вилоят мутахассиси А. Арзиқулов, шаҳар «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Рўзиқулов, шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Н. Арзиев ва шаҳар «Камолот» ЁИҲ ходими Б. Холмуродов иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир» мавзусида бўлиб ўтган ушбу суҳбат давомида йиғилганлар истиқлол йилларида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, мустақилликни асраш ва мамлакатимизнинг ҳудудий дахлсизлигини ҳимоя қилиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг конституциявий бурчи эканлиги хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Давра суҳбати аскарлардан иборат санъат ихлосмандларининг куй-қўшиқларига уланиб кетди.

Майор М. АШУРОВ.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Сирожиддин Саййиднинг «Кўксимдаги зангорларим» шеърий китобидан ўрин олган қуйидаги ижод намунаси кўпчилик қатори сизга ҳам жуда манзур бўлишига ишонамиз.

ВАТАН ДЕСАМ...

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,
Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш.
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг заҳматлари, тақдирлари,
Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари.
Эй, онамнинг тупроққина тандирлари,
Иситгансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанни зар тўнига енг этмишдир,
Ким бағрини осмонлардай
кенг этмишдир.
Яратганнинг ўзи бугун тенг этмишдир,
Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмоқдадир – Бобурми ё?
Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўнё,
Кўриб келди, бундан сўнг
ҳам кўрсин дунё
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,
Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш,
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Нечун ўтмоқ ҳасад экиб умрларга,
Дилни ўраб ғараз, риё – кўмирларга?
Ҳавас қилиб яшанг улуғ Темурларга,
Эл билгайдир шонларини, шонларини.

РАНГЛАР ЖИЛОСИДА ВАТАН СУРАТИ

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрамини нишонлаш арафасида. Ҳар жабҳада янгиланиш, ўзгариш, тараққиёт нафаси сезилади. Ватан сувратини қалбига жо этган инсон борки, у ўз юртининг ҳар қарич тупроғидан ўзига хослик, гўзаллик ва тароват топади. Тасвирий санъатда мусаввирларимиз асосан табиат гўзалликлари, юрт кенгликлари, тарихий ва замонамиз қаҳрамонларини завқ-шавқ билан тасвирлаб берарканлар, уларни томоша қилган ҳар битта уйғоқ қалбда ватанпарварлик ҳисси жунбушга келиши тайин.



23 август куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида очилган бадиий кўргазма бу тасаввурларимизни янада бойитади. Музей бошлиғи подполковник Содиқ Ортиқов бадиий кўргазмани очиқ деб эълон қиларкан, барчани Мустақиллик байрами билан табриклади. Мустақиллик шодиёнаси арафасида очилган мазкур кўргазмага тақдим этилган полотноларнинг аксариятида Ватан чизгилари акс этади. Мозийдан садолар, тарихий обидаларимиз, бизни ўраб турган борлиқ гўзаллиги ва табиат манзаралари ғоят мафтункор. Мойбўёқда ишланган суратларнинг барчасидан Ватан мавзуси ўрин олган. Кўргазмага асарлари тақдим этилган рассомларнинг барчаси маҳорат мактабидан ўтиб бўлишган. В. Акудиннинг «Бурчмулла», «Шаршара», «Бурчмуллада куз», Р. Аюповнинг «Угом дарёси», Р. Матевосяннинг «Олтин Касарма», Н. Ильченконинг «Чимён», «Дераза олдида», Е. Годецкийнинг «Қизил қарағат», Г. Мордвинцевнинг «Кузги гулдаста», А. Тошпўлатованинг «Қуёш остида», А. Батиковнинг «Зарафшон чўллари», В. Родининг «Натюрморт»лари, В. Бурмакиннинг «Оналик» деб номланган мойбўёқда ишланган полотнолари, В. Лисовнинг «Анор ва узумлар» деб номланган сопол идишларга берган нафис жилоси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Мен асосан тарихий мавзуларда қалам тебратаман. Спитамен, Гўрўғли, Алпомиш каби тарихий қаҳрамонларимизнинг улуғвор сиймоларини аскар ўғилларимга етказиш бахтига мушарраф бўлганимдан бахтиёрман, – дейди рассом Муборак Йўлдошев. – Бу каби кўргазмаларда кўп марта иштирок этганман. Аммо бугун аскарлар ва ҳарбийлар ҳузурида Ватанни севиш, уни ардоқлаш ҳақида тўлиб-тошиб гапирар экансан, ўз навбатида чизган расмларимнинг барчасида она юртим талқини борлигини ва ҳар гал янги асаримга нуқта қўйганимда уни янада севишимни англашимни айттим келади. Инсон учун Ватандан азиз нима бор?

Музей қошидаги Фахрийлар кенгаши раиси, рассом, истеъфодаги майор Е. Годецкий бу тахлит кўргазмаларнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўрни муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Айниқса, Шарқ аёли, бахтиёр онанинг қўлидаги мурғак гўдаги билан истиқболи порлоқ юрт кенгликларига масрур боқиб турганини моҳирона тасвирлаган академик В. Бурмакиннинг «Оналик» деб номланган асари кўргазмага ўзгача кўрк берди. Асар мухлислари рассомни улкан муваффақияти билан қутлашди. Ҳарбийларнинг кўргазмадан олган таассуротлари чексиз.

Полотноларда ранглар билан бирга, рассомнинг меҳру муҳаббати, юрак қўри тўкилган. Кўргазмага тақдим этилган суратларда Ватанга муҳаббат, табиат нозу неъматларига шукроналик мужассам. Саксон ёшдан ошган мусаввира А. Ревеснинг «М.Ашрафийнинг «Рустам ҳақидаги қисса» балетига эскизлар»ини кўриб, инсон маънавий дунёсининг бойлигига, тафаккурининг серқирралигига ва эстетик дидига қойил қоласиз. Таниқли рассом В. Родин ўз «Натюрморт»ларини сидқидилдан музейга совға сифатида топширди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан меҳмонларнинг барчаси Истиқлолнинг азиз неъмат эканлигини, Ватанимизнинг равнақи йўлида бор куч-ғайратларини сарфлашга ҳамиша камарбаста эканликларини изҳор этдилар. Тасвирий санъатнинг нодир намуналари эса йиғилганларнинг кўнгил мулкига айланиб қолиши табиий.

Аъложон ҚЎЧҚОРОВ.
Капитан Дилявер АБЛАЕВ суратга олган.

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ ҲУКМРОН

Мустақил, озод, ҳур, эркин... Шукроналар бўлсинки, ушбу сўзларнинг ҳар бири бизга, Ватанимизга, элимизга дахлдор. Уларни баралла айтишимиз, фахр ва ифтихор билан тилга олишимиз мумкин, шундай бўляпти ҳам. Барчамиз мустақил диёр фуқаросимиз, келажаги буюк давлат фарзандимиз. Фахрланишимизга сабаб нафақат улуғ ва тарихда ўчмас из қолдирган аждодларимиз, уларнинг бой адабий мероси ва қилган оламшумул ишлари балки, эришилаётган ютуқлар, забт этилаётган янги-янги марралар, турли соҳалардаги муваффақиятлардир. Шуларнинг барчаси суверенитет қўлга киритилгани самараси, бунёдкор ва жонкуяр ватандошларимиз меҳнати, фаолияти мевасидир. Айнан шунинг учун бебаҳо бойлик, буюк инъом, дея, мустақиллик, энг улуғ ва азиз байрам эса Мустақиллик байрами дея эътироф этилади. Маълумки, жойларда ушбу байрамга бағишланган ранг-баранг тадбирлар ўтказилмоқда. Нукус гарнизони офицерлар уйида бўлиб ўтган ижодий учрашувлар ҳам мазкур айём олди тадбирларидандир.

Қорақалпоқ ёзувчиси, таниқли публицист, серқирра ижодкор Ўразбай Абдураҳмонов ва шоиралар Набира Тўрешева, Фотима Мирзабоевалар иштирокидаги «Бу муқаддас замин – менинг Ватаним» номли ижодий учрашув йиғилганларда жуда катта таассурот қолдирди. Янги шеърлар, ижодий намуналардан баҳраманд бўлган томошабинлар ҳар чиқишни гулдурос қарсаклар билан қарши олдилар.

Шунингдек, «Мен ўзбек фарзандиман» мавзусидаги ижодий учрашув меҳмони Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Гулбаҳор Аҳимбетова иштирокидаги тадбир ҳам савол-жавобларга бой бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар хизматчиларига жуда манзур бўлди.

Ҳа, яқинлашиб келаётган умумхалқ айёми шукуҳи юртимиз бўйлаб кезмоқда. Ватандошларимиз дилларида, кўнгилларида эса, кўтаринкилик, жўшқинлик ва байрамона кайфият ҳукмрон. Байрам муборак бўлсин, юртдошлар!

Капитан Бахтиёр ШАМУРАТОВ.

СОҲИБҚИРОН АВЛОДЛАРИГА САБОҚ

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан ташкиллаштирилган «Ватанни севмоқ иймондандир» деб номланган марафон вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Амир Темур халқаро илмий экспедиция раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаев давлатимизнинг қадим тарихи, Соҳибқирон бобомизнинг ташқи ва ички сиёсати, унинг биринчи бўлиб мунтазам армия тузгани хусусида ғурурланиб гапирди. «Ёш куч» журнали бош муҳаррири Юсуф Жўраев курсантларга Ватан олдидаги бурчларининг нақадар муҳимлигини таъкидлади. Шоир Бобур Бобомуроднинг она Ватан, муҳаббат тўғрисидаги ўтли шеърлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими, исломшунос олим Собиржон Орзиқулов ва Фаррухжон Ғаниевлар ҳарбийларни байрам муносабати билан табриклаб, уларга диний экстремизм, терроризм, фундаментализм ва ҳар хил ақидапарастликнинг инсоният ҳаётига хавфи тўғрисида маълумот бердилар.

Учрашув сўнгида марафон вакиллари ҳарбийларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Тадбир ҳаваскор қўшиқчиларнинг чиқишлари билан янада файзли ўтди.

Подполковник Шуҳрат ЮСУПОВ
(Факс орқали).

МУСТАҚИЛЛИК МАДҲИ

ИСТИҚЛОЛИМ ҚУЁШИ

Истиқлолим қуёши,
Ватан узра порлайбер.
Элу халқим шодонлаб,
Бахт-иқболга чорлайбер.

Ватан буюк кошона,
Остонасин зарлайбер.
Дунё узра номини,
Шон-шуҳратга ўрайбер.

Юртим, халқим ишончинг,
Фарзандларинг оқлайди.
Еру осмон сарҳадинг,
Мардонавор сақлайди.

Зиёталаб ёшларинг,
Дунё бўйлаб кезмоқда.
Илм уммони бепоён,
Чор тарафга сузмоқда.

Ватан буюк кошона,
Остонасин зарлайбер.
Мадҳин куйлаб Фахриддин,
Меҳр рубобин созлайбер.

Фахриддин ЭРНАЗАРОВ,
Навоий вилояти.

ҚУЁШЛИ ЮРТ

Эзгуликка интилган
Соф виждонли халқим бор.
Қалби офтобдай балққан
Ҳам заҳматкаш, ҳам ҳоксор.
«Оқ олтин» миришкори,
Бободеҳқон тўкар тер.
Ҳар тўрт фасл баҳордир,
Экин кўкартирар ер.
Унга меҳри чўнг оғам,
Қалбин қўрин беради.
Ҳосилидан баҳраманд
Кўкрак кериб юради.
Сайқалли Самарқанди
Бухоро тилда достон.

Кўҳна Хивани билгай
Бугун жумлаи жаҳон.
Мис, кўмир, маъданлари
Шойи, пахта – бари бор.
Олтин эрур қўллари,
Меҳнатдан қочмас зинҳор.
Ўзбегим шундай улуғ,
Шундай танти, мардона.
Истиқлол байроғини
Кўтаргай баланд яна!
Мустақиллик қуёши
Порласин деб ҳамиша.
Тотувдир кекса-ёши,
Бир-бирин олдга бошлар.

Юрт тинчлигин асрагай
Ўғлонлари мард, ботир.
Ўзбекистон гул бўлғай,
Бағрида дур, жавоҳир
Улуғлари руҳи ёр
Қўллаб турар бу юртни.
Ўзинг бағишла, унга
Келтир, барака-кутни.
Эркинг қўлингда, халқим,
Шиддатинг ортаверсин.
Қуёш бағрингда кулиб,
Кўксингга ботаверсин.

Эркин ШОМИРЗАЕВ.

СЕНИ КУЙЛАЙМАН

Серқуёш юртим деб куйлайман сени,
Эркинлик муборак, нурафшон юртим.
Истиқлол кунидир қуёш кулган кун,
Кундан-кун ёруғсан, муборак элим.
Ободу, мустақил эрксевар элнинг
Тақдирин елкалаб борар ёш авлод
Истиқлол туфайли ҳурдир бу макон,
Ғалаба муборак, бахтиёр ҳаёт.
Улуғ боболарнинг олий орзуси,
Истиқлол рамзида бўлган мужассам.
Адолат, ҳуқуқу, виждону, иймон
Элим қомусида бўлган жамулжам.
Кундан кун ёруғдир орзулар нури,
Ишончли қўлларда тинчликнинг туғи.
Бу ўлка мустақил диллар диёри,
Эркин Ўзбекистон Шарқ ифтихори.
Ҳуррият маскани порлоқ келажак
Халқлар қудрати-ла яралган неъмат
Байраминг муборак, қуёшли ўлкам,
Сен-ла бахтиёрман бағрингда мен ҳам!

Маҳмуджон ҚУРБОН,
Меҳнат фахрийси.

ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИГА ҒАМХЎРЛИК

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округда Мудофаа вазирлиги, округ қўмондонлиги ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси билан ҳамкорликда, ҳарбий хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлганлар, боқувчисини йўқотган ва оиласида ногирон боласи бор ҳарбий хизматчиларга махсус совғалар топширилди.

Совғаларни Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи подполковник Ислом Иноятов, округ қўмондонлиги офицери Олимжон Қўчқоров, округ хотин-қизлар қўмитаси раиси Тамара Мамановалар топширишди.

Қуролли Кучлар хизматчиси Назира Бекмуродова тўрт фарзандининг онаси. 2001 йил турмуш ўртоғи сержант Толиб Панжиев саломатлиги туфайли оламдан ўтади. Назира опа ва фарзандларини округ қўмондонлиги ўз муҳофазасига олиб, яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

– Менга ва болаларимга қилинаётган эътибордан кўнглим тоғдай кўтарилди,—дейди Назира опа.—Бу йил ҳам учта фарзандим ҳарбий лагерда дам олиб келишди. Ҳарбий хизматчилар доимо биздан хабар олиб туришади. Мудофаа вазирлиги ва округ қўмондонлигига ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Мен фарзандларимни отаси каби мустақил юртимизнинг содиқ фарзандлари қилиб тарбиялашга ҳаракат қиляпман.

Шунингдек, шартнома асосидаги хизмат сержанти Анвар Ходиевнинг қизи 2-гуруҳ ногирони Севара Ходиевага ҳамда офицер Дилшодбек Хожиматовнинг қизи Моҳларойим Деҳқоновалларга ҳам махсус совғалар берилди. Қизалоқларнинг керакли дори-дармонлар ва бепул даволанишлари учун кетадиган сарф-харажатлар Мудофаа вазирлиги томонидан таъминланадиган бўлди.

Бундан ташқари, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидаги ҳарбий ва ноҳарбий ташкилотларда фаолият кўрсатаётган, турмуш ўртоғи ҳарбий хизмат вақтида ҳалок бўлган, боқувчисини йўқотган, оиласида ногирон болалари бор фуқароларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, махсус совғалар топширилди.

Дилшода ҲАМДАМОВА.

Кўнгилга ташриф

ЯНГИЧА СОЗ, ЯНГИЧА ОҲАНГ

Ўзбек эстрадасида бу гуруҳнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, янгича услубда тинимсиз ижод қилаётган қизлар гуруҳининг бугунги номини янада машҳур қилиш учун анча тер тўкишмоқда. «Сетора» гуруҳининг қизлари бунга қайсидир маънода эришмоқда ҳам. Гуруҳ аъзолари – Нилуфар Отабекова, Ризвонгул Абдурасулова ҳамда Шаҳзода Бўтаевалардан иборат бўлиб, улар айни пайтда «Тарона» концерт студияси билан ҳамкорликда ишлайди. Биз «Сетора»нинг бугунги фаолияти билан танишиш мақсадида «Тарона» концерт студияси директори ўринбосари, гуруҳ маъмури Даврон Муқимовни ҳам суҳбатга чорладик.



– «Сетора» гуруҳига қандай келиб қолгансиз?

Ризвонгул: – «Тарона» концерт студияси «Сетора» гуруҳига янги қўшиқчиларни олиш мақсадида танлов эълон қилди. Албатта, бу танловнинг ўзига яраша шартлари бор эди. Аввалдан санъаткор сифатида фаолият юритганлигим боис ушбу гуруҳ таркибига қабул қилинишим у қадар қийинчилик туғдирмади.

Даврон: – Ўзбекистон бўйича эълон қилинган танловда жами икки минг иштирокчи уч йўналиш бўйича синовда иштирок этди. Чунки гуруҳнинг янги қизлари ҳар томонлама мукаммал бўлмоқлари лозим эди-да. Дастлаб қизлар ташқи қиёфаси бўйича сараланди. Бу босқичда улардан мингтаси билан хайрлашишимизга тўғри келди. Кейинги босқичларда эса иштирокчилар вокал, хореография ва камера олдида ўзини тутиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Натижада барча синовларда ўзини йўқотмай, мавжуд истеъдодини кўрсата олган айни пайтдаги гуруҳ қизлари «Сетора»га муносиб номзод деб топилди.

– «Сетора» номи билан фаолият юритган аввалги қизлар кўпчиликнинг қалбидан жой олиб улгуришганди. Сизни бу номнинг масъулияти чўчитмадими?

Шаҳзода: – Албатта, бу гуруҳнинг ўзбек эстрадасида ўзига хос овози ва имиджи бўлган. Шу боис ҳам танловдан муваффақиятли ўтгач, кўнглимда қанақадир ички қўрқув пайдо бўлди. Бироз машғулотлар олиб борилганидан сўнг ҳар қандай қўрқув ўз-ўзидан барҳам топиб, бизда ўзимизга нисбатан ишонч пайдо бўлди.

Нилуфар: – Тўғрисини тан олишим керак, бошида бироз қийналдим. Тинимсиз машғулотлар одамнинг тинкасини қуритиб юборарди. Бундай ўйлаб қарасам, санъат айнан мана шу каби қийинчиликлари билан ҳам завқли экан.

– Бугунги «Сетора»нинг аввалги қизлар билан муносабати қандай?

Ризвонгул: – Биз улар билан камдан-кам ҳолларгина учрашишимизга тўғри келади. Бундай пайтда бир-биримизни яқиндан танимаганимиз учун деярли мулоқот қилмаймиз.

– Уларни ўзларингизга рақобатчи деб билганликларингиз боисми?

Шаҳзода: – Санъат оламида бизнинг рақобатчимиз йўқ. Фақат устозларимиз бор.

Даврон: – Бу саволингизни ўзим тўлдираман. Бизнинг студиямизда продюсерлар юлдузларни кашф қилиб, уларни юксак чўққига кўтариш учун ишлашади. Шу боис бизда «рақобат» деган сўз йўқ. Бунинг ўрнига «мақсад», «юқори кўрсаткич» деган сўзларни ишлатамиз. Масалан, «Вой, бу қўшиқчи бизнинг рақобатчимиз» деб хавотирланмаймиз. Аксинча, бу йил бир хонандамиз мухлислар ишончини оқлаб, икки кун концерт дастури уюштирилса, кейинги йил уни янада машҳурроқ қилиб, тўрт кун концерт беришига ҳаракат қиламиз.

– «Сетора»нинг дастлабки клипларидан бирида аввалига маймун одамга айланади. Чиройли қизларни кўргач эса улар билан кетиб қолади. Жуда ғалати манзара. Бу билан «Сетора» қизлари нима демоқчи?

Даврон: – Биласизми, бу ерда ҳеч қандай ғоя илгари сурилмаган. «Жон-жон» қўшиғи ёзилганидан сўнг унга оригинал сюжет излаганмиз. Чунки бугунги клиплар кўпчилигида сийқаси чиққан бир хил мавзу тараннум қилинади. Шунда клипмейкер Темур Қодировни таклиф қилиб, янгича клип суратга олиш лозимлигини таъкидладик. Анча бахс-мунозарадан сўнг мавзуни «Маймунлар планетаси» фильмидан олдик. Натижада сиз таъкидлаган клип дунёга келди.

– Олдингдаги режалар...

Шаҳзода: – Биз ҳали йўлнинг бошланиш қисмида турибмиз. Шу боис кўзлаган манзилимиз олис. Мухлисларга манзур бўладиган чинакам қўшиқлар яратиб, уларни хурсанд қилсак, деймиз.

Даврон: – Гуруҳ олдидаги галдаги мақсадлардан бири иккинчи альбомни қисқа фурсатда ёзиб бўлиб, катта гастроль сафарларини режалаштирганмиз. Бу режада қўшни мамлакатлар, ҳатто Россия сафари ҳам кўзда тутилган. Ҳозир бунинг учун тайёргарлик кўряпмиз. Ўз ўрнида таъкидлашим керакки, яқинда янги клип ҳам суратга оляпмиз. Уни тез кунда мухлисларга тақдим қиламиз. Ўйлаймизки, оддий воқеалар асосида суратга олинаётган миллий руҳдаги бу клип кўпчиликка манзур бўлса, ажабмас.

– Айни пайтда «Тарона»да фаолият юритаяпсизлар, бу сизнинг эркин ижод қилишингизга тўсқинлик қилмайдими?

Шаҳзода: – Йўқ. Бу ерда продюсерлар, маъмурлар бизнинг фикримизни қадрлашган ҳолда катта ёрдам беришмоқда.

Ризвонгул: – Тўғри, хоҳлаган жойда ўзимизча эркин концерт уюштиролмаймиз. Лекин бизнинг танилишимизда уларнинг хизматлари беқиёс. Очиқроқ айтадиган бўлсам, улар бизга жавобгар.

Даврон: – Продюсер гуруҳнинг отаси, у нима деса, қизлар шуни бажаришади. Лекин отанинг ҳам гарданида масъулиятли зиммаси бор. Албатта, яхши фарзанднинг яхши отаси бўлмоғи лозим.

– Ижодда кимлар билан ҳамкорлик қиляпсизлар?

Ризвонгул: – Композиторлардан – Суръат Каримов, Равиль Гимазитдинов, Иброҳим Жиянов билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Шоирлардан кўпроқ Шоҳруҳ Жўраевга мурожаат қиламиз.

– Хориж сафарларида гуруҳ қизларини қандай қаршилашмоқда?

– Айтишим мумкинки, қўшни мамлакатлардан ташқари Россияда Шарқ санъатига қизиқиш жуда юқори. «Сетора»нинг шарқона услубдаги ҳар бир чиқишлари уч ҳафта давомида Россиянинг турли шаҳарларида илиқ кутиб олинди. Айни дамда ушбу мамлакатга яна таклифлар бўляпти.

– Гуруҳ қизлари учун унутилмас кун...

Шаҳзода: – Мен учун унутилмас кун илк бора катта саҳнага чиққан кунимдир.

Нилуфар: – Мен учун ҳам шу кун ҳаётимда энг унутилмас кун сифатида эсда қолган. Ҳеч қандай кичик залда чиқиш қилмай бирданига муҳташам «Халқлар дўстлиги саройи»да «Тарона тақдимоти – 2005»да қўшиқ куйлашимиз ҳаяжонлари билан эсда қоларли кун бўлган.

Ризвонгул: – Ҳаётимдаги унутилмас кун сифатида мен ҳам айнан шу кунни тилга оламан.

Суҳбатдош: Комилжон ҲАСАНОВ.

Театральный сезон

НОВОСТИ МЕЖСЕЗОНЬЯ

Бухарский кукольный театр успешно выступил на VII традиционном республиканском фестивале. Поставленный режиссером Муножат Эргашевой спектакль «Когда зажигают звезды» теперь получил путевку в Каир. Именно в египетской столице в сентябре нынешнего года состоится Международный фестиваль кукольных театров. Упомянутый спектакль – удивительная сказка о добре и любви, язык которой понятен всем людям планеты.

Сурхандарьинский областной театр представил на суд публики премьеру – спектакль «Сахибқиран» по пьесе народного поэта республики Абдуллы Арипова. В центре постановки – фигура знаменитого государственного деятеля, полководца, покровителя науки и искусства Амира Темура. Зрители остались довольны современной трактовкой образа «повелителя семи созвездий».

В Академическом русском драматическом театре идут репетиции спектакля «Все оплачено». Это странная история о том, как богатый одинокий человек решает «купить» себе семейное счастье и нанимает за деньги... жену. Сложная морально-этическая подоплека пьесы, поднятые в ней актуальные во все времена вопросы обещают сделать спектакль интересным для зрителей. Помимо этого, в начале сезона театр представит недавнюю премьеру «Дом, где все кувырком» Альваро Мартеса.

Ташкентский государственный театр музыкальной комедии (оперетты) заключил соглашение с Иркутским музыкальным театром имени Н.Загурского. Сибирским актерам пришлись по душе пьесы из репертуара отечественного театра, которые вскоре будут ставиться в Иркутске. Речь идет о комедий «Тетя, я женюсь» Алишера Икрамова и Владимира Баграмова и об одесской истории «Бриндюжник и король», написанной по мотивам произведений И.Бабеля.

Рустам АСКАРОВ.

ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



Каспаров выиграл блицтурнир в Цюрихе

Экс-чемпионы мира Гарри Каспаров и Анатолий Карпов разделили первое и второе места на выставочном шахматном блицтурнире, организованном в Цюрихе. Оба прославленных шахматиста набрали по 4,5 очка из 6 возможных. Они дважды сыграли вничью друг с другом, преуспев в матчах с двумя другими участниками блицтурнира – Юдит Полгар и прилетевшим в Швейцарию прямо с турнира в Испании Виктором Корчным. После подсчета дополнительных показателей победителем турнира был объявлен Каспаров, сообщает «ChessBase.com». После «матча четырех» начался сеанс одновременной игры, в котором приняли участие профессионалы и дилетанты со всей Швейцарии. Каждый чемпион одновременно сражался с 20 соперниками.

Финал Мировой волейбольной лиги

В Москве стартовал финал Мировой лиги по волейболу – престижного турнира, в котором участвуют сильнейшие мужские национальные команды. В финал пробились шесть сборных – четыре победителя отборочных групп (Сербия и Черногория, Франция, Бразилия и Болгария), Россия, как организатор соревнований, и Италия, получившая «wild card». Франция, Россия и Италия выступали в одной отборочной группе, заняв там три первых места с интервалом в одно очко. Основным соперником фавориты-россияне считают бразильцев – единственную команду, которая на предварительном этапе выиграла все 12 матчей. Итальянцы выиграли чемпионат Европы. Очень сильная и стабильная команда Сербии и Черногории. Французы в этом сезоне продемонстрировали командный дух. В болгарской команде собраны самые технически сильные игроки.



Роналдиньо – посол Доброй воли

Звезда мирового футбола бразильский полузащитник Роналдиньо стал послом Доброй воли ООН. На состоявшейся в Нью-Йорке пресс-конференции он поставил свою подпись под контрактом о его назначении официальным представителем ООН по вопросам спорта, мира и развития. За свою работу в этом качестве диспетчер «Барселоны» будет получить от ООН символическую зарплату в размере $1 в год. «Для меня огромная честь внести вклад в реализацию инициатив ОНН, касающихся содействия миру и развития посредством спорта», – заявил Роналдиньо. Первым заданием Роналдиньо на посту посла Доброй воли станет участие в подготовке Глобального саммита молодых лидеров, который пройдет в штаб-квартире ООН с 29-го по 31 октября.



Через Европу за 94 дня

94 дня потребовалось 34-летнему немецкому бегуну-экстремалу Рональду Прокайну для того, чтобы пробежать от европейской части Стамбула до самой северной оконечности континентальной Европы – мыса Нордкап в Норвегии. Спортсмен взял старт в Стамбуле и в сопровождении телеоператора и своей собаки преодолел более пяти тысяч километров по территории 11 европейских стран. Ежедневно Роланд Прокайн пробегал от 60 до 110 км, сообщает ИТАР–ТАСС. После столь длительного забега – 120 марафонских дистанций – порядком уставший спортсмен намерен отдохнуть, а затем начать планирование нового путешествия на грани человеческих возможностей.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Шахмат

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИГА ДАЪВОГАР!

Германиянинг Майнц шаҳрида шахмат фестивали доирасида тезкор шахмат – рапид бўйича ўтказилган "Ordix open" XIII халқаро турнирида 632 нафар шахматчи ғолиблик учун куч синашди.

Дунёнинг кўплаб таниқли ва кучли шахматчилари иштирок этган мазкур турнирда юртимиз шарафини 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳимоя қилди. 11 учрашувдан саккизтасини ўз фойдасига ҳал қилиб, уч марта дуранг ўйнаган ҳамюртимиз "Ordix open" XIII халқаро турнири ғолиби бўлди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, энди Рустам Қосимжонов келаси йили Майнцда ўтказиладиган шахмат фестивалида ҳиндистонлик Вишванатан Ананд билан тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги учун беллашади. Бу йилги беллашувда ҳиндистонлик гроссмейстер озарбойжонлик Теймур Ражабов билан саккиз партия ўйин ўтказиб, 5:3 ҳисобида ғолиб чиқди ва рапид бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Шунингдек, Рустам Қосимжонов Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ томонидан классик шахмат бўйича ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этадиган энг сара шахматчилар рўйхатидан жой олган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ТУРКИЯДАН ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН

Туркияда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида уюштирилган бутунжаҳон шахмат олимпиадаси юртимизда XIII жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов издошлари кўпаяётганлигини яна бир карра исботлади.

Аввалига хитойлик тенгдошларига 1,5:2,5 ҳисобида имкониятни бой берган юртимиз вакиллари Швейцария шахматчиларини 4:0, эронликларни 2,5:1,5 ҳисобида доғда қолдириб, Олимпиаданинг сўнгги уч кунида саккиз очко жамғаришди. Шундай қилиб, шахматчиларимиз озарбойжонлик, венгриялик «ақл гимнастикаси» усталари терма жамоалари билан бир хил – 25 очко жамғаришди ва олтинчи ўринни эгаллашди.

Шоҳсупанинг юқори поғонаси 31 очко тўплаган Украина терма жамоасига насиб этган бўлса, 29 ва 25 тадан очко эгаси бўлган Грузия, Хитой терма жамоалари иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Шахсий биринчиликда Хуршид Мустафоев маҳорат эгаси эканлигини исботлади. Ҳамюртимиз венгриялик Петер Прохазе ва украиналик номдор шахматчи Ярослав Чербукларни мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Қолган шахматчиларимиз – Александр Касьян – 15-ўрин, Евгений Пак – 10-ўрин ҳамда Жамшид Мустафоев – тўртинчи ўринлар эгаси бўлишди.

Дзюдо

ЕСТЬ НАДЕЖДА НА УСПЕХ

Сегодня армейская дружина во главе со старшим тренером Борисом Григорьевым вылетела в город Винкович (Хорватия) на чемпионат мира среди Вооруженных Сил.

– В составе нашей сборной команды, – говорит Борис Григорьев, – такие известные мастера татами, как чемпион мира по курашу рядовой по контракту Рамзиддин Саидов (ЧВТКИУ), мастер спорта международного класса младший сержант Михаил Соколов (СВВАКИУ), рядовые по контракту Уткир Курбанов, Уткир Салямов и рядовой срочной службы Сухроб Дустов (все из МХСК). Я уверен, что наши спортсмены сделают все от них зависящее: продемонстрируют свое мастерство, проявят силу воли на пути к призовым местам. Нами же запланировано на этих соревнованиях завоевать медали всех достоинств. Это будет нашим подарком к 15-летию независимости страны.

Гребля на байдарке

НАРАВНЕ С МИРОВЫМИ ИМЕНАМИ

Представители более 50 стран, в том числе и Узбекистана, приняли участие на чемпионате мира в городе Сегет (Венгрия). Отрадно отметить, что узбекистанские спортсмены по этому виду спорта стали бороться наравне с опытнейшими байдарочниками мирового класса. Яркий тому пример – результат, показанный нашей соотечественницей Юлией Борзовой на дистанции 200 м. Она отстала от третьего призера чемпионата мира всего лишь на 0,003 сек.

Легкая атлетика

«ЗОЛОТОЙ» ПОДАРОК СВЕТЛАНЫ

На завершившемся в Пекине (Китай) чемпионате мира среди юниоров наша соотечественница Светлана Радзивил стала победительницей. Тем самым она сделала «золотой» подарок к 15-летию независимости нашей Родины.

Девятнадцатилетняя узбекистанская спортсменка уже вписала свое имя среди рекордсменов на Азиатском континенте на недавнем чемпионате Азии. Тогда в Макао Светлана взяла высоту 190 см, превысив тем самым рекорд Азии на два сантиметра. И вот теперь, выступая в составе национальной сборной на чемпионате мира, где в числе претендентов на медали участвовали представители более 200 стран, Светлана повторила свой предыдущий результат. Она завоевала золотую медаль чемпионата мира. Несомненно, Светлана – одна из самых перспективных атлеток не только в нашей стране и в Азии. Теперь она доказала, что узбекистанская спортсменка – лучшая и в мире.

Футбол

РЕЙТИНГ ЮҚОРИЛАДИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси жаҳон клублари янги рейтинг рўйхатини эълон қилди.

Мазкур федерация томонидан аввал эълон қилинган рейтинг жадвалида мамлакатимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» 126-ўринга қўйилган эди. Янги рейтинг рўйхатида эса Ўзбекистон чемпионига 121-ўрин насиб этди. «Пахтакор» ўтган рейтинг натижасига нисбатан беш поғона юқорилади.

Дарвоқе, қитъамиз клублари орасида «Пахтакор» иккинчи ўринни эгаллади.

Ёзги биатлон

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Россиянинг Чита шаҳрида ёзги биатлон бўйича якунланган Осиё очиқ чемпионатидан ўзбекистонлик спортчилар медаллар шодаси билан қайтишди.

Дастурдаги 6 километр масофадаги баҳсларда барча совринли ўринлар ҳамюртларимизга насиб этди. Жумладан, Руслан Носиров – олтин, Анузар Юнусов кумуш, Мурод Ҳожибоев бронза медаллари соҳиби бўлишди. Қизлар ўртасида кечган беллашувларда Зарема Мамедова кумуш медаль билан тақдирланди.

Ҳозир спортчиларимиз жорий йилнинг 3-10 сентябрь кунлари Уфа шаҳрида бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўришмоқда.

Подготовил Нуритдин ХАЙРИТДИНОВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМОНОВ, Х. ЗАЙНИЛОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-2742. **Адади** 24450.